

ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

ТОПМАДИМ

ҒАЗАЛЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

Ўз I
Н14

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҲАМИД СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР
ИНСТИТУТИ**

Таҳрир ҳайъати:

Азиз Қаюмов, Абдулла Орипов, Абдуқодир Ҳайитметов, Бегали Қосимов, Жамол Камол, Натан Маллаев, Алибек Рустамов, Омон Матжон, Суйима Ғаниева

Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов
Тузувчи: Марям Раҳматуллаева

Навоий, Алишер.
Топмадим: Ғазаллар/ (Таҳрир ҳайъати: Қаюмов А. ва бошқ. Масъул муҳарр. В. Раҳмонов; Кириш сўзи М. Раҳматуллаеваники) . — Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — 784 б. — (Ўзбек адабиёти бўстони).
Сарл. олдида: ЎзССР ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти.

«Топмадим» номли ушбу тўпламга Алишер Навоийнинг севги, дўстлик, тўғрилик ва покликни тараннум этувчи турли жанрдаги асарларидан намуналар киритилди. Улар китобхонларимизни буюк мутафаккир шоиримизнинг пок маънавий олами ва гўзал, ранг-баранг образлар дунёси билан янада яқинроқ ошно этади деган умиддамиз.

Навои А. Друга я не пашел: Газели, Ўз I

Н $\frac{4702570100-23}{М352(04)-88}$ 1—88

ISBN 5—635—00023—1

ТУЗУВЧИДАН

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий беш достонни ўз ичига олган улкан «Хамса», аруз вазни сирларини баён этувчи «Мезон ул-авзон», эски ўзбек тилидан сабоқ берувчи «Муҳокамат ул-луғатайн» ҳамда «Назм ул-жавоҳир», «Насойим ул-муҳаббат», «Вақфия», «Тарихи мулуки Ажам» ва ҳаёти тажрибаларининг хулосалари каби яратилган «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарлари қатори тўрт йирик девонни ўзида жамлаган «Хазойин ул-маоний» номли лирик полотнонинг ҳам яратувчисидир.

Навоий бутун ҳаёти давомида лирик шеърлар ижод этади. Шарқ шеъриятининг барча жанрларини юксак маҳорат билан янги тараққиёт босқичига кўтарди. Шоир лирик ижодиёти инсоннинг мураккаб ҳис-туйғуси ва руҳий кечинмаларини, унинг орзу, ниятларини, истак ва интилишларини, ҳаёт воқеа-ҳодисаларига муносабатини, табиат кўрки ва ундан баҳрамандлик кабиларни юксак санъаткорона муҳаббат билан бадиий ифодалайди. Шунинг учун ҳам Навоий шеърларининг умри абадийдир. Унинг шеърлари халққа ҳамроҳ, ҳамдам, ҳамдарддир. Ҳозирги кунимизгача шоир шеърлари халқ куйлари, классик мақомларда кишиларга завқ бағишламоқда.

Созандаларимиз шоир шеърларига янгидан-янги куй басталамоқдалар.

Навоий жуда улкан ва ғоят бой лирик хазина яратган шоир. У «Хазойин ул-маоний» (1492—1498) лирик мажмуасини яратгунга қадар ўзи икки девон — «Бадойиъ ул бидоя» («Илк гўзалликлар» 1470—1480) ва «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар» 1482—1487) ни тузган эди. Мазкур девонларнинг энг нодири, Навоий барҳаёт даврида кўчирилган қўлёзма нусхаларининг, бизгача етиб келганлиги жуда катта илмий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Навоий лирик поэзия тараққиётига ўзига хос жуда улкан ҳисса қўшган даҳодир. У лириканинг ўзигача бўлган мавзу доирасини беқиёс кенгайтирди. Ижтимоий ҳаёт масалаларининг турли-туман қирраларини мавзу қилиб олди.

Покиза, самимий севги ва севгида садоқат, ҳижрон аламлари, вафо ва дўстлик аҳди, шафқат ва меҳр, халққа, ватанга муҳаб-

бат, инсонни севиш, халқлар дўстлиги, инсоф ва адолат меҳнатсеварлик, ҳунар ўрганиш, илм-маърифат эгаллаш ва уни халқ хизматига қўйиш, одоб ва тавозу, ҳалоллик ва саховат, тўғрилик, табиат инъомидан ўринли баҳраманд бўлиш, ҳиммат, саховат ва қаноат, юрт тинч-осудалиги, мамлакат ободонлиғи, халқнинг маъмур ҳаёт тарзи масалалари шоир шеъриятига мавзу бўлиб кириб келди.

Навоий шеъри ҳаёт таронаси, инсон шарафи, инсон улуғворлиги, инсон гўзаллиги, инсон қадр-қимматиға мадҳиядир.

Оламу одам фидоиг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Инсон ҳаётининг моҳияти, мезони, мазмуни унинг жамиятга, кишиларга, ўзига қилган яхшилиги, яхши хизмати бўлмоғи лозим. Комил инсон яхши фазилат эгаси, илм-ҳунар эгаси бўлмоғи, унинг фазилати ва касб-ҳунари, илмидан эл баҳраманд бўлиши керак:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Инсон умри боқий эмас, лекин яхшилик билан яшаган инсоннинг номи боқийдир:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от.

Муаммо жанрида ёзилган бу байтда мутафаккир шоир кишиларни эзгуликка даъват этади. У инсонларни халққа, она ватанга садоқатли, меҳрли бўлишга чорлайди. Халқ бахти-саодати ҳар бир киши иқболи, унинг ранжи ҳар бир шахс ранжидан ортиқ:

Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламан,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Лекин шоир яшаган даврда реал ҳаёт воқеа-ҳодисалари унинг орзуларининг акси эди. Ўзаро феодал урушлар, зулм-зўравонлик, илм-маърифат аҳлининг хорликда, жаҳолат намояндаларининг эса варбофларга бурканиб роҳату фароғатда кун кечиришларининг шоҳиди бўлган шоир изтиробга тушади. Ҳукмдорларни тотувликка, инсофга чорлайди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиқ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш!

Бироқ шоир яшаган даврда у орзу қилган давр аҳлини топиш маҳол эди. У мадҳига шеърлар битган комил инсон замонасининг асосий гуруҳ ва табақалари орасида ҳам топилганича йўқ, шунинг учун дейди:

Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб—топмадим,
Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ, ҳоҳ сойил, хоҳ шоҳ...

Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирмен, жаҳондин ҳам,
Дема аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам...

Парим бўлса, учиб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Навоийнинг лирик қаҳрамони тушкунликка тушмайди, халқ манфаатини бир дақиқа унутмайди, унинг маъмурлиги, фаровонлиги учун курашади, халқ шодлигига қувониб, унинг изтиробидан қайгуради.

Шоир бадбин зоҳидларга, риёкор, ҳийлакор шайхларга қарши ўткир, аччиқ сўз билан курашади. Уларнинг жоҳиллиги, тамагирлиги, иккиюзламаликларини қаттиқ қоралайди, улардан нафратланади.

Навоий шеърлари инсон ҳаётининг турли томонларини ўз ичига қамраб олган дедик. Чин инсонийликка зид бўлган иллатлар — такаббурлик, ялқовлик, ёлгончилик, фирибгарлик, жоҳиллик, бахиллик, очкўзлик, фитна-фужур, ичкиликбозлик, аччиқ сўзлилик, нодонлик, хушомадгўйлик, шошма-шошарлик, одобсизлик, баднафслик, ўринсиз шуҳрат учун мол-дунё сочиш, амалидан фойдаланиб халққа жабр қилиш ҳолларини танқид қиладики, булар ҳаммавақт ҳам ўз тарбиявий аҳамиятига эга:

Кимки махлуқ хизматига камар
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.
Кўл ковуштургунча бу авлодур
Ки, анинг чиқса эгни, синса али.
Чун хушомад демакка бошласа, кош
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Навоий шеърлари жамланган мазкур тўпламга шоирнинг кўпроқ ҳаёт сабоқларидан хулосалар чиқариб, ўзининг олам ва одам ҳақидаги маърифий, ижтимоий-фалсафий қарашларини бадиий ифода этган, замони замона аҳли тўғрисидаги мушоҳадалари инъикос этилган шеърларини киритишга ҳаракат этдик. Тўпламга шоирнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги ғазал кўпроқ ҳамда «Хазойин ул-маоний» девонларидаги ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, қитъа, рубоий, чистон, фардларидан танлаб берилди.

Навоий лирик мероси Совет даврида бир неча марта чоп этилди ва ўз ворислари — кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Улар турли хрестоматия ва антологияларда — 1941, 1948, 1959 йиллари, алоҳида тўпламларда 1940, 1948, 1963, 1965 йиллари ва тўла академик нашрда 1959, 1960 йиллари чоп этилган. Тўпламни нашрга тайёрлашда девонларнинг Ҳамид Сулаймон нашридан фойдаланилди. Умидвормизки бу улуғ зотнинг ушбу шеърлари ўқувчиларни яхшиликка, энг олий, энг инсоний орзуларни рўёбга чиқаришга илҳомлантиради, уларни ёрқин йўлларга етаклайди.

МАРЯМ РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ғазаллар

Дарди ҳажримға ул икки лаъли хандондур даво,
Ким ўлар, Исо дамию оби ҳайвондур даво.

Не даво Исо дамин фаҳм айла, не ҳайвон суйин,
Ҳажр жонин олғап элга васли жонондур даво.

Ишқ аро заъфим давоси шарбат эрмас, эй ҳаким,
Шарбати васл этмайин ҳосил не имкондур даво.

Ҳажр аро дардим давосин ёр мушкил деб эмиш,
Раҳм агар қилса анинг оллида осондур даво.

Дарддин ғамгин кўнгулда хона қилмиш юз мавод,
Эй қарокўз, дафъиға бир неши мужгондур даво.

Зулфи зуннориға боғланған узорин очти ёр,
Зулмати куфр ичра элга нури имондур даво.

Гар менинг бедиллигим дарди давосин истасанг,
Эй Навоий, бу маразға кўнглум олғондур даво.

* * *

Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,
Не айб агар қилди бу девонани расво.

Расволиғ ўтиға ўзни ўртади баским,
Шамъ этти шабистон аро парвонани расво.

Оламда не расволиғ экин ушбуки, ҳаргиз
Ишқ айламагай мен турубон ёнани расво.

Бегонапараст ўлма соғиндурдум ўзумни,
Ўз турғанида айлама бегонани расво.

Зоҳид мени расво, деди, лекин ўзи қилди
Май тўқтамайин кўнглига майхонани расво.

Афсона дема соқию қил марҳамат айлаб
Бир май била бу ишқда афсонани расво.

Расво эса ишқ ичра Навоий, ажаб эрмас,
Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво.

* * *

Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,
Эйладурменким, кўрунмас кўзума оқу қаро.

Ҳажр аро раъно қадинг нахлин тилармен тенгридин,
Шомлар шамъ истагандек хайр аҳлидин гадо.

Гар фироқ айёмининг билмон ҳисобин, не ажаб
Ким, юзунг ҳажринда кундуз кеча янглиғдур манго.

Барқ эмас, оламға юз қўймишдур оҳимдин шарар,
Раъд эмас, гардунға чирманмиш фиғонимдин садо.

Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингға, эй шайдо кўнгул
Ким, эмассен хаста жоннинг ҳеч дардиға даво.

Неча оқғай кўз ёшим, еткур ғуборин, эй насим,
Фарзи айн эрур ёшорур кўзга солмоқ тўтиё.

Умр елдек ўтмакин дебсен, магар, эй боғбон
Ким, яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.

Жон топай дерсен сабуҳидин вале ғофилки, субҳ
Чок этиб кўнглак, сенинг ҳолингға тутмиштур азо.

Эй Навоий, хаста кўнглумга мададдур поваки,
Рост андоқким, заиф элга берур қувват асо.

* * *

Кўзунгга тани нотавоним фидо,
Равонбахш лаълингға жоним фидо.

Лабинг ранги олинда қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо.

Белу оғзинг олди тану жонниким,
Анга ошкору ниҳоним фидо.

Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф,
Демайким, санга баҳру коним фидо.

Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси,
Ки оллингда яхши-ёмоним фидо.

Фано даштида қани оворалиғ
Ким, ул сайрга хонумоним фидо.

Навоийдин олдинг кўнгул, жони ҳам
Санга бўлсун, эй дилситоним, фидо.

* * *

Дўст бўлмас гар жаҳон аҳлиға жон қилсанг фидо,
Душмани жондур агар жону жаҳон қилсанг фидо.

Хаста жонингға балойи жовидондур қотиле
Ким, таманносиға умри жовидон қилсанг фидо.

Эй кўнгул, кўрсанг лабу қаддин, керак шукронаға
Жавҳари жонинг била нақди равон қилсанг фидо.

Деди: келгум сўрғали, эй ишқ, жоним асрағил
Ким, керакким, киргач ул номеҳрибон, қилсанг фидо.

Умрға йўқ эътимод, эй хаста жон, ўзни керак
Ул кўнгул оромини кўрган замон қилсанг фидо.

Жилва айлар ҳар тараф бир муғбача, эй пири дайр,
Жоним олиб сен бил, они ҳар қаён қилсанг фидо.

Эй Навоий, кош юз жонинг бўлуб, жононадин
Истамай бир васл, борин ройгон қилсанг фидо.

* * *

Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингға жони афгорим фидо.

Ашкким, андин томар, гирён кўз онинг садқаси,
Қонғаким, мундин чиқар бу чашми хунборим фидо.

Ул кўзу бу лабға умрум боғу гулзориндағи
Иаргису гул барги йўққим, боғу гулзорим фидо.

Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж
Сабру ишқим садқа, яъниким йўқу борим фидо.

Гар кўнгул оҳу кўзунг оллида лойиқ бўлмаса,
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамкорим, фидо.

Жон агар ширин лабингға ўлгали дархўр эмас,
Айлай алфозинг учун, эй талхгуфторим, фидо.

Ўзлугумнинг қайдидин бир май билан қилдинг халос,
Ваҳ, не дей эй муғ, санга бут бирла зуннорим фидо.

Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,
Бодау шоҳидқа бўлмай нақд ниндорим фидо.

Эй Навоий, демаким, жону кўнгулни найладинг,
Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо.

* * *

Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.

Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъум даст бермас кимсага бўлмай дирам пайдо.

Шафақгун юз ҳилоли қош ила то жилвагар бўлдунг,
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди хам пайдо.

Самад қилғоч зуҳур ул навъким асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабҳут, бўлғач ул санам пайдо.

Чу айлар жилваи ҳуси ул пари ушшоқ аро, нетгай
Юзин ёшурмаса бўлғон замон мен телба ҳам пайдо.

Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда
Қадам урғон дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.

Қўюнг йиғлайки, кўнглумнинг ғубори пастроқ бўлсун
Ки, маньи гард этар нагаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.

Оқизғил бода селобини, эй соқийки, ҳижрондин
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо.

Навоийни чу сўрдунг, эй пари, бир дам таваққуф қил
Ки, ул Мажнун бўлур саҳро юзидин дам-бадам пайдо.

* * *

Гулбарг уза қилмишсен то сабзаи тар пайдо,
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо.

Лаълинг ғамидин суда гул яфроғи келгандек
Ашкимда келур ҳар дам парканд жигар пайдо.

Жисмимдин оқиб қони, пайкони аён бўлди,
Шох узра бўлур доим гул кетса самар пайдо.

Жон риштасидек эрмас кўзларга белинг маръий,
Чобуклик учун қилдинг боғларға камар пайдо.

Ул зулф саводида ўлдум юзини кўрмай,
Ваҳким, йўқ эди муҳлик шомимға саҳар пайдо.

Даврон ғамидин кўнглум мақбуз эрур, эй соқий,
Басти учун эткайсен ҳам бода магар пайдо.

Килкида Навоийнинг жон шираси музмардур,
Ҳар найда қачон бўлғай бу навъ шакар пайдо.

2—12

* * *

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё?
Ё шуъла аро бир-бир ахгарму экин оё?

Ҳар сори қулоғингда гавҳарму экин ёхуд
Ҳар жонибида ойнинг ахтарму экин оё?

Рухсоринг уза хайдин юз қатраки, кўргуздунг,
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Ғунча ичида даврон муҳкам тикан урғондек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?

Кўнглум қушиким, қолмиш зулфунг аро саргардон,
Савдо тунида сойир шаппарму экин оё?

Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган
Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?

Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур,
Ё заҳри фироқ ичра ништарму экин оё?

Жон пардасида ҳарёнким янги туганлардур,
Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?

Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти
Ишқингни, санга бу сўз боварму экин оё?

* * *

Ул ой бу телба била ёрму экин оё?
Замири ичра ғамим борму экин оё?

Бу ким, фироқи ўзумдин хабарсиз этти мени,
Ўзи бирорта хабардорму экин оё?

Кўзум тобониғаким шоми васл суртармен,
Уюбму эркин, бедорму экин оё?

Мен ул тараф боролмон, кўнгул кела олмас,
Менингдек ул даги беморму экин оё?

Каманди зулфики, очилғач учти имоним,
Расанму, риштаи зуннорму экин оё?

Бу хирқа бодаға раҳн ўлди, бўлмишам саргум,
Гаравга навбати дасторму экин оё?

Навоий ўзлукидин кечти, доғи қўйди қадам,
Бу йўлда эмди сабукборму экин оё?

* * *

Ер тутар кўнглумда гардуидин жудо бўлғон бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлғон бало.

Истамонким ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё раб, манго бўлғон бало.

Шод юзланманг балолар бизгаким, бўлмас халоо
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлғон бало.

Васлида рашк ўлтурур, ҳажрида ғам, ваҳким, манга
Васл аро бўлғон балодур, ҳажр аро бўлғон бало.

Ўлтурурлар ҳамдаминг бўлсам, ўлармен бўлмасам,
Бўлмағон, жоно, сенинг бирла бало бўлғон бало.

Носиҳо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг
Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлғон бало.

Чун балосиз ком йўқ, топмас бақо комин магар
Кимки, они ўртамас оти фано бўлғон бало.

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдан сиво бўлғон бало.

* * *

Миръоти ҳуснунг тийрадур бу оҳи дардолуд аро,
Равшанлиғи мумкин эмас чун шамъ қолди дуд аро.

Бутганга ўхшар дегасен ҳар ён қизил гул узра барг,
Ҳар саридин пайконларинг бу жисми хунолуд аро.

Шоми ғам оҳим дудидур, ул дуд аро ҳар ён шарар,
Билгил нуҳусат анжуми бу шоми қийрандуд аро.

Хай қатрасида ғарқ эрур холинг саводи, ваҳ нетай,
Бир тийра кавкаб фитнаси юз ахтари масъуд аро.

Очтинг чу зулф, ул икки кўз ҳар ён ҳаданг отмоқ не тонг,
Ким, қолмиш икки турки Чин ҳиндуйи номаъдуд аро.

Ул кўй қасди этмишам, эй воиз, ани манъ этиб,
Ҳар дам дема жаннат сўзин, сўз солмағил мақсуд аро.

Қочса Навоий шайхдин пири муғон сари не айб
Ким, бор тафовутлар басе мақбул ила мардуд аро.

* * *

Кирса ул гул хирмани ағёр ила гулзор аро,
Мен ҳамопо толпипурмен хирман этган хор аро.

Жоипи аиглабмеи бололар ичра, ўлсам не ажаб
Ул замонеким, кўрармен ёрни ағёр аро.

Ложуварди вўсма бирла зеб берган қошлариюг
Жилвагар бўлғап ики товус эрур гулзор аро.

Зулфида саррипштаи имон бадалдур куфр ила,
Не тофовут тушса Марям риштаси зуппор аро.

Заъфлиғ жисмимда билгурган тугаплар ҳайъатин
Англа ёндошқан тугаиларнинг шабиҳи тор аро.

Тушти ел кайфиятидан сувға гул яфроғлари,
Йўқса майдин гуллар ўлди зоҳир ул рухсор аро.

Масжид ичраким мени таҳқир қилдинг, эй фақиҳ,
Кўргасен жоҳимни кирсанг кулбаи хаммор аро.

Май ҳубоби гунбадин базм ичра ул дам доир эт
Ким, шафақ май зоҳир этгай гунбади даввор аро.

Эй Навоий, элга билгил беиаволиғ боиси
Ҳар навоким, зоҳир айларсеп фиғони зор аро.

* * *

Жонда куйдум чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактубдур ёхуд алифдур жон аро.

Риштаи олики, чирмаб эрди очиб асрадим
Хунфишон кўз рагларидек дийдаи гирён аро.

Нотавон жисмим кўрунди заъфдин ул риштадек,
Баски, булғондим икки кўзумдин оққан қон аро.

Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзуламон
Ким, ғамим айш этти етгач кулбаи эҳзон аро.

Гарчи жонондин азиз эрмас, эрур жондин азиз
Ким васила бўлди маҳзун жон била жонон аро.

Руқъаи эҳсондин, эй мунъим, гадо комини бер
Ким, бу янглиғ ганж топмас кимса бу вайрон аро.

Эй Навоий, номаи мақсуд етти, хушдил ўл
Ким, хати озодлиқ будур ғами ҳижрон аро.

* * *

Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро
Магарки мўрча нисфи узулди шаккар аро.

Кўнгулда нуқтаи холинг хаёли тўш-тўшдин,
Ёғин асарларидур нуқта-нуқта ахгар аро.

Юзунгда қатраи хай касрати аросида хол,
Бириси мунхасиф ўлмиш бу хайли ахтар аро.

Кеча не навъ юмай кирпикинг хаёлида кўз,
Мангаки игна бутар тонгға тегру бистар аро.

Бу ўтки, мендадурур, дўзах ичра қочқай халқ,
Киюрсалар мени ошуб бирла маҳшар аро.

Қадаҳ кетурки, фалак жавридин амон ҳирзи
Замона ёзмади жуз даври жому соғар аро.

Навоий, айла макон чарх гулшанин, яъни
Ки, чуғз бўлма бу вайронаи муҳаққар аро.

* * *

Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро.

Лек ул тиканлар узра хаёлинг била кўнгул
Ўйнар магар гул уарою аҳнар суман аро.

Жисм уйидин кўнгул тилар ул кўйин, вале
Ғурбат суубатин киши билмас ватан аро.

Эрмас учур лабингдаки, ул юз Суҳайлидин
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.

Жоним лабинг шаҳиди эканга тануғ дурур
Ҳар ол ришта қонга бўялган кафан аро.

Булбул не куймасунки, бир ўт ёқти қасдиға
Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.

Кўрдунг Навоий ул сари зулф узра юз шикан,
Кўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.

* * *

Эй алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро,
Жисм ичинда жон кибисен барча султонлар аро.

Қушқа ўхшарким, тикандур ошиёни, то кўнгул
Тирборони ғамингдин қолди пайконлар аро.

Ғам топар ҳажрингда ашким ичра кўнглум порасин,
Иш кони топқан киби эл ғойибин қонлар аро.

Чок кўнглум хўблар кўнгли аро топти шикаст,
Ваҳ, бутун қолғайму ёруғ шиша сандонлар аро.

Доғлар ичра алифлар зор жисмим мулкида
Ғам сипоҳиға қиличлар бўлди қолқонлар аро.

Элга куюнгдур макон, мен қулни қавмоғлиғ недур,
Булбул ўлса, зоғ ҳам бўлур гулистонлар аро.

Иста йиртуқ жанда кийгонларда маъно махзанин
Ким, бу янглиғ ганж ўлур ул навъ вайронлар аро.

Атласу зарбафт аро нодон анингдек ҳажв эрур
Ким, хатое сафҳада сабт ўлди афшонлар аро.

Бу эшикни чун тилаб келди Навоий тенгридин,
Ул сабабдин гўиёким қолди дарбонлар аро.

* * *

Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро
Ким, букуи чобуксуворим йўқтур ул майдон аро.

Тийраликдин кўр этибтур кўзларим ҳар кўнги гард
Ким, бор эрди тўтиё бу дийдаи гирён аро.

Сенки майдон ичра йўқсен, пайкаредур жони йўқ
Ҳар пари пайкарки, маркаб секретур жавлон аро.

Гарчи ҳар шўхе сурар майдонға ўқ янглиғ саманд,
Чун сенинг рахшинг эмас, биллаҳ, ўқидур жон аро.

Тер оқизгон аблақингдектур сени келгайму деб
Ҳар сари тушкан кўзум юз минг дури ғалтон аро.

Онсиз урмиш ҳалқа чобуклар, не янглиғ итмайин
Ким, кўрунмас зарра, хуршид ўлмаса даврон аро.

Меҳрдек гар тавсани гардунға мингилким, сипеҳр
Паст этарда фарқ йўқ хуршид ила Кайвон аро.

Гар қуёш зангин фалакрафторлиғ рахшингга ос
Ким, тузар ул занг навҳанг нағмасин афғон аро.

Эй Навоий, кет бу майдондин, гар ул ҳур ўлмаса,
Биллаҳ, ўлсам турмағаймен равзаи ризвон аро.

* * *

Тийғи заҳролудидин жисмимда сартосар яро,
Чашмаи заҳри ғамидин ичмакимга ҳар яро.

Найлай ўлмай, эй кўзи қотилки, юз минг ёрадин
Жисми афгорим уза муҳликдурур аксар яро.

Итларинг меҳмоним ўлса, туъма ёрам қонидур,
Қотил ўлғоч, турфа кўрким, бўлди жониарвар яро.

Қон борурдин гарчи жисмим боғиға бўлмиш хазон
Турфароқким, қоидин очмиш юз гули аҳмар яро.

Ёраға қўйғон момуғлардин бўлур бошимға тож,
Лаъли ёқут айламиш ул тожға зевар яро.

Ёғмағон бўлса танимга тирборони фироқ,
Бир баданда кимга бўлгай бу қадар бовар яро.

Ёра гар маҳбубдин юз мунча етса, бок эмас,
Чун етар аҳбобдин, айлар мени музтар яро.

Десанг, эй соқий, бадал бўлсун, қадаҳ тут беҳисоб
Ким, тўкар қонимни беҳадким, эрур бемар яро.

Эй Навоий, қайси бир ёранг ўнғалгай, негаким
Турғани бирла эрур бу нотавон пайкар яро.

* * *

Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо,
Улки даврон офатидур, не тамаъ андин вафо.

Жониму умрумдур ул ой, бевафо бўлса не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо.

Гар вафо қилсанг эрур андинки, бордурсен пари,
Йўқса ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо.

Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ кўрмадим,
Ҳар нечаким кўрдилар мен зори ҳайрондин вафо.

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Кимса кўнглин кимсадин истаб вафо олдурмасун
Ким, менга худ етмади ул кўнглум олғандин вафо.

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,
Топтинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо.

* * *

Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо
Ким, кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.

Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.

Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам бир тараф, ул бир тараф
Ким, етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.

Сайддекким, чаргада юзланса ҳарён келгай ўқ,
Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.

Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ не ажаб,
Чун кўрар ушбу сияҳрўзи паришондин жафо.

Англа, жоноким, жафо қилмоққа топқунг йўқ киши,
Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.

Кечалар ул ой жафосидинки, афғон тортарам,
Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.

Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима
Еткурур ҳар дам яна бир номусулмондин жафо.

Эй Навоий, борғали жонон сари жоним, етар
Жонға жонондин жафо, мен хастаға жондин жафо.

* * *

Доғларким, қўйдум ул ой фурқати озорида,
Дуди ҳар бирнинг эрур доғе фалак рухсорида.

Заъфим ичра қасри томиға таянғондекдурур,
Ҳар сомон кўрсанг ёнушқан кўйининг деворида.

Бир мусулмонға эрур дин қасди этгандин ҳисоб,
Ҳар тугунким, кўрсанг ул кофир сочи зуннорида.

Гулшан ичра кўп бинафшангдин дема, эй боғбон,
Нил ила кўр холлар ҳар ён юзи гулзорида.

Қўйди гулгун муҳрлар жон риштасида қон ила,
Ваҳки, солур муҳри, ё гулму экин дасторида.

Танға жон кирган киби жононни еткур, эй табиб,
Эмдиким жондин рамақ зоҳир эмас беморида.

Ваҳки, бир қотилға ошиқменки, жоннинг бийми бор,
Ишқининг жон ичра ҳам ихфоси, ҳам изҳорида.

Топмасанг давр аҳлида меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.

Эй Навоий, ақлу дин яғмо қилур даврон майи,
Чиқ равон бу базмдин филжумла ҳушунг борида.

Соҳиредур ул кўз аммо холи ҳинду остида,
Нуқтадур ораз уза, йўқ эрса жоду остида.

Соъидин кўрдик запахдон остида фикрат чоги
Кимки, кўрмайдур билурин даста кўзгу остида.

Шоҳлар тожига лойиқ тугмадур, гар берса даст
Гўйким кўргузди ул чобук узангу остида.

Ичса май жисми сафосидин кўруиур то борур
Лаъл, агар тушса, кўрунгандек сузук су остида.

Оташи гулнинг ниҳолисен унут, эй андалиб,
Кулдии ўзга гулхани бистар солурму остида?!

Жоми минони иликдин қўймаким, бу шевасиз
Кимса хушҳол бўлмади бу тоқи мину остида.

Эй Навоий, қайғу тоғин май била дафъ айлаким,
Яхшироқ тоғ остида қолмоққи, қайғу остида.

* * *

Яшил тўн бирла олтун тугмалардин зебу фар анда,
Қадинг норанж раъно пахлидур бутков самар анда.

Бу хилъатким, қилибтур хайчакон рухсорани пинҳон,
Эрур гулбунки, пинҳон бутти бир гулбарги тар анда.

Таолаллоҳ, не қаддур, қад эмас, жаннат ниҳолидур,
Очилғон гул ёшунгон барги гул бутков шакар анда.

Юзунг равшан зилолидур, ғазабдин чин онинг мавжи
Ки, пилий холдин ҳар ён очилмиш нилуфар анда.

Ажаб гулшан эрур кўюнгки, жаннат боғида йўқтур
Ниҳолеким, гулу сунбул аён қилғой магар анда.

Неча овора кўнглумни сўроғ эттим, киши билмас,
Магар кўйига йўл топсам топилғай бир хабар анда.

Торикдим хонақаҳда, дайр сори юзланай эмди
Ки, мунда неча зулматдур, сафодур сарбасар анда.

Қадаҳ софию пири дайр софий, муғбача софий,
Не кўргай жуз сафо ҳар кимсаким тутқой мақар анда.

Навоий назми рангину равон эрса ажаб эрмас
Ким, ахлот ўлди кўз ёши била хуни жигар анда.

* * *

Ул пари пайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Кимки ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.

Не ажаб парвонадек куйсам юзи шамъиғаким,
Кўп бўлубмен васл умиди бирла саргардон анга.

Тоири ҳажринг бузуғ кўнглумниким қилмиш ватан,
Чуғздекдурким, нишиман келди бу вайрон анга.

Ҳажрида таҳ-таҳ кўнгул қон боғлағандиндур нишон
Номаи шавқумки, кўздин томди тим-тим қон анга.

Тирборони ғаминг кўнглумгаким ёғди, эрур
Ҳар тарафдин барқи офат ламъаи пайкон анга.

Оташин гул чунки булбул куйдурур юз важҳ ила,
Не осиг фарёду афғон бирла минг достон анга.

Эй Навоий, кўнглума амр этма тарки ишқким,
Ул самандардур, эмас ўт фурқати имкон анга.

* * *

Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиғ қондин анга,
Пай масаллик чирмоғоймен риштаи жондин анга.

Бодаи лаълинг мизожи руҳпарвардур басе,
Гўнё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳи сув урди пайкондин анга.

Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши,
Гул бўлуб жисмимда кесган наъл ҳар ёндин анга.

Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълом айла афғондин анга.

Кўзга то кирмиш хаёлинг, совуғ оҳим ваҳмидин
Богламишмен қўрё ҳар сори мужгондин анга.

Эй Навоий, йиғламоқ оҳимға таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тўфондин анга.

* * *

Килк эрур жисмимки, тил бўлмиш демактин лол анга,
Ичда печу тоблиғ иолампи апгла пол анга.

Сунъ килкидип ёзилди гўё ул гўйи зақап,
Нуқталар япглиғ занахдонингға икки хол анга.

Қокулунг элга жаҳонни тийра қилғап дуд эрур,
Ҳар сари зулфунг икки ёнида тушгап дол анга.

Кўйида овора кўнглум хаста эрмиш, эй рафиқ,
Лутф этиб маълум қилсангким, не бўлмиш ҳол анга.

Эй мусаввир, топмасанг Мажнуну Лайли чеҳрасип,
Дилбаримни бил мунга ўхшаш, мени тимсол анга.

Соқиё, кўнглумни даврон қилди кўптин-кўп малул,
Бўлғали фориғ керак бир жоми моломол анга.

Эй Навоий, кимки қилди ҳажр бедодин қабул,
Раҳбари сарманзили васл ўлди бу иқбол анга.

* * *

Вах̨, не ҳол ўлғайки, келгай ул бути зебо манга,
Ўзга қилғай ҳол ҳар дам ул қади раъно манга.

Не ажаб, ўлсамки айлаб тоза руҳин халқнинг,
Руҳ зойил айлагай ул ҳусни руҳафзо манга.

Шукр эрур, эй кўзки, бир ўқким отар ул қоши ё,
Ё сангадур, ё бағирға, ё кўнгулга, ё манга.

Айлагай бир дамда юз дайри кўҳан таркин Масиҳ,
Кўрса зулмеким, қилур ул дилбари тарсо манга.

Эй кўнгул, иткилки ҳар девоналиғким айласанг
Ул париваш ишқида, охир келур ғавғо манга.

Ноумид ўлсам, вале навъе умидим доғи бор
Барча ушшоқиға раҳм этмак ул ой, илло манга.

Икки зулфи тобу печидин бузулдум, негаким
Хопумон айлар қаро ҳар лаҳза ул савдо манга.

Соқиё, аҳбоб ҳажри қатлим айлар — бода тут
Ким, бу қотил заҳр тарёки эрур саҳбо манга.

Дема не эркин Навоийнинг жилавдор ўлмоғи,
Вах̨, не эркни ҳар неким ҳукм этса ул мирзо манга.

* * *

Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,
Чунки сендиндур, ҳаёти жовидонидур манга.

Ул париваш ишқидин, носиҳ, мени манъ этмаким,
Телбалик вақтию ошиқлиқ замонидур манга.

То ўқубмен ишқ ҳарфин дарсу такрору сабақ
Вомиқу Фарҳоду Мажнун достонидур манга.

Музтарибмен чарх янглиғким, нужуми тийрадин
Танда ҳар кун юз туман доғи ниҳонидур манга.

Ҳеч ранже зоҳир ўлмай мен худ ўлдум, эй табиб,
Лек билким, қасди жон этган фалонидур манга.

Эйки, дерсен ишқ аро ўлмоқ зиёндур, умр — суд,
Ҳар не судидур санга, неким зиёнидур манга.

Кўрмишам вожиб бақосин равшан андоқким қуёш,
Токи имкон соя янглиғ кўзда фонидур манга.

Бу фано дайрин бақосиз эркаинн то англадим,
Эл суруди, ишрати мотам фиғонидур манга.

Эй Навоий, воизу фирдавси аъло зикриким,
Боғи хулд ул ҳурпайкар остонидур манга.

* * *

Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар
Ким, насиб ул лаъллаб ҳижронидин қондур манга.

Чиқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи басҡим тандадур тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Ўйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин багрим судур, ул су аро болиғ киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Ҳур мужгонин агар суртай деса қилмон қабул
Ким, аёғда орзу хори муғилондур манга.

Май ичиб тоатни фавт этмангки, ул ўт тобидин
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер жон беру ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

* * *

Нечаким куяр ишқ аро жон манга,
Эмас таркини қилмоқ имкон манга.

Агар бўлса юз жон фидо қилғамен,
Насиб ўлгудек бўлса жонон манга.

Неча бўлса ағёр ҳамсуҳбати,
Эрур базмини кўрмак армон манга.

Агар рашкдин саъб бўлса ҳаёт,
Худ ул дам эрур ўлмак осон манга.

Қилибдур гул оташин ғунчаси
Кўнгулни ўкуш сўзи ҳижрон манга.

Не ком олғамен, соқиё, бодадин
Ки, даврон тутар дам-бадам қон манга.

Навоий, кетиб хилват эт уйиним,
Бўлур бу кеча ёр меҳмон манга.

* * *

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан менга
Ўйладурким, жондин айру юз яролиғ тан менга.

Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,
Бўлғали меҳри рухунг моҳияти равшан менга.

Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан менга.

Мен ўлармен ғамдину йиғлаб куюб бошимда шамъ
Дудидин чирмаб қаро ҳар тун тутар шеван менга.

Раҳм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, ваҳ, не суд,
Дўст чун раҳм айламай бўлмишдурур душман менга.

Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки бўлғай чок пироҳан менга.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга бу иш гар ҳунар бўлса, бўлубтур фан менга.

* * *

Буким қолибдур ул ой ҳажрида ҳаёт менга,
Ҳаёт қолмамиш азбаски бор уёт менга.

Улусни ўлтурур ул шўх илтифот айлаб,
Ўлармен ушбуки ҳеч этмас илтифот менга.

Мени худ айлади қатл, ушбудурур васиятким,
Кўнгулни ҳам карам айлаб етурса бот менга.

Қуш ўлмишам ёғибон ҳажр ўқи, вале не осиғ
Ки, бўлмас ул тараф учмоққа бу қанот менга.

Туганмагай ёзилиб меҳнатим агар бўлса,
Фироқ шоми қорову фалак давот менга.

Чу ёр айлар эмиш барча ерда жилваи ҳусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри сўмнот менга.

Навоиё, чу эмас нася нақд бирлан тенг,
Беҳишт воизи нургўгаю Ҳирот менга.

* * *

Баҳона қатлимадур ишқдин фасона сенга,
Қилурға қатл не ҳожатдурур баҳона сенга.

Ўқи ўтунлари ичра сен ўтсен, эй кўнгул,
Бошоғлари учидин ҳар тараф забона сенга.

Қуруқ таним ўқ авжидин кўрунмас, эй чобук,
Яқин кетур керак ўлса сўнгак нишона сенга.

Иҳота айладинг, эй баҳри ашк, ўйла ер куррасин,
Ажаб эмастур гар йўқтурур карона сенга.

Дам урма муғбаччалар ишвасидин, эй зоҳид,
Вужуд нақшин оқизмай майи муғона сенга.

Замона таркини ком айлабон халос ўлғил,
Десангки, солмаса нокомлиқ замона сенга.

Навоиё, ғами чун жону кўнгул олди, не суд
Суруди дилкаш ила жонфизо тарона сенга.

* * *

Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,
Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.

Жоми майдек тўла қон бўлди ичим бермай даст
Ер базми аро бир жоми майи ноб тўла.

Вахки, ҳар кирпиги бир ништар эрур заҳролуд,
Гарчи бор ул ики наргисида шакархоб тўла.

Жолалар туштиму гул барги уза ёхуд эрур
Ҳуққаи лаълинг ичинда дурри сероб тўла.

Оразинг аксидурур кўздаки, ёш эвруладур,
Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла.

Мену муғ дайри аро муғбача бошида ғулу,
Сену зуҳд аҳли била масжиду меҳроб тўла.

Эй Навоий, неча оз-озгина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.

* * *

Қачон мактабқа ул моҳи муаддаб
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.

Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,
Чу олур илгига лавҳи музаҳҳаб.

Дегач абжад, бошиға эврулурлар
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.

Нечукким, мактаб атфоли хуруши
Ғамидин халқ аро фарёду ё раб.

Муаллим қуллуғиға хат берурмен,
Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб.

Дабистони фанода шурб дарсин
Равон қилмай эмассен аҳли машраб.

Навоий ашкидин то шом анжум
Тўкар, чиққайму деб ул саъд кавкаб.

* * *

Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпишмишлар магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зилоли узра мавж,
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногаҳ ғазаб.

Кўҳи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,
Чун сени дермен чучук жоним эрур ширинлақаб.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочурур,
Ё ўти ёхуд анинг ислангъани эркин сабаб.

Ишқ комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам қўйдунг талаб водисиға,
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шаҳ ҳаримида неча топсанг Навоий эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

* * *

Тун оқшом келди кулбам сари ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Кулуб ўлтирдию илгим чекиб ёнинда ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб

Ки, эй, зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?
Мен ўлдум лолу айта олмайин майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб тутти менга юз навъ позосо итоб айлаб

Ки, эй мажнун, пари кўрдунг магарким тарки ҳуш эттинг,
Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғига, бориб ўвдин,
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

* * *

Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб,
Такаллум чошнисин шарбати юҳйил-изом айлаб.

Азалда лаълинга кўнглум қушин сайд эткали гўё
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.

Чаманда тозалиғдин ҳар қуруқ шохе эрур Хизре,
Магарким андин ўтмиш оби ҳайвоним хиром айлаб.

Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

Не бўлғай тийра бўлмай рўзгоримким, очиб гесу
Қаро шомимни муҳлик айладинг субҳумни шом айлаб.

Ғараз ул юзни мастур асрамоқдурким, ҳакими сунъ
Улусқа оҳ этар қисмат ани ойинафом айлаб.

Чу ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсен, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб.

Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли
Ҳидоят қушларин бу донау су бирла ром айлаб.

Навоий кунда чун бир қурси мақсум ортмас, не суд
Фалакдек бўлмоғинг саргашта тун-кун эҳтимом айлаб.

* * *

Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,
Оғзини йўқтур десам воқиъки, ҳеч эрмас ажаб.

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Васл не янглиғ муяссар бўлғусидур, чун эрур
Дилбарим нозик мизожу мен бағоят беадаб.

Гар қуёш дерлар юзунгни гарм бўлуб чекма тийғ,
Элга журме йўқ, инор чун осмондин ҳар лақаб.

Лаълинг олса чоклик бемор кўнглумни не тонг,
Эй малоҳат нахли, чунким хастасиз бўлмас рутаб.

Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлиға ҳай,
Бас не осиғ они ҳайдин қовламоғлиғ, эй араб.

Толиб улким, топмасанг доғи бу басқим, айламас
Бир нафас ғофил сени матлуб ёдидин талаб.

Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар бўйладур,
Эмин эрмас Бу Ало, навмид эмастур Бу Лаҳаб.

Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин,
Тонг эмастур чун мудом афзун бўлур майдин тараб.

* * *

Қилғали май била гулгул юзип ул нўшинлаб,
Лолагун бўлди қуёш орази кавкаб-кавкаб.

Сендин ул ком хаёл этмамишам кўнглумаким,
Қилсам изҳор ҳам ўлғай демак тарки адаб.

Жои лабинг ошиқию зикри мудом оғзимда,
Рашкдин жоним агар оғзима келса не ажаб.

Келди Ширин била Лайли санга ҳайрон, гарчи
Бу икав ҳасратида эрди Ажам бирла Араб.

Айладим тавба нединким, ғамим андоқ ғам амас
Ки, май ичкон била бўлғай анга ҳар лаҳза тараб.

Кўйидин кетмагу ўлмак манга тенг бўлса, не тонг,
Ким жало ҳарфларидурки, ажал топти лақаб.

Даҳр аро айшу нашот истасанг, ўлғунг маҳрум,
Негаким анда насиб ўлмади жуз ранжу тааб.

Ақлким барча хирад аҳлиға эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида тифли мактаб.

Бил Навоийки, талаб бирла топилмас мақсуд,
Лек топқонда доғи бор эди албатта талаб.

* * *

Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё раб?
Айла бу зулм аро ҳолимға тараҳҳум, ё раб.

Ваъдаи қатл қилиб ваъдаға қилғунча вафо,
Нега мен хастани ўлтурди таваҳҳум, ё раб?

Лабларининг калимотики, берур жисмға руҳ,
Оби ҳайвон уидур, йўқса такаллум, ё раб.

Хони васлида ўкуш неъмат ародур ағёр,
Рўзи эт бизга ҳам ул навъ танаъум, ё раб.

Ваҳки, кўнглумни шикоф этти кулумсуб оғзи,
Ғунчаларин нетиб очти бу табассум, ё раб.

Умр чун фони эмиш гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар невчун этар мунча тааззум, ё раб?

Ёр қатл этгали ушшоқини йиғдурғон эмиш,
Бер бу баам ичра Навоийға тақаддум, ё раб.

* * *

Бўлмайин ҳусн кўнгул топмади ишқ ичра тараб,
Анга ҳақдин талаби ишқдурур ҳуси талаб.

Даҳр бўстонида бир ҳусн гули очилмас,
Булбули ишқ агар бўлса навосиз, не ажаб.

Оташин юзга етиб, қайда кўнгул ўртангай,
Бўлмаса зулф каманди анга бу ишда сабаб.

Талхлиқ бирла берурму киши ширин жонин,
Ноз ила талх ҳадис айламаса ширин лаб.

Бир қуёш машъалидин жонима ур ишқ ўти,
Йўқ эса шамъи ҳаётимни ўчиргил, ё раб.

Соқиё, ишқ ўти гар йўқ, май ўтин равшан қил
Ки, кул ўлсун нафасе хору хасу ранжу тааб.

Кўргач-ўқ ахтари ҳусн, ўлса Навоий, тонг йўқ
Ким, ўтуб умр, тулуъ этти бу фаррух кавкаб.

* * *

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб,
Бошинг устидаги дур ўйлаки, тонг бошида кавкаб.

Поймол этган учун маркаби жавлонда бошимни,
Узр учун қилдим анинг наълини юз бирла муэаҳҳаб.

Меҳр туркин қилибон наст фалак рахшидин ўтти,
Оллоҳ-оллоҳ, бу не рокибдуруру, ваҳ, бу не маркаб.

Не қатиғ ҳолки, ҳажринг кечаси тинғоли қўймас,
Ер элин ашк ила андуҳ, кўк элин наърау ё раб.

Ити меҳмонлиғ учун, эмди қадам қўйса бўлурким,
Кўнгул ўт қилди муҳайёу бағир туъма мураттаб.

Ҳар киши бўлди қулунг, ул кишидур олам аро шаҳ,
Қулларинг қурбини ким топса, эрур шаҳға муқарраб,

Юзи васфида керак сафҳа вале лавҳаи хуршид
Сочи васфини ёзар вақтда тун дуди мураккаб.

Ёр чун барча замон нозир эрур ҳолингга, бўлғил
Бори ҳолатда мушоҳид, бори эл бирла муаддаб.

Телбараб кўнгли Навоийнинг агар арбада айлар,
Дафъиға силсилаи зулф ила басдур чаҳи ғабғаб.

* * *

Куйсалар Фарҳоду Мажнун ишқдин афсона деб,
Зоҳир этмаслар менга ул нуктаии девона деб.

Ишқ ичинда мунгларим деб, эйки, йиғлаттинг мени,
Жон фидонг айлай, яна бир лаҳза йиғлат, ёпа деб.

Бир йўли ишқ аҳли оримепки, қўймаслар мени
Жамъ аро бир йўли ақлу ҳушдин бегона деб.

Сўнгги уйқум шиддатин нақл этма, ровий, зинҳор,
Келтурур бўлсанг анга уйқу кеча афсона деб.

Мен ҳамулменким, қовар Мажнун деб эмди тифллар
Ким, тилар эрди улуғлар оқилу фарзона деб.

Тушти зулфи домиға кўнглум қуши майл айлагач,
Ул тараф рухсори кўзгусин су, холин дона деб.

Тонгла барча яхшилар бўлғуси кавсар даврида,
Мен ёмонни маҳрум этманг сокини майхона деб.

Найлаб ул товуспайкарни тилай кулбамғаким,
Чугз қўнмас дам-бадам емрулгудек вайрона деб.

Шоҳлиғдин ор этар чунким Навоий кирса маст,
Дайр кўйига суруду нағмаи мастона деб.

* * *

Ўртапурмен, кўнглига андин асар бўлғайму деб,
Бўлса таъсир анга ҳолимдин хабар бўлғайму деб.

Телмурурмен мунграйиб ул бевафоға муттасил,
Бир ҳам андин дарди ҳолимға назар бўлғайму деб.

Ўртапур, эй воиз, оҳимнинг шароридин сипеҳр,
Не сўрай, дўзахқа мундоқ бир шарар бўлғайму деб.

Сурса майдон ичра ҳар чобук югурмакдур ишим
Кейнича, ул чобуки зарринкамар бўлғайму деб.

Телбалик, кўрким, қучармен боғ аро ҳар сарвни,
Бириси ул сарвқадди сиймбар бўлғайму деб.

Даҳр бўстони аро сўр боғбондин, эй рафиқ,
Жуз балият меҳр нахлиға самар бўлғайму деб.

Эй Навоий, нечаким қилдим гадолиғ, сўрмади
Ёраб, ул мажнун зори дарбадар бўлғайму деб.

* * *

Ул мени сурмакка ҳар дам ханжари ҳижрон чекиб,
Мен оёғидин бошим олмай, йўлинда жон чекиб.

Ул ичиб эл бирла руҳафзо қадаҳлар ошкор,
Мен бало жомида заҳри ғуссани пинҳон чекиб.

Васл не мумкинки, то ошиқмен ул қатлим учун
Ўқ чекиб қош ёйиға, мен захмдин пайкон чекиб.

Мен чекиб кўз қонидин юз узра хатлар бирга юз,
Нилдин хатким баногўши аро жонон чекиб.

Зикрида оҳим дамодам ўйладурким, аҳли зуҳд
Ҳар замон бир мад ўқурда ояти қуръон чекиб.

Давр базмида не майким халқ нўш айлар, мени
Қон ютарға ул арода соқийи даврон чекиб.

Ул пари борғоч, Навоий дашт сори қўйди юз,
Телбалар янглиғ яқосин чок этиб, афғон чекиб.

* * *

Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб,
Новакинг ёнимга ўлтурди иёдатқа келиб.

Қириб ўтган ўқларинг жон пардасин реш этгали
Сафҳадектурким, қирилғай саҳв хатлар ёзилиб.

Югурур ҳар кирпикимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардеки, ўйиарлар чубуқ маркаб қилиб.

Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим ваҳмдин, албатта, заҳрам ёрилиб.

Наълим ичра доғ учун қўйғон фатилам дуд ила,
Дард ўчоғинда тутайдур анда ўти ёқилиб.

Ул қуёш бирла борур эл соядек, мен хоксор
Ваҳки, қолурмен изининг туфроғидек айрилиб.

Сирри ваҳдат чун фано дайрида сиғмас лафз аро,
Нечун оё хонақаҳ ичра туганмас айтилиб.

Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки, қилмайдур билиб.

Эй Навоий, майда соқий лаълидин эрмиш фуруғ,
Кайфиятни чунки фаҳм эттинг нетарсен ойилиб.

* * *

Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб,
Не туймоғим бор анинг ҳусниға назора қилиб.

Ўчарга ишқ ўти чора қил деdинг, эй шайх,
Бўлурму қисматим ўлғон балоға чора қилиб.

Бошимда тийғи яросин неча дебон сўрманг,
Киши бўлурму бошининг тукии шумора қилиб.

Кўнгулки итти, қилиб тийра хонумонимни,
Қовай, агар яна келса, юзини қора қилиб.

Кўнгулни ёра қилиб улки, тикти кўксумни,
Ёқамни тикмак эрур кўкрагимни пора қилиб.

Дедимки, майкададин хонақаҳ йўлин тутайин,
Нетайки, ул сори йўл бермас истихора қилиб.

Навоий этти ниҳон ишқин, эй фиғон била ашк,
Анинг бу айбини найларсиз ошкора қилиб.

* * *

Ишқ нобуд этти бизни волиҳу шайдо қилиб,
Қатл учун ҳар лаҳза муҳлик боиси пайдо қилиб.

Эккали ғам тухми хайли дард ашким сайлидин
Айлабон вайрон чу кўнглум кишварин яғмо қилиб.

Ҳушу ақлу ному нангим шишасин синдурғали
Нозанин сийминбарим кўнглин қазо хоро қилиб.

Ишқ кимни кўрмасун деб одамилиғдин нишон,
Дилбарин аниг пари пайкар малаксиймо қилиб.

Ибтидо айлаб алифдин, муҳр айлаб доғдин,
Ишқ маншурин чу даврон отима иншо қилиб.

Топибон Фарҳод ила Мажнун тариқи офият,
Ишқ бедоди аро ерда мени расво қилиб.

Соқиё, тут жоми руҳафзоки, муҳлик ҳажрдин
Ким бўлур маҳзун, иложин соғару саҳбо қилиб.

Эй хуш ул ринди хароботики, маст ўлғон замон,
Даҳрға ҳукмин суруб, гардунға истиғно қилиб.

Ишқи кофир чун Навоий телбани дин мулкидин
Хориж айлаб, мойили дайри муғу тарсо қилиб.

* * *

Гулрухи раънокадим чун боғ тавф айлар бориб,
Инфиолидин гули раъно қизориб сорғориб.

Юз шикоф эттинг таним йўқ эрди кўнглумдин нишон,
Уйлаким ўт топмағайлар кулни ҳар ён ахториб.

Совуғ оҳимдин ёруғлуқ оз, вале кўп тийралик,
Қишда ул янглиғки тун бўлғай узун, кун қисқориб.

Заъф вақти кўйидин чиқмоқ тахайюл айласам,
Икки қатла ҳар қадамда типмоқ истармен ҳориб.

Тутмадим бўғзум сабудек бода тарки айлабон,
Май тилармен пири дайр оллида балким, ёлбориб.

Соқиё, лабташнамен андоқки, кўк жоми тўла
Бода тутсанг сарнигун айлармен они синқориб.

Эй ажал, ҳижрон аро олдинг Навоий жонини,
Лутф қилдинг жонни андин, они жондин қутқориб.

* * *

Эй фироқингдин менга ғам рўзию меҳнат насиб,
Оҳким, ҳажрингда ўз шаҳримда бўлмишмен ғариб.

То ғариб эрдим насибим ғам емак эрдию бас,
Шаҳрим ичра доғи ғам бўлса насибим, ё насиб.

Ғурбат ичра йиғлар эрдим истабон ёру диёр,
Чунки топтим, истамак ғурбат эрур беҳад ғариб.

Ўз диёримда бузуғ кўнглум не янглиғ тўқтасун
Ким, эрур бегона ҳам аҳбоб мендин, ҳам ҳабиб.

Ким рақибим бўлса баским ёр айлар илтифот,
Олам аҳлин соғинурменким, менга бўлмиш рақиб.

Даҳр аро, эйким, дединг айлаб вафо кўрдум жафо,
Ким вафо аҳлидурур, бу сўз анга бордур ажиб.

Эй Навоий, ёр васлин топмасанг йўқтур ажаб,
Нўш йўқ, лекин кўрар юз неш гулдин андалиб.

* * *

Тошларким, ул парийпайкар бу Мажнунға отиб,
Ақлу дониш қушларин кўнглум уйидин бутротиб.

Туштa бошим ул санам оллидадур, эй норсо,
Кўп намозинг вақти ўтди, деб нетарсен уйғотиб.

Истабон Юсуф жамолинг қуллуғпинг рутбасин
Жилва кўп қилди сафо бозорида, ўзин сотиб.

Ул қуёш ҳажринда жисмим бовужуди айни ваъф,
Ерга ҳар дам бош уруб андоқки, ерни тебротиб.

Кўйида ўлсам, абад умрича бор ул умр, агар
Қилмаса хориж танимни, итларига судротиб.

Эйки, ҳажрингда мени ҳасрату армон била
Қатл қилғупг, бори бир қатла юзунгни кўрсотиб.

Журм анипг ишқидин ўзга йўқки, ҳар дам кездурур,
Ишқ мулки тўрт бозорида бўйнум боғлотиб.

Дайр аро меп масту нозук хўйидин ул муғбача,
Базмдип судрар мени гаҳ судратиб, гаҳ қўлдотиб.

Зоҳидо, берма мапга кўп пандким, ҳайвонча бор,
Телба итни оқил инсон истаган ақл ўрготиб.

Кўрмаку ўлмак Навоийға не тонг, эй дўстлар,
Кирса майдон ичра ул қотил самандин ўйнотиб.

* * *

Ул пари кўнглум қушин сайд этти зулфин дом этиб,
Юзи бирла холи суву донасидин ром этиб.

Солди ўт кўнглумгаю ором тутти ғайр ила,
Шуъла янглиғ сўзлуқ кўнглумни беором этиб.

Кофиреким диним олди доғи кирди қаср аро,
Қалъаи Хайбарға кирди горати ислом этиб.

Базм аро мен ўлсам, ул жон топса тонг йўқким, менга
Тутти заҳри ҳажр, ўзи нўши тараб ошом этиб.

Эй кабутар, чун дамим ўртар малак болу парин,
Сендин ўлмас ишқим ўтин ёрға пайғом этиб.

Ул қуёш ҳажринда, эй соқий, шафақгун май менга
Тут лаболаб, лек даври чарх заррин жом этиб.

Яхши от бадномлиғ бирла чиқарғил ўлгуча,
Эй Навоий, ўзни яхши от била бадном этиб.

* * *

Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунгрошиб,
Ётса гоҳи чирмашиб, ўлтурса гоҳи ёндошиб.

Зулфи эл кўнглин паришон айламакка жамъ бўлуб,
Турфароқ буким, кўнгулларни йиғарға торқошиб.

Мумкин эрмас тортмоқ пайконларинким, жисм аро
Ҳар бири маскан тутубтурлар сўнгакка ўрношиб.

Чиқти зулфин солғач ул чоҳи занахдондин кўнгул,
Анкабут ул навъким ториға чиққай ёрмошиб.

Ҳажр хайли кўнглум ичра мўрдек айлаб ҳужум,
Гарчи васл уммиди етганда чибиндек бутрошиб.

Куйдуму ул зулфи тори риштаи жисмимдадур,
Шамъ торидекки, кул бўлғанда турмиш чирмошиб.

Соқиё, қилсанг ҳимоят ғолиб ўлғум бўйлаким,
Ғам била кўнглум талошурлар иковлон қормошиб.

Қил ҳавола дурдкашлар жониби, эй майфуруш,
Май чу ҳар соат тўкулгай жўш уруб, купдин тошиб.

Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,
Ёр истиғною нози ҳар неча ҳаддин ошиб.

* * *

Май қуёшиму ичимда уёқиб,
Ё фалак меҳр ўти кўнглумда ёқиб.

Ҳажр аро васли доғи ҳар ншни
Айтиб аҳбобу менинг ашким оқиб.

Телбалик хуштур, агар судрасалар
Зулфи занжирини бўйнумға тоқиб.

Тушубон юз тубаи эл кўз ёшидек,
Кўз учи бирла чу ҳар сари боқиб.

Ҳажр тошию салосил темури
Телбалик ўтини кўнглумга чоқиб.

Май бати дайрда учмоқ тилабон,
Мастлар анда овуч баски қоқиб.

Дебки, марҳам ёқайин захмингға,
Ул неким деса, Навоийға ёқиб.

* * *

Топмиш ул юз қатра-қатра хайдип ўзға обу тоб,
Қайда, ваҳ-ваҳ, мунча кавкаб зоҳир айлар офтоб.

Чиқма тўққуз парда кейнидинки, олам куймасун,
Олсанг олти-етти бурқаъ, қўйғил икки-уч ниқоб.

Бир дам ул юз пақши гирён кўз аро топмас қарор
Сув аро хуршид аксидекки, қилғай изтироб.

То кўнгул девона бўлди, ул пари лаълин кўруб,
Ҳифз учун қайдиға қилдим риштаи жондин таноб.

Дардп ишқимдип савол этти ул ой, фарёдким,
Юз жавобим бору, йўқ ҳушум демакка бир жавоб.

Бу чаманда ғунча эрмас, англа булбул кўнгликим,
Шишлади ишқ айламакка оташин гулдин кабоб.

Эй Навоий, гар десангким, ғусса барбод этмагай,
Бош кўтарма бодадин зинҳор андоқким ҳубоб.

* * *

Кўв ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб
Тифл янглиғким, югургай ҳар тараф оҳу кўруб.

Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб
Рўстойидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.

Жон аро тиғинг кўруб кўнглум қуши тузди наво
Тўтиедекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.

Водийи ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг
Эл биёбон ичра манзил айлагандек су кўруб.

Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади
Ул кишидекким, таниғой ўз қулин белгу кўруб.

Бода тутқач дема бехуд бўлдиким ул кўзгудин,
Борди ҳушум ёр ҳусни жилвасин ўтру кўруб.

Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб кўҳи ғамим,
Фил янглигким ҳазимат айлагай ҳинду кўруб.

* * *

Эй, жамолинг гулшани хўбу висолинг боғи хўб,
Элга лутфунг хўб эса, жонимға вулмунг доғи хўб.

Майдин ул рухсора гулгул бас мулойимдурки, бор
Соф су узраки бир-бир тушса гул яфроғи хўб.

Лаъли кўнглум ҳолипи сўрғач, тирилдим ҳажр аро,
Не бало бор эрмиш анинг лаълининг сўрмоғи хўб.

Дема бу оламда ул ой хўб ё жаннатда ҳур,
Кўрмамишмен ондағин, бори эрур мундоғи хўб.

Меҳриға кўкта шафақ хўб эрмас андоқким, манга
Мовий терлик узра ул ойнинг қизил ширдоғи хўб.

Тут йигитликни ғаниматким, қариғоч англадим
Ким, йигитлик ишқи бор эрмиш йигитлик чоғи хўб.

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин
Ким, Навоийга эрур фақру фано туфроғи хўб.

* * *

Нуқта кўп сурдунг, замонө лаъли жонпарварни ёп,
Куйди жонлар, бир нафас ул лаългун ахгарни ёп.

Кўзғодинг оламни очиб чеҳра, элга раҳм қил,
Шомгун зулф очиб, ул рухсори маҳпайкарни ёп.

Бохтарга солдинг ўт, эй офтоби ховари,
Истасангким, бохтар тинғай, маҳи ховарни ёп.

Лаъли жонбахшинг сари майл эттилар жонлар қуши,
Ул чибинлардин амон истар эсанг, шаккарни ёп.

Фитна солди олам аҳлиға қулоғинг гавҳари,
Халқ таскини учун ул фитналик ахтарни ёп.

Анбару кофури шому субҳнинг бўлди хижил,
Оразинг кофури узра зулфдин анбарни ёп.

Соқиё, совурди оҳим сарсари даврон юзин,
Боданўшум дамбадамким ичса май, соғарни ёп.

Ишқ сиррин кимса таҳрир этмади, тақрир ҳам,
Эй мударрис, дема кўп афсонау дафтарни ёп.

Эй Навоий, кўнглунг ўти олам ичра солди ўт,
Элни куйдурдунг, даме ул шуълалиқ озарни ёп.

* * *

Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ,
Чунки бу икки муяссар бўлди, нуқлу бода топ.

Иктифо қилма буларға, истар эрсанг лаҳзае
Нукта сурмак, бир ҳарифи фоиийи озода топ.

Ким кўнгул сайд этса лўли бўлсаким тут муғтанам,
Айтмаи арлот ё барлосдии мирзода топ.

Эй парирух, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,
Истасанг ошиқ, менингдек бедили афтода топ.

Неча ишқ аҳлини айлаб имтиҳон рад қилғасен,
Ҳар жафо истарга кўнглум истаю омода топ.

Эй кўнгул, гар шайх ишқинг маиъ қилди, йўқ ажаб,
Олам ичра боре аввал бир анингдек лода топ.

Эй Навоий, умрунг ўтти неча бут зикрин демак,
Гўшае тут эмди бир тасбеҳ ила сажжода топ.

* * *

Жавр ўқин хоки танимға урма кўп,
Кўкка бу туфроғни совурма кўп.

Ишқдин бастур манга ўртанмаким,
Ҳажр барқи бирла ҳам куйдурма кўп.

Юзига, эй кўз, чу йўқ тоби назар,
Бас, анинг сари боқиб телмурма кўп.

Нўши лаълингдин агар жон истадим,
Бу гуноҳ учун мени ўлтурма кўп.

Доимо расми муҳаббат бор эмиш,
Бизни ушбу журм учун ёзғурма кўп.

Васлға чун йўқ ниҳоят жуз фироқ,
Бас, вафо аҳлин қошингдин сурма кўп.

Ҳеч иш ўлмас айру холиқ амридин,
Илтижо махлуққа келтурма кўп.

Эй гадо, чун шайъанлиллоҳ дединг, ўт,
Айлабон ибром боқиб турма кўп.

Тут гадолиғни, Навоий, муғтанам,
Шоҳлар оллинда бош индурма кўп.

* * *

Ваҳки, лаълинг қилди бағрим таҳбатаҳ қон оқибат,
Қатра-қатра кўздин ул қон бўлди ғалтон оқибат.

Бордингу оғзимға қўйдунг муҳр, афғон чекма деб,
Бу ишингнинг маҳри бўлди доғи ҳижрон оқибат.

Фурқатинг тиғи бузуғ кўнглумни йиқти, оҳким,
Сайли офат бирла емрулди бу вайрон оқибат.

Кўнглума қошинг хаёли бўлди таивин нунидек,
Ўйла нуиға нуқта бўлди доғи пинҳон оқибат.

Ўлмиш эрдим ғам туни, лаълинг хаёли берди жон,
Зулмат ичра бўлди пайдо оби ҳайвон оқибат.

Соқиё, жом айла доиркпм, ғаниматдур ҳаёт,
Тутқусидур чун ажал каъсини даврон оқибат.

Эй Навоий, ёр васли гарчи бас душвор эди,
Фоний ўлғач бўйла душвор ўлди осон оқибат.

* * *

Ғам юкиндин чангдек қаддим хам эттинг оқибат,
Риштаи жонноласин зеру бам эттинг оқибат.

Яхши эрди сафҳаи афлок дардим ёзғали,
Баҳри ашким мавжидан борин нам эттинг оқибат.

Ўткариб тўққуз фалак бошидин оҳим дудини,
Ул маволидларға они парчам эттинг оқибат.

Ғурбату ишқу балои ҳажру заъфу хасталиг
Етмас эрдиким, мени мажнун ҳам эттинг оқибат.

Оҳ—гардун, ашк—анжум, нола—раъду пўя—барқ,
Хилъатимдин бир ажойиб олам эттинг оқибат.

Бу куҳан дайр ичра жон бўлсун фидонг, эй муғбача
Ким, жаҳондин бизни масту беғам эттинг оқибат.

Эй Навоий, ишқ аро васл истадук, кулдунг басе,
Бизни ушбу муддаода мулзам эттинг оқибат.

* * *

Етилмиш, оллоҳ-оллоҳ, не қомат ул қомат
Ки, олам аҳлиға солди қиёмат ул қомат.

Қўнгарғай асрамайин боғбон ниҳолларин,
Чаманда сарвдек этса иқомат ул қомат.

Чу жилва қилди, вафо сари ҳеч қилмади майл,
Жафода топқан учун истиқомат ул қомат.

Хиром вақти халойиққа фитна ёғдурди
Ки, барча фитнадин ўлсун саломат ул қомат.

Бошимға еттию ўлган таним равон топти,
Бу ишни рости этти каромат ул қомат.

Чу ноз жилвасини сарвдек қилур, билингиз
Ки, қатл этардин эрур бенадомат ул қомат.

Навоий, эмди ўзунгдин илик ювким, ўлгунг
Ки, воҳир айлади шаққи қиёмат ул қомат.

* * *

Фироқинг аро, эй гули сарвқомат,
Не сарву не гул кўргали истиқомат.

Чу кўрди жунунум, табиб айттиким,
Бу девоналиғ ишқдиндур аломат.

Қадинг жилвасидин улус бўлди жонсиз,
Дема они қоматки, бор ул қиёмат.

Манга солим ўл, деб дуо қилмангизким,
Беганмас саломатни аҳли маломат.

Чу кўнглум била ошиқ ўлдум, гар ўлсам,
Қачон суд қилғай бу соат надомат?

Карам айлаб, эй муғ, манга бода туттунг,
Қачон шайх кўргузди мундоқ каромат?!

Навоий сенингчун ар ўлди, жонон,
Сен анингчун бўл, илоҳи, саломат.

* * *

Эй қошинг фитнау ул наргиси шаҳло офат,
Йўқтур ул иккида жуз фитнау илло офат.

Не қаду не кўзу не ғамзаки, ҳар дам андин
Ё балодур манга ё фитнадурур ё офат.

Дема раъно қад ила жилвасидин холингни,
Жилва жонимға бало, ул қади раъно офат.

Манга не офият ўлғайки, хаёл этсам, эрур
Юзини юз саридин жонима пайдо офат.

Мунча офатки, эрур даҳрда, сендин тушмиш,
Йўқса оламда бурун йўқ эди мунча офат.

Соқиё, бодаки, тақвою риё офатидин
Яхшироқ, бўлса манга соғару саҳбо офат.

Ваҳки, кирпикларининг офати кўнглумга кириб,
Солмиш ул кулба аро бу кеча ғавғо офат.

Фони ўлғил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур
Хирқау дафтару тасбиҳу мусалло офат.

Асл улдурки, санамлар сари кўз солмоғасен,
Эй Навоий, тиласанг кўрмамак асло офат.

* * *

Гул уза анбар ёйилди, зоҳир эткач ёр хат,
Орази гулнор уза ким кўрди анбарбор хат.

Хаттини кўрдик лаб узра, гар зумуррад хат киши
Кўрмади лаъл узра ё шингарф уза зангор хат.

Демаким, хат ёзмадинг ҳажримдаким, элтур киши
Йўқтурур, лекин ётур ҳужрамда юз тумор хат.

Ул пари қасрида хомам нўгидин оҳ-ўқ келур,
Оҳ ўқи бирла ёзар ҳолатда мажнунвор хат.

Қонима ҳижрон агар хат олмамиш, не важҳдин
Ашки гулгундин аён қилмиш сариғ рухсор хат.

Ул қуёштин айру сариг чеҳрам устурлобдек,
Кўргузур тирноғ ила беҳад рақам, бпсёр хат.

Жоми Жам даврида шавкат аҳлиниг тарихидур
Ким, аён айлабтурур ул соғари заркор хат.

Даври гардун сайридин тузлук таваққуъ қилмаким,
Мумкин эрмас мустақим этмак рақам паргор хат.

Ёр хаттидин Навоий хаста кўнгли заъф этар,
Заъфқа мужиб бўлур, чун кўп ўқур бемор хат.

* * *

Ой юзунг кўзгую атрофини тутқан занг — хат,
Не ярошибдур ул ой даврига минораиг хат.

Сабзаи тардекки, судии бош чиқарган, лутфи бор
Оразингдинким, чиқарға айламиш оҳаиг хат.

Майдин ўлса оразинг гулгун, бўлур хаттинга веб
Ким, топар чун сафҳа гулгун бўлди ўзга ранг хат.

Ўйлаким марғулалар кўргузди ул меҳроб уза,
Тўтиедур хирмаии гул узра урган чаиг хат.

То қамар даврида не офатлар ўлғай ошкор,
Бўйлаким ул юзда айлар фитнау пайранг хат.

Чиққали хат элни қатл айлар, чиқармиш гўиё
Халқнинг қонига ул хунрез шўхи шанг хат.

Ҳусн мулкида шаҳ ул юз, чатр мушкин бўлди қош,
Не ажаб, бўлса зумураддин аига авранг хат.

Эй кўнгул, соф айла сафҳангни тилар бўлсанг уруж
Ким, набиға ордур билмоқ саводу нанг хат.

Сабзау гул сори майл этмас Навоий хотири,
То чиқармиш юз уза ул шўх сабзоранг хат.

* * *

Юзунг ёнидаким, бош чекти ҳар ёндин муанбар хат,
Гул узра мушкдин килки қазо қилмиш муҳаррар хат.

Жамолинг сафҳасида икки қошинг матлаедурким,
Ёзибдур котиби сунъ ани ҳусн аҳли учун сархат.

Гули рухсорингга кўп зеб берди сабзаи хаттинг,
Бағоят хушнамо эрмиш қизил когазда ахзар хат.

Юзунгнинг теграсида хатмудур ё сунъ паргори
Қуёшнинг давриға таҳрир учун чекти мудаввар хат.

Хатинг васфида ҳар неким, савод этмиш кўнгул, андин
Эрур бир анбарин занжир савдо аҳлиға ҳар хат.

Кўрунур гул киби оразда мушкин хат басе дилкаш,
Варақ гар хўб эмастур, хўб эмас ёзмоқ муяссар хат.

Юзунгнинг доғи бирла анжумунгдин не осиғ, эй ой,
Қуёшдек олам узра хуштурур гар хол эрур, гар хат.

Мени махмурлуқ ранжидин озод этсанг, эй соқий,
Ёзарман, гарчи илгим титрамакдин келса абтар хат.

Навоий, берма пандим хоса хат бош чекти ул юздин,
Чиқаолмоғ хатидин ҳар нечукким, чекса дилбар хат,

* * *

Қилғай ул оразни кўрмакдин мени ҳайронни забт,
Кимки, қон тўкмактин эткай ул кўви фаттонни забт.

Забт қил дерсен кўзунг ёшию кўнглунг оҳини,
Оллоҳ-оллоҳ, ким қилибтур сарсару тўфонни забт.

Ғайрдин кўнглум қуши кўксумни мазбут асради,
Чуғзи ожиз, ваҳ, не қилғай, айламай вайронни забт.

Менки афғондин кўнгулни забт эта олман, не навъ
Зулм этар бедодидин айлай кўнгул олғанни забт.

Лаъли ҳажринда фироқи нешидин ўлсам, не тонг,
Ким қила олман кўнгулнинг ёрасидин қонни забт.

Нолани мен қайда забт эттимки, айлай олғамен
Ҳажридин ҳар лаҳза кўнглум айлаган афғонни забт.

Чархдин не келса, хуш тут ўзниким, қилмас қазо
Бир сенинг раъйинг учун бу гунбади гардонни забт.

Забт қилмас давр аёғин сипқарурда, соқиё,
Шаҳки, жоми адл бирла айлагай давронни забт.

Эй Навоий, забт қилмон ўзни ҳижрон базмида,
Қилмасам тонг йўқ суруди нағмаи ҳижронни забт.

* * *

Ҳарфи ишқ ўлди азалдин сафҳаи жонимда сабт,
Ҳар не андин ўзга барча лавҳи нисёнимда сабт.

Дедим: эй кўнглумга ўқ урған, недур отинг, дегил,
Деди: боққим, айламишлар ани пайконимда сабт.

Қайси шаҳлар боши қасринг даврида бормиш десам,
Дерки: боққилким, эрур ул тоқи айвонимда сабт.

Бўлса тобиъ Вомиқу Мажнун, не тонгким, айламиш
Ишқ туғросин қазо қилки менинг шонимда сабт.

Ишқ авроқида, эйким, ўқудинг юз минг бало,
Юз туман анча эрур авроқи ҳижронимда сабт.

Дарди ганжи шарҳини, эйким, тиларсен, қилмишам
Ғусса неши нуги бирла кунжи вайронимда сабт.

Не ўқирсен қиссада Яқуб ҳузнинким, эрур
Онча юз бир ой ғамидин байтул-аҳзонимда сабт.

Жузв-жузвимни айирибким, паришон айладинг,
Бордур анинг шарҳи ажзои паришонимда сабт.

Ишқ тийғи ёрасидин ўлганим тарихини,
Эй Навоий, назм айлаб, айла девонимда сабт.

* * *

Эй кўнгул, дедимки, айлаб азм жононимға ет,
Демадимким, турғилу афғон била жонимға ет.

Бошинг ол кет, лек чун ҳам бекасу ҳам хастамен,
Ҳолатим сўрмоққа гоҳи байтул-аҳзонимға ет.

Чунки кўрдунгким ўлубмен, тутма мотам, қайт бот,
Ул дами жонбахшу лаъли оби ҳайвонимға ет.

Ўлганимни арз этиб йиғлаб дегилким, эй Масиҳ,
Айлабон лутф ул қатили тийғи ҳижронимға от.

Келмак ўлса, итлари жисмим тугатмасдин бурун
Бошлабон ул кофирн қотилни вайронимға ет.

Еткач-ўқ чун тиргузур, қўпсам бўлай деб садқаси,
Зинҳор ул дам мадад айлар учун ёнимға ет.

Деб эдинг, еткум Навоийға қатиғроқ тушса иш,
Ушбу дамким, ҳажр қасд айлабтурур қонимға, ет.

* * *

Бўлмишам ошиқ яна, эй ақли нофаржом, кет,
Тун-кун иш бўлмиш манга чекмак лабо-лаб жом, кет.

Бир қадаҳкаш муғбача кўнглум олибтур дайр аро,
Дину тақво жонибидин, эй хаёли хом, кет.

Дайр пири чун белига боғлади зуннори куфр,
Ибрат ол, эй муқтадои зумраи ислом, кет.

Келдингу пандим дединг, эй шайх, сен ҳам панд эшит,
Қўпқилу дайр ичра бўлмастин бурун бадном кет.

Мен ҳарими дайр аро туттум мақом, эй порсо,
Сен ҳарам азмиға гар боғлаб эсанг иҳром, кет.

Масту расвомен харобот ичра, кўрдунг, эй рафиқ,
Бўлмағунг бўлсанг менингдек ринди дурдошом, кет.

Келмас эргач риндлар базмиға, кетмак истама,
Гар кетар бўлсанг ичиб, дағи тутуб бир жом, кет.

Эй кўнгул, чун бевафодур одами, топсанг пари,
Азм этиб ул ён, бу сари қўймайин бир гом, кет.

Эй Навоий, чун бу гулшан гулларида йўқ вафо,
Аида кўнглунг булбулиға бермагил ором, кет.

* * *

Жон фиғон айлар ғами ҳажрингда, жононим, эшит,
Чиққудектур меҳнату андуҳ ила жоним, эшит.

Гар малул эрдинг фиғонимдин валекин заъфдин
Халқ саъй айлаб эшитмайдурлар афғоним, эшит

Дарди ҳолимни қулоғингға, тилармен, айтсам,
Тут қулоқ бир лаҳзау бу сирри пинҳоним эшит.

Неча саркашлик хироми, турки бордур бир сўзум,
Индуруб бошингни, эй сарви хиромоним, эшит.

Нечаким худройлиғдин сўз эшитмассен валек
Ёрлар пандин гаҳи, эй шўхи нодоним, эшит.

Неча бўлғунг, эй кўнгул, ул мастқа ҳайрону вор,
Ваъдаи қатлинг қилур, эй зори ҳайроним, эшит.

Бир ҳадисингни эшиткумдур дединг ичканда май,
Сархуш ўлдунг, маст ҳам, эй аҳди ёлғоним, эшит.

Ҳусн мулки бевафодур, манъи бедод этсалар,
Сўз эшитмакни ғанимат англа, султоним, эшит.

Қасддин айлаб Навоийға, эшитмассен сўзин,
Бенаводур, раҳм этиб, эй номусулмоним, эшит.

* * *

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки аннинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи,
Яхши фурсат топсанг ул бадаҳду паймонимға айт.

Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимға айт.

Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки юз минг фитнакўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳусни вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

* * *

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дамбадам,
Базми айш ичра лабо-лаб бодаошомимға айт.

Ком талху бода заҳру ашк рангин бўлғанин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ишқида нангу номким тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсинда бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимға айт.

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

* * *

Келмагил майхонаға, эй шайхи олижоҳ, қайт,
Йўқса хирқанг бода раҳни бўлғуси, биллоҳ қайт.

Гар десангким, тушмасин хирқангға рясволиғ ўти,
Бўлмайин ринди хароботи била ҳамроҳ, қайт.

Дайр пири илгидин винпор белга боғлабон,
Бут қошида қилмас эрсанг сажда беикроҳ, қайт.

Ринду раъполиғ агар кўнглунг тилар бу кўй аро
Жуз фано йўқтур, санга топилмас ул дилхоҳ, қайт.

Сен риёға ўрганибсен фони ўлмоқ саъб эрур
Дайр аро кирсанг, пушаймон бўлғасен ногоҳ, қайт.

Ҳар дам учқунлуқ тутунлар бирла кўнглум шуъласин
Неча фош эткайсен, оғзимдин чиқиб, эй оҳ, қайт.

Соқийи маҳваш элидин ичмишам жонбахш май,
Бу тараф юзланма эмди, эй ғами жонкоҳ, қайт.

Олам аҳли бевафодурлар, аларнинг майлидин,
Эй кўнгул, бўлсанг вафо ойинидин огоҳ, қайт.

Не ишинга эътимод эткай Навоий, эй пари
Ким, даме юз қатла гаҳ кел дерсен ани, гоҳ қайт.

* * *

Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Биайниҳ анга кирпиклар ўлмиш икки қанот.

Безанса дарду бало шоҳиди ҳалоким учун,
Мижам тароғдурур, эски туганларим миръот.

Лабинг хаёлида ашким эрур ҳаёт суйи,
Фироқинг ичра қорарған кўзум анга зулмот.

Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдиға меҳр,
Тажаммул аҳлиға юздин бир ўлса эрди закот.

Десангки, жонима ўт солмағайсен, эй соқий,
Такаллум этма майолуд лаб била ҳайҳот.

Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракот.

Лабингки жои берадур аҳли дард қони учун,
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт.

* * *

Кўздин учти ул пари, ваҳким, анга етмакка бот
Кош анингдек чиқса дермен икки эгнимдин қанот.

Новакинг кўнглумда гар итти, ҳамул андоз ила
Они топмоқ истасанг, жоно, яна бир новак от.

Кош сенсиз ўлсам эрди, эй париваш, қилма таън
Ким, мени Мажнунға ортуқтур ўлумдин бу уёт.

Соқиё, бехудмен андоққим, қилурмен касби ҳуш,
Имтиҳонға доруйи беҳуш агар жомимға қот.

Хонақаҳ шайхи ушатти соғарин, эй пири дайр,
Сен каромат кўргузуб, рағмиға тавбамни ушот.

Эй тани хоки, ул ой оллида ҳукми бирдурур,
Гарддек чиқ кўкка ё туфроғдек йўлинда ёт.

Бир дирамким, қалб бўлғай, арзимассен, эй кўнгул,
Ҳар неча меҳру вафо бозорида ўзунгни сот.

Телбалар юз пора кўнглидек ясабсен болу пар,
Гарчи ғайбатда париға ҳожат эрмастур қанот.

Чун Навоий жониға офат эрур лўливаше,
Соғинур ғули биёбон кўрса қўнғроту қиёт.

* * *

Лаъл эмас ширин лабингким, жон топар андин ҳаёт
Ким, сўруб билдим ул эрмиш лаългун қилған набот.

Лек ул янглиғ наботеким, қуяр чоғда ани
Шираси жон шираси эрмиш, суйи — оби ҳаёт.

Оқса рухсорида хай тонг йўқ кўнгул тўқтатмасам,
Тоғ бўлса топмас ул сайл ичра имкони сабот.

Ҳажр дудидин қаро бўлған кўнгул ичра ўқунг
Шарҳи ҳолим ёзғали бўлмиш қалам бирла давот.

Хўблар хайли аро ҳар сари тутмиш рустахез,
Гўиё майдон ичига чобуким секретти от.

Боқма, эй зоҳид, ҳақорат бирла ашё сариким,
Бўлмаған анинг сифоти мазҳари йўқ ҳеч зот.

Эй Навоий, кўргали ани учар ҳар дам кўзум,
Лек не суд учмоқ ул қушким, анга йўқтур қанот.

Шўх ики ғизолингни ноз уйқусидин уйғот,
То уйқулари кетсун гулзор ичида ўйнот.

Тишлабки сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил,
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрот.

Кулбамга хайафшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,
Анжум сипаҳин йиғдур, офоқ улусин қўзғот.

Ораз қуёшин очиб ашки қуруған кўзни
Кўп ҳажрда йиғлаттинг, бир васлда ҳам йиғлот.

Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунға ошиқлиқ ишин ўргот.

Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнот.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи дору жомиға апинг чайқот.

* * *

Қилди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зипҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,
Баски ҳар дам еткурур мап зорга озор дўст.

Душман ар жонимни ҳам афгор этар, қилдим биҳил,
Жавр тигидин чу кўнглум айламиш афгор дўст.

Кеча душманларгаким, ноламдин уйқу келмади,
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.

Мен ўлар ҳолатда душманлар кўрунур дўстваш,
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.

Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо,
Гарчи қозғондим, қилиб жоним фидо, бисёр дўст.

Чархнинг меҳрига мағрур ўлмагилким, ғадри бор,
Ҳаргиз ўлмас кпмсага ул душмапп ғаддор дўст.

Соқиё, қил дўстлуқ, тут бодаким, йўқтур ғами,
Бўлса олам душмани ҳар кимга, сендек бор дўст.

Итларинг ғавғо қилур, гўё Навоий ўлдиким,
Боши узра жам ўлуб афғон қилурлар ёру дўст.

Заъф, кўргилким, та.
Мўр судрар, тори бир.

Дардим айтурда демасс
Гўиё холи лаб ўлди оғзи

Ошиқ ўлтургум десанг юз   манга,
Ишқнинг дорулқасоси ичра   ур субут.

Ул кўзу лаб ўлтуруб тиргузсалар, не айбким,
Бирни қотил, бирни жонбахш этти ҳаййи лоямут.

Ханжари тийғида кўргач оразин, оқизди қон,
Сайл оққандек қуёшнинг манзили бўлғанда ҳут.

Хоксор ўлким, бурутин елга берди золи чарх,
Ул кишиларники, кўи кўргуздилар боди бурут.

Эй Навоий, айлади лўливаше кўнглумни қайд,
Халқни атрок асир этти, вале бизни чуют.

* * *

Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди, тут,
Аҳдини поёниға еткурмайин айрилди, тут.

Ханжари ҳижрон била охир кесар чун риштасин,
Меҳр торин риштаи жонингға маҳкам қилди, тут.

Чун майи васл ўзгалар ичмакка боис бўлғуси,
Ҳар нафас хунобе ҳижрон ютмоғингни билди, тут.

Ё эшитмас, ё эшитгач зулмин айлар бирга юз,
Ҳолинг ул золимға юз минг қатла бас айтилди, тут.

Дема, санчиб неши ҳижрон еткурай нўши висол,
Чун бу нўшунг ўлтурур, ул неш ҳам санчилди, тут.

Мотам ашки дурри чун туфроғингга сочилғуси,
Гавҳари анжум фалакдин бошинга сочилди, тут.

Эй Навоий, кисвати фақр иста, йўқса чархнинг
Атласин кийдинг, гумон эт оқибат эскилди, тут.

* * *

Яна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт,
Солди ўт ҳижрон манга, ё рабки, сол ҳижронға ўт.

Айтқай: киймиш жунун мулки шаҳи заркаш либос,
Кўргай эл бу навъким тушмиш мени урёнға ўт.

Гўиё бўлди қуюн ғам даштида эсган самум,
Йўқса тушти мен киби мажнуни саргардонға ўт.

Манзилинг эрди кўэу кўнглум, вале сен борғали
Муни сув қилди харобу тушти ул вайронға ўт.

Мен дағи куймай қутулмоқ, эй кўнгул, мумкин эмас,
Бўйлаким солди дамим ғам даштида ҳар ёнға ўт.

Дуди оҳим дош дудидекму равзандин чиқар,
Ё солибтур фурқатинг бу кулбаи аҳзонға ўт.

Гар манга ўт солди даврон ҳажрдин бас айб эмас,
Мен дағи солсам дамодам оҳ ила давронға ўт.

Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин ағар урмас фалак бўстонға ўт.

Эй Навоий, тан қолиб жонимни олиб борди ёр,
Солди ул борғонға ўт, ҳижрон вале қолгонға ўт.

* * *

Хирмани рухсорпға солмиш майи гулнори ўт,
Ўйлаким, гул хирмапиға оташин рухсори ўт.

Ҳажр шомп ғам сипоҳип кўрки, кўпглум даштида
Не ёқибдурлар черик тушган киби ҳар сори ўт.

Ўт агар итса жаҳондип, оҳим ўлса ғам эмас,
Еткурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт.

Гар ҳарорат мужиби эрмас чучуклук бас педур,
Ҳар замон жонимга солмоқ лаъли ширинкори ўт.

Фўтаи зарбафт эмас ул шўхи раъно бошида,
Ким аёқ қплди узори тобпдин дастори ўт.

Май батининг кўр ншотафзолигин ҳузн аҳлпга
Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситоиға тушти ўт.

Гар Навоий ўхшатур кўкни тутунга айб эмас,
Чун булутқа урмиш опинг оҳи оташбори ўт.

* * *

Олами ишқ ичра дардинг ўтдурур, ҳажринг ҳам ўт,
Дарду ҳажринг сўзидин кўнглумда олам-олам ўт.

Доғи ишқинг ўйладурким ҳирқатин ўксуткали,
Ёқса бўлғай устига онинг начукким марҳам ўт.

Не ҳароратдур, майи ишқингда токим ичмишам,
Кўкка дудимни чекар, кўнглумга солиб ҳар дам ўт.

Шуълае тушмиш фироқингдин ҳазин кўнглумдаким,
Ашкдин тўктум ети дарё сувин, бўлмас кам ўт.

Ваҳ, не муҳлик ҳол эрур жонимға лаълинг ҳажрида
Ким, солур дафъиға анфоси Масиҳи Марям ўт.

Бу кеча воқиф бўлунг эвлардин, эй ҳамсоялар
Ким, манга тушмиш фироқ оташгаҳидин маҳкам ўт.

Ҳажр кўнглум кишварин бир ўт била куйдурдиким,
Қилди ишқ аҳлиға дудидин саводи аъзам ўт.

Даҳр бўстони аро сунбул била гул демаким,
Чарх зулми солмиш анда дуд бирла дарҳам ўт.

Эй қуёш, найлаб Навоий куймасинким, бор анга
Ишқинг ўт, ҳуснунг ҳам ўт, лутфунг ҳам ўт, қаҳринг ҳам ўт.

* * *

Ё раб, ул ой ҳуснининг идроки элга мубҳам эт,
Кўз била кўнглумни ул сирри хафиға маҳрам эт.

Кўйию қадду лаби ёдин манга қилгил фузун,
Жаннату тўбо била кавсар таманносин кам эт.

Дийда кўрмак истаса онинг юзидин ўзга юз,
Қийрлар бирла бу икки суқба жавфин маҳкам эт.

Гар кўнгул васлидин ўзга васл сурин истаса,
Қисм анга ҳижрон сияҳчолида доим мотам эт.

Хотири савдои ар ул зулфдин ўзга ҳавас
Қилса, ани зулфдек ошуфтаҳолу дарҳам эт.

Руҳ ул қад жилвасидин ўзга қилса орзу,
Ҳажр ўти ичра анга дўзах азобин ҳар дам эт.

Кўнглум ўлди ҳажр ўтидин реш, эй соқий, манга
Бодаи кофургун дурдидин олиб марҳам эт.

Йўқ чу олам боғида бўйи вафо, эй нири ишқ,
Жилвагаҳ бир жом ила кўнглумга ўзга олам эт.

Ишқ журмиға Навоийни қоварсен, эй пари,
Қовма, жавру зулм қил, девонау расво ҳам эт.

* * *

Ғаминг қаттиғлиғин қилсам ҳикоят,
Эшитса тош анга айлар сироят.

Кўнгул ғам шомидин чиқмоққа бўлди
Бошоғлиғ новакинг шамъи ҳидоят.

Не навъ оллингда шавқумни қилай шарҳ
Ки, ҳуснингдек анга йўқтур ниҳоят.

Хаёлинг кўнглум ичра музтарибдур
Ким, ул вайрона иссиғдур бағоят.

Кўзунг қонимни ичмакка не ҳаддим,
Эрур ани итинг ичса кифоят.

Дема бир йўлдурур ишқ ичра, эй шайх,
Ки мунда мухталиф келди ривоят.

Навоий қонин ул кўз бирла тўктунг,
Тирик бўлким, будур айни иноят.

* * *

Қуйди юз шоми ажал, зулфин паришон айлагач,
Умр хуршиди уёқти, чеҳра пинҳон айлагач.

Сурди кўнглумни бузуб хоки таним узра саманд,
Елга берди туфроғин, бу уйни вайрон айлагач.

Лаъли ҳажри қилди қон бағримни ғамдин лахт-лахт,
Қатра-қатра тўкти кўзлар йўлидин қон айлагач.

Оҳким, бахтим оғир уйқусидин уйғонмади,
Гарчи юз минг фитна уйғонди мен афғон айлагач.

Қилмайин сархуш ҳапуз, эй муғбача, қуймоқ недур,
Оллима зуннорни, дайр ичра меҳмон айлагач.

Ошиқ эткач шуҳраи шаҳр этти ул кофир мени,
Шаҳр кездурган киби кофир мусулмон айлагач.

Чекмади булбул Навоийдек фиғонким, ёнмасун
Сайр учун ул сарви гулрух азми бўстон айлагач.

* * *

Сайд айларга жунун аҳлини бор ул икки соч,
Ҳар бири неча тугун, ҳар тугуни неча қулоч.

Туркларнинг қулидурменки, нигоримнинг эрур
Қоши туркона, қабоғи кенгу кўзи қиймоч.

Сочингу мушк аро бор онча тафовутки, мунунг
Кисватидур янги иксунда, анинг эски сапоч.

Ташлабон доғларим марҳами бирла момуғин,
Телбадурменки, чононии солиб ўлғай ёлонгғоч.

Соқиё, лаъл уза хай кўрубон бехудмен,
Майға мамзужи гулоб айлаб, они юзума соч.

Луқма огаҳлик ила солик агар айласа нўш,
Яхшироқ арпа кўмочики, тағофилда кулоч.

Эй Навоий, тиласанг элдину ўздин махлас,
Чиққил ўзлук йўлидин, чуст фано кўйига қоч.

* * *

Гиреҳ-гиреҳ чу тугарсен, етар аёғингга соч,
Гиреҳларин чу очарсен, тушар қулоч-қулоч.

Кўнгулни қийди анинг ғамзасию қилмади раҳм,
Қиё-қиё боқибон ул икки кўзи қиймоч.

Чаманда кеча ётиб маст оразин ёпмиш,
Қўп эмди, тонг ели, ул гулни лутф бирлан оч.

Қадинг чаманда кўруб, боғбон агар сарвин
Кўзига илмаса, ҳамоно керактур анга йиғоч.

Жунунға тушти сапубар қадингдин уйлаки су,
Бўлуб аёғиға занжир узолди бошида соч.

Сипеҳр наъли кўруб кўксум уза меҳроби,
Бало ўқиға ҳамоноки айлади омоч.

Навоиё, дер эсанг кўрмайин вафосизлиқ,
Таваққуф этмаю замон аҳлидин вафо киби қоч.

* * *

Турра марғулин очиб рухсори маҳсиймоға соч,
Тун саводи анбарин меҳри жаҳонороға соч.

Сарви гулрўйим қилур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сориғ, қизил гул, ул гули раъноға соч.

Йиғлама, эй кўзким, ул ой бўлғусидур меҳмон,
Гар сочарсен юз гуҳар, ул гавҳари яктоға соч.

Ёрдур шамъи шабистоним бу ақшом, эй сипеҳр,
Ахтарингнинг дурларин бу базми меҳросоға соч.

Ташнаға бер файз, эй абри карамким, йўқ осиғ,
Гар суни юз қатла дарёдин олиб, дарёға соч.

Дайр аро дин аҳлининг кўнглига зулфи бўлди қайд,
Бул ажаб зуннордур, ул дилбари тарсоға соч.

Зуҳд элин май бирла расво айладинг, эй муғбача,
Журъае ҳам нетти раҳм айлаб мени расвоға соч.

Йўқ чу дунёда вафо, эй сарсари дашти фано,
Гарди нисён совуруб, дунёу мофиҳоға соч.

Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу,
Бас ҳаётинг нақдини ул лаъли руҳафзоға соч.

* * *

Кўзунг қонимға сероб этти ўзни, нақди жоп олғоч,
Начукким маст бергай майға нақди роягон олғоч.

Чу урдунг ништари ҳижрон, фироқинг сўзи кам бўлди,
Анингдекким иситма дафъ бўлғай, кимса қон олғоч.

Начукким қиймати лаъл олибон бергай рақибиға,
Итига ташлади кўнглумни ул номеҳрибон олғоч.

Санаб ушшоқини қатл айлади ул ҳусн султони,
Черикни тарқатиб озод этар шаҳ, гарчи сон олғоч.

Кўнгул журмиға бўлдум аҳду ғам чоҳиға солдинг,
Эмастур расм қилмоқ ҳабс, мужримдин зимон олгоч.

Шикебу сабр хайли иттилар, еткач манга номинг,
1 Начукким корвон боғлар сафар рахтин, нишон олгоч.

Ушатма тавбам, эй соқийки, қолмас яхшилик расми,
Менинг ҳолимда илгимга қадаҳни мен ямон олғоч.

Баҳори ҳуснидин булбулға ҳам еткур наво, эй гул,
Бу гулшан мулкини торож этар, хайли хазон олғоч.

Навоий ҳолини ул йўқ оғиздин сўрма эмдиким,
Адам йўлиға борди меҳринг ул бехонумон олғоч.

* * *

Эй гадойинг оллида муҳтож аҳли тахту тож,
Аҳли тож оллида андоқким гадоға эҳтиёж.

Ким гадойингдур бош индурмас доги тортар аёқ,
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.

Лаъли серобинг берибтур оташин ранги била,
Офати жоним учун ўт бирла сувға имтизож.

Дарди ҳажримға буюрди сабр дарди йўқ табиб,
Заҳри қотил бирла муҳлик ранжима айлар илож.

Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.

Эйки бердинг ишқ султонига кўнглунг кишварин,
Англағилким жону ақлу дин эрур аввал хирож.

Хўблар ўргансалар, тонг йўқ, Навоий назмини
Ким, аларнинг ҳусни онинг ишқидин топмиш ривож.

* * *

Эмас лаълинг қатили жонға муҳтож,
Кўзунгнунг кофири имонға муҳтож.

Лабинг муҳтожидур кўнглум, начукким,
Скандар чашмаи ҳайвонға муҳтож.

Чу майдон ичра сурдунг бас бу офат,
Эмас иаззорагар жавлонға муҳтож.

Тилар кўнглум ўзин ишқинг шаҳиди,
Ки бор ул ғамзаи фаттонға муҳтож.

Қочар кўнглум қуши тан кулбасидин,
Агарчи чуғз эрур вайронға муҳтож.

Юзунг қурси қамар, муҳтож анга мен,
Гадо андоқки бўлғай нонға муҳтож.

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

Анга муҳтожроқ менмен, агарчи
Эрур кўп гар боқар ҳар ёнға муҳтож.

Навоий жонға муҳтож эрмас, аммо
Эрур юз жон била жонооға муҳтож.

* * *

Сийм агар жон нақдидур айларда ҳар миқдор харж,
Ёрга харж ўлса ёхуд қилса они ёр харж.

Нақддин бисёру оз ҳар неки киргай илгима,
Хуштурур улким мен оз, ул айлагай бисёр харж.

Ёр меҳмоним бўлур, мен ошиқу муфлис нотай,
Гар ҳаётим нақдидур, қилмоқ керак ночор харж.

Ганж агар топсам мени девонаваш вайрон аро,
Айларам лайливашимға они мажнунвор харж.

Кўзлари жону кўнгул нақдин олиб, сарф эттилар,
Айлагандек аҳли дин амволини куффор харж.

Ишқида бору йўқум харж ўлдию ифлосдин
Маърифат айлар мен эмди, чун қилур дилдор харж.

Истасанг хирқам сотиб, май олсам аввал, бода тут,
Эй ҳариф, ўлмастур они айламас ҳушёр харж.

Дайр пири гар деса: бору йўқунгни ўтқа сол,
Йўқ эса қилма йўқу борингни беҳанжор харж.

Ишқ кўйида Навоий сочса доғидин қаро,
Ўйладуркм, муҳташам эл айлагай дииор харж.

* * *

Бўлса бўлгай сарвқадлар ичра бир гулрў малиҳ,
Сарви гулрўюм мениинг лекин эрур асру малиҳ.

Хол эрурму йўқса туз солған сиёҳи нуқтаси
Ким, эрур васф айлагандин ортуқ ул ҳинду малиҳ.

Лаблариинг кулгач тўкар туз бирла шаккар танг-танг,
Оллоҳ-оллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам кулгу малиҳ.

Кўп малоҳат бобида Шириндин айтур Кўҳкан,
Сабзи ширинимча ул бор эрди эркинму малиҳ.

Эйки Юсуф бирла сўрмишсен ҳабибим ҳусиидин,
Ул сабиҳ ўлди латофат ичра, аммо бу малиҳ.

Оразинг кўргач кўзум шўроба тўккач англадим
Ким, эрур сенсеи малоҳат аҳлидин айру малиҳ.

Эй Навоий, аччиғ-аччиғ йиғларимни қилма айб
Ким, эрур кўнглумни олған кофири бадхў малиҳ.

* * *

Хопақаҳда ҳалқап зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар пақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё хаёли бапг, ёхуд хопақаҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотики ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб секриб паривашларпп сайд
Қилғоли девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдип, ўзпи рўза деб жуҳҳолдпи,
Асру кўп нодопни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху иодоплиғ мурид айлар учуп,
Кўп ўзидип масху подонроғпи пайдо қилди шайх.

Дайр пирипипг муриди мепки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманпо қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикрипг бахайр,
Ким саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасип берди, каромат айлади,
Ким манга тартиби важҳп раҳпи саҳбо қилди шайх.

* * *

Гарчи ул ширин лаб ичган май эрур бисёр талх,
Лек мен ичган майи ҳажри юз онча бор талх.

Май неча талх эрса, ҳижрон шарбатича талх эмас,
Заҳри қотил, онгламон, бўлғайму ул миқдор талх.

Оччиғ-оччиғ дам-бадам шўробам этманг айбким,
Қилди айшим ҳажр ила бир шўхи ширинкор талх.

Ҳажри заҳри ичканимдинму экин оё буким,
Набз соқит бўлмишу оғзим эрур бисёр талх.

Найлай ўлмайким, ҳаётим шарбатин мен телбага
Қилди ҳижрон заҳри бирла ул пари рухсор талх.

Кўп чучуклуктин очиғлиқ анфаъ ўлди ишқ аро,
Шарбати аттор эрур ширин, майи хаммор талх.

Талх май бирла мени маст айла, эй соқийки, бор
Ҳажр аро умрум, гар ўлсам лаҳзаи ҳушёр, талх.

Диним аҳволиға оччиғ йиғларамким, муғбача
Нўш этар дайр ичра ҳар дам жоми муғкирдор талх.

Ёр ширин лаълидин ҳар лаҳза айлар нўшханд,
Ишқидин ҳар дам Навоий гарчи йиғлар зор талх.

* * *

Вахки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валек
Ёрсиз бор эрмиш ичмак бодаи гулфом талх.

Шоми ҳажримдин не огаҳ улки, ҳижрон тунлари,
Тонгга тегру тўкмади шўроба не бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб, зоҳир этса заҳрчашм,
Айб эмастур, писта шўру тонг эмас бодом талх.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас они заҳрошом талх.

Носабур ўлмас кўнгулга етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичгандин ўлмас жом талх.

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла они даҳри нофаржом талх.

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳранўш,
Вахки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

* * *

Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.

Бошингдин айрилибон шох-шох ким кўрмиш,
Бу навъ сунбули тар бўлғонин саросар шох.

Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв,
Ки икки ёнидин айрилмиш икки ахзар шох.

Қадинг хиромида илгинг жафоси ўксумади,
Ғариб нахлки, доим анга берур бар шох.

Лабингки, бодан лаъл андин оқти маст ўлғач,
Эрур мушобиҳи маржону анда аҳмар шох.

Қади ҳаётим эрур урса тошу тортса тиғ,
Бу нахлдин хуш эрур гар самардурур, гар шох.

Чу ёғди тоши Навоийға кўп шикаст ўлди,
Қуруқ йиғочқа ёғиб жола, синди аксар шох.

* * *

Йўқ менга юз йилда ул маҳвашқа бир сўз дерга ҳад,
Бўлса бир сўз дерга ҳад, ул ҳам бўлур юз қатла рад.

Меҳри худ йўқ, лек амдо зоҳир айлар илтифот
Ким, халойиқ жонима қасд айлагайлар еб ҳасад.

Турфароқ букин, қилиб оламни жоним душмани,
Дўстлуқ изҳори ҳар мажлисда айлар беадад.

Шак эмаским, бўлғусидур ёрлар беэътимод,
Ҳар қачон ёр оллида ағёр бўлса муътамад.

Умр янглиғ бевафодур халқ гўё, эй Хизр,
Чекти Зулқарнайн яъжужи набо оллиға сад.

Эй хуш улким, гўша тутқай, ўйлаким топилмағай
Ахтариб давронни давр аҳли азалдин то абад.

Соқиё, абнои даврон жавриниг поёни йўқ,
Ўйла соғар тутки, зойил айлагай ҳушу хирад.

То бўлай ул навъ лояъқилки, келмай ҳолима
Қилса юз Фарҳод ила Мажнун насиҳатдин мадад.

Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур,
Хоҳи шоҳи чархқадру хоҳи моҳи сарвқад.

* * *

Мендин эл ҳар сўз деса, бовар қилур ул сарвқад,
Йўқ манга сўз дерга ҳад, ҳар не десам ҳам барча рад.

Чун деса мақбуллар кўп нукта мен мардудмен,
Менки қавлум барча рад сўз дерга топқайменму ҳад.

Бевафо аҳбобдин бир ҳам манга бўлмай мумид,
Турфа кўрким барча айлар муддаи сори мадад.

Турфароқ будуркім, улким жон анга қилдим фидо,
Бовар айлаб ҳолима ҳар неки деб аҳли ҳасад.

Даҳр элидин гўша тутмоқ бўлди авло ўйлаким,
Тутмагай ул қавм отин, топса киши умри абад.

Соқиё, беҳуш дору эз, доги тут бодаким,
Андин ўлсун ҳуш дору ила войилким хирад.

Риндлар сархайлимендурмен букун дайр аҳлиға
Майкада туфроғидин маснад манга басдур санад.

Ишқ водийсинда мақсад ичрадур аввал қадам,
Ўзлукунг кўҳи балоси бўлмаса оллингға сад.

Эй Навоий, қил фано ҳосилки, истар чоғда дўст,
Белга руст айлаб этак тебрарга бўлғайсен муад.

* * *

Ишқ аро расволиғим элга берур Мажнунни ёд,
Ўйлаким, айлар они кўрган мени маҳзунни ёд.

Ғам тунида меҳнати ҳижрони афзундур манга,
Ҳар қачонким айласам ул ҳусни рўзафзунни ёд.

Қатра-қатра қон томар икки кўзумдин шавқида,
Дам-бадамким қилсам ул икки лаби майгунни ёд.

Лутфи йўқтин кўнглума бевазн эрур шамшоду сарв,
Оҳ тортиб айласам ул қомати мавзунни ёд.

Лаъли жонбахшинг деган сўзни эшиткан қилмағай
Оби ҳайвон бирла боғланғон дури макнунни ёд.

Ҳар киши нўши майи лаълингдин ичса журъае,
Қайда қилғай ўзга неши гардиши гардунни ёд.

Чун азалда сарнавишт ўлғонни кўрмай чора йўқ,
Ҳар замон айлаб шикоят қилма даҳри дунни ёд.

Азми Бағдоду Бухоро айлагон аҳбоб учун
Берса тонг йўқ элга ашким Дажлау Жайҳунни ёд.

То Навоийни жунун даштига солди ул пари,
Ҳазл учун ҳам қилмади бир қатла ул мажнунни ёд.

* * *

Эй, қилиб зулфунг каманди ваҳшийи саҳрони сайд,
Юз мену Фарҳод ила Мажнун киби шайдони сайд.

Йўқ ажаб Фарҳод ила Мажнунни худ сайд этмакинг,
Турфа будурким, қилиб Ширин била Лайлони сайд.

Ваҳ, бу не сайёдлиғдурким, биравким даҳр аро,
Ҳусн ила оламни сайд айлаб, сен айлаб они сайд.

Кўргузуб чун доми зулфу донаи хол айлабон,
Булбулу қумри демонким, нашшау анқони сайд.

Дом зулфинин бир очиб, тортмоқ бирла қилиб
Юз туман қудси туюри гулшани хазрони сайд.

Билмон, эй сайёд, қайси дом ила қилмоқ бўлур,
Ул тазарви дилкаш ул товуси базмороли сайд.

Гар Навоий хўблар сайдидур, аммо қилмамиш
Сендин ўзга кимса ул ошуфтаи расвони сайд,

* * *

Чекар уй кўнглум урсанг тиғи бедод,
Не тонг су қуйғоч этмак шуъла фарёд.

Кўнгул сенсиз топар ғам шодлиғдин,
Ғаминг етгач, вале айлар ани шод.

Не тонг мажиуплуғумким жилва айлар,
Кўзумга лаҳза-лаҳза бир паризод.

Кўнгулни, соқиё, майдин қилиб хуш,
Бузуғни сел ила айларсен обод.

Мени шод айлагил бир журъа бирла,
Ки ғамдин жонға етти жоин ношод.

Санам оллида майдин бош кўтармон,
Ки қилди дайр пири мундоқ иршод.

Сенинг ёдинг била ўлди Навоий,
Тирик бўл, гарчи они қилмадинг ёд.

* * *

Кўнгулнинг хонумонин берди барбод
Ғами ишқингки, хонумони обод.

Мени ёд айламакни чун унуттунг,
Унутуб, нетти гоҳе айласанг ёд.

Фироқинг кунжида туп-кун эрурмен
Ғамингдин шоду мендин ҳам ғаминг шод.

Сенга сайд ўлғали урён бўлубмен,
Қачон юлди тириклай қушни сайёд.

Кўнгул жинси башардин асраб охир,
Мени девона қилди бир паризод.

Сен ич махсуслар васлида майким,
Мени ҳажр этти қон ютмоққа муътод.

Вафолиғ туз бу гулшан ичра йўқтур,
Агар насрину гул ё сарву шамшод.

Не шайхи хонақаҳ майдин қилур манъ
Ки, қилмиш дайр пири бизга иршод.

Навоий, ёр фарёдингға етмас,
Анинг фориғлиғидин айла фарёд.

* * *

Гарчи ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд,
Лек анинг ёди била кўнглум эрур ҳар дам шод.

Зулфидин сўрди кўнгулларни кўзи арбадаси,
Домдин кўрмади эл сайдни сўрмак сайёд.

Қоматинг бандасидур сарв, вале хизмат аро
Кўрубон ростлиғин они қилибсен озод.

Қатлима чиқти этак белга уруб, тийғ чекиб,
Қон тегардин аяб эркин этагин ул жаллод.

Чунки Ширин кўзи беҳад қорадур, бас неча мил
Тошни сурма недин айлади оё Фарҳод.

Ўзгаларга ичур, эй соқийи даврон, майи васл
Ким, манга заҳри фироқ ичмак ўлубтур муътод.

Мунча фарёд Навоийдин эмас ҳажр туни
Ким, қилур ҳар кеча фарёдидин эл ҳам фарёд.

* * *

Ситам эрмас эдиким, айладинг кўнглумни юз парканд,
Ситам будурки, тикмак бирла истарсен анга пайванд.

Ҳам ип кул бўлғай, ҳам игна су бўлғай тикар бўлсанг,
Нединким, бор алардин ахгари сўзанда ҳар парканд.

Жамолингға қуёш ўхшар ва лекин онча кўп ҳам йўқ,
Анга бўлғанча ой монанд ул бўлғай сенга монанд.

Парирўюмдин айру, эй ҳаким, оч қайду бандимни
Ки, мен дев ўлмишам, девона эрмонким, солурсен банд.

Ҳабибим истар бу гулшан аро ҳар дам гул ислармен,
Мени Юсуфдин айру қилди қоилиғ кўнглаги хурсанд.

Кўзумнинг мардуми одамдурур, гўё қаро бўлған
Бу ёшларким бўлур зоянда андин барчаси фарзанд.

Лабинг пўши закотин ҳожат аҳлиға берур бўлсанг,
Ўлубмен ҳасратидин жонға йўқ ўлганча ҳожатманд.

Дединг гулқанд, эй тарсо ҳакими, англабон заъфим,
Вале дафъ ўлди қилғач муғбача дайр ичра шакарханд.

Алам етгач Навоий, даҳрдин май бил анинг дафъи,
Қабул этган кишига басдурур оламда бу бир панд.

* * *

Ваҳки, ҳам ҳушумни афзун қилмади афсуну панд,
Ҳам жунунумни кам айлай олмади занжиру банд.

Билки, сендиндур бори дардим, не фикринг ҳолима,
Дардманд эл ҳолин ул билгайки, бўлғай дардманд.

Захмларким солдн заҳролуд тийғинг жисмима,
Оғзин очиб ҳар бири ҳолимға айлар заҳрханд.

Бўйнуига мушкин инакдин, эйки тумор осмасанг,
Қайда ҳолим билгасенким, бўйнума тоқдинг каманд.

То кўнгул холинг хаёлидин бошингға уйрулур,
Йўқ санга ҳожат ёмон кўз дафъиға ўту сипанд.

Чун фалак тоқидек охир бўлғусидур сарнигун,
Рифъатинг тоқин, не суд, этмак фалакча сарбаланд.

Эй Навоий, оби ҳайвондек лабидин уз умид,
Ким сочи зулмотидин ёнти анга мушкин паранд.

* * *

Ўйла ҳижрон тошларин ёғдурди чархи тезгард
Ким, сипеҳр авжиғача хоки танимдин чиқти гард.

Ёр ила аҳбоб мендин айрую мен барчадин,
Йўқ ажаб, гар барчанинг дардича бўлса менда дард.

Ҳажр тошидин кўкарди пайкарим ёхуд бу ранг
Айлади урён танимни, баски чектим оҳи сард.

Каҳкашондин чекма саф анжум сипоҳин шоми ҳажр,
Мен ўлубмен, эй фалак, ҳожат эмас қилмоқ набард.

Ашку оҳимдин натижа бўлди қонлиғ тоза доғ,
Гўё ул суву ҳаводин очилур бу навъ вард.

Эй кўнгул, гар худ хазон фасли эмас ҳижрон куни,
Нега боғ аҳлиғадур титрамау рухсори вард.

Халқнинг қайди Навоийни паришон айлади,
Кимки жамъият тилар, қилмоқ керактур ўзни фард.

* * *

Йўқки, оҳимдин қилибдур тийра бу вайронни дуд,
Ким қоронғу айламиш вайронаи давронни дуд.

Дуди оҳимким чиқор уй туиглукидин бутрабоп,
Дошхона айламиш бу кулбаи аҳзонни дуд.

Оҳ дудиму экин, ё ишқ уюмга солди ўт,
Буки тутмиш ҳужрау гунбазни дуд, айвонни дуд.

Ҳажр зиндони сияҳчол ўлди оҳим дудидин,
Эмди зиндон этти ишқ аҳлиға бу зиндонни дуд.

Оҳ вақти чун оқар ашким қаро ҳижрон туни,
Муҳраи айлар шабаҳ ҳар бир дури ғалтонни дуд.

Тийра оҳим ҳар дам андоқ тўлғашур бўғзумғаким,
Чиққали қўймас кўнгулдин нолау афғонни дуд.

Кеча ул ой кўйи даврида чекибмен ўтлуғ оҳ,
Хайли анжумни шарар бил, гунбази гардонни дуд.

Чарх мотам кисвати бермиш манга ё оҳдин
Пардаи шабгун била ёнмиш мени урённи дуд.

Бода шамъи бирла, эй соқий, ёрут кўнглумниким,
Оҳдин қилмиш қаро бу кулбаи вайронни дуд.

Олам аҳлининг вафосизлиғларидин чексам оҳ,
Сунбулистон айлагай юз гулшану бўстонни дуд.

Эй Навоий, асру равшан эрди ҳажрим шомиким,
Тийра оҳимдин қаророқ ҳам қилур ҳижронни дуд.

* * *

Фориғу озода билмас мубталолардин хабар,
Шоҳ кўнглида қачон бўлгай гадолардин хабар?

Ҳажр водийсинда ким топқай мени оворани,
Дам-бадам сўрғай магар дарду балолардин хабар.

Ул вафосиз олди кўнглумнию юз кўргузмади,
Истасам они, сўрармен бевафолардин хабар.

Ғунчадек қонлиғ кўнгул гум бўлди ул гул кўйида,
Эй сабо, тут гоҳ-гоҳе ул аролардин хабар.

Чун хабар йўқтур қорорғон рўзғоримдин манга,
Қайда топқаймен кўзи, қоши қаролардин хабар.

Улки масту бехабар дер ишқ жомидин мени,
Гўиёким, англамайдур порсолардин хабар.

Тут Навоий ҳолидин гоҳе хабарким, айб эмас,
Гар навозиш аҳли тутса бенаволардин хабар.

* * *

Ваҳки, мен бедилга не ул номусулмондин хабар,
Ул мусулмонким хабарга борди, не ондин хабар.

Қосиду жононадин йўқким хабарсизмен букун
Ким, не қосиддин, не жонон, балки не жондин хабар.

Йўқ манга андин хабар, доим сўруб аҳволини,
Қайда бир сўрмай анга мен зори ҳайрондин хабар.

Масти ноз — ул, нотавон — мен, ким кетургай, элткай
Ё анга мендин хабар ёхуд манга ондин хабар.

Ваҳ, не кун бўлғайки, ул ғойиб сафардин келди деб,
Истабон мендин севинчи, етса ҳар ёндин хабар.

Ҳажр агарчи жондин этти бехабар, кош ўлғамен
Бехудеким, бўлмағай жонимға ҳижрондин хабар.

Давр аёғин, соқиё, андоқ тўла тутким, манга
Қолмағай не аҳли даврондин, не даврондин хабар.

Эй хуш улким, келди андоқ масту борди мастким,
Топмади мутлоқ не келгандин, не борғондин хабар.

Эй Навоий, ким сўрар бўлса мени овораии,
Дашт уза сўрғай магар ғули биёбондин хабар.

* * *

Жонга йўқ кўнглумдину кўнглумга йўқ жондин хабар,
Менга не ўздин хабар, не кўнглум олғондин хабар.

Уйла мастиноздур ул шўхким билмас ўзин,
Не ажаб гар йўқ анга мен зори ҳайрондин хабар.

Воизо, дўзах ўти доғин ўкарсеп англадим
Ким, сенга йўқтур ҳамоно доғи ҳижрондин хабар.

Гарчи қосид лабзи жонафзо эди, лекин мени
Қилди жондин бехабар, гар қилди жонондин хабар.

Ўйла маҳвунг бўлғон эрмишменки, бўлмайдур манга
Захм аро пайконларингни тортиб олғондин хабар.

Соқиё, давр аҳли жаври саъб эрур, маст эт мени,
Ул сифатким бўлмағай ўлгунча даврондин хабар.

Эй Навоий, шоҳ лутфидин кўнгулни жамъ тут,
Гар паришон келса бок эрмас Хуросондин хабар.

* * *

Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар,
Ўйладурким бергай ўлган жисмга жондин хабар.

Дема ҳажримдин хабарсизму экансенким, менга
Бор эди ўлмактин, аммо йўқ эди ондин хабар.

Не ажаб очилса кўр ўлған кўзум Яъқубдек
Ким, насими субҳ берди моҳи Канъондин хабар.

Шодмен гўё фироқ айёми бўлди муртафиъ
Ким, ҳабибим келмагига етти ҳар ёндин хабар.

Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли,
Ким берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.

Соқиё, қуй давр аёғин ўйлаким, нўш айласам—
То қиёмат тонмағаймен аҳли даврондин хабар.

Эй Навоий, тонг йўқ ўлсамким ўтубдур неча кун
Ким, менга йўқ не кўнгул, не кўнглум олғондин хабар.

* * *

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар,
Ё адасдур, ё ёпушмиш бир адас чоғлиғ шакар.

Кўргач оҳимни, ғазабдинму қизарди ул узор,
Йўқса ул ҳумрат бу ўтнинг тобидин бўлди асар.

Новакинг жисмимға сончилғоч етишти юз бало,
Шох уза пайванд қилғоч мунчаким топмиш самар.

Мен ул ойға маҳв қолгоч, тан аро пайконларин
Чеккон эрмиш халқу ҳайратдин манга бўлмай хабар.

Икки гавҳардур қулогингда ваё қилмиш сипеҳр,
Ойнинг атрофида икки саъд кавкаб жилвагар.

Чарх зулмидин не тонг сўчум сабуҳи вақтиким,
Субҳ ҳам бу ғуссадин йиртар яқосин ҳар саҳар.

Эй Навоий, ҳажр ўтлуқ дашти ичра англадим,
Оникки дерлар сақардин қитъае эрмиш сафар.

* * *

Не ажаб ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски ёғди устига атфол элидин хоралар.

Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар.

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски туфроғ ўлди ишқинг даштида оворалар.

Англаким, аҳбобни кулбамда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

Анда Мажнун мен, бу ён Лайли, сен этгач ижтимоъ,
Бир тараф девоналар, бир ён пари рухсоралар.

Хонақаҳ вақфи суйин ичмаслар шайх, англағил
Гар хумор ўлса фано дайридағи майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,
Бас ғалат бўлғай демак ушшоқни бечоралар.

* * *

Эй кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар
Ким, вафолиғ дўстни жонимға душман қилдилар.

Дуд бошимға чиқар, гўёки ҳижрон тошидин
Ёғдуруб ҳар ён бу гунбад узра равзан қилдилар.

Бошима жўлида соч эрмаски зоғ айлаб ғулу,
Захмлардин тўъма истарға нишиман қилдилар.

Ҳажр шомидин осиб гардун қаро киз бўйниға,
Субҳ чок айлаб яқо, ҳолимға шеван қилдилар.

Янчмиш эрди ишқ ўти хасдек танимдин дарду шавқ,
Куйдуруб гўё бу тутруқ бирла равзан қилдилар.

Бода тутким, ҳикмат аҳли чарх бемеҳр эрканин
Жом даври хатлари бирла мубарҳан қилдилар.

Эй Навоий, Каъба тут, ё дайрким, аҳли жаҳон —
Журму ғамдин бу икки манзилни маъман қилдилар.

* * *

Тушумга кирди жанниат ичра ҳуру, тўбию кавсар,
Магар кўйида топқум оразу, қадду лабидин бар.

Мен эттим ишқи таркин ҳам ул этти васлидин ваъда,
Не андиндур манга бовар, не мендиндур анга бовар.

Юзи кўзгуга, хатти юзга зийнат берди ким, кўрмиш
Қамарға субҳдин равнақ, қуёшқа шомдин зевар.

Юзинда хаймудур ё манглайидин қатра, ваҳ, кўргил,
Ки гулдинму оқар шабнам, қуёшдинму томар ахтар?!

Лабида нутқу нутқида латофат кўрки, не янглиғ
Судур ёқут аро мудғам, ҳаёт ул сув аро музмар.

Юзинда партаву ул партав ичра лаълини кўрким,
Ўт узра шуъла кўргузди ва лекин шуълада ахгар.

Хумори ҳажру дарди ишқдин музтармен, эй соқий,
Карам айлаб, ўтумға сув қуй, аммо жонима озар.

Замондин аҳл ё аҳли замондин истагон эҳсон,
Ёнар ўтдин тиларким сув, чиқарғай хорадин гавҳар.

Тилар Лайлини Мажнун, дилбарин мискин Навоий, ваҳ,
Керак булбулға гул, девонаға ёри пари пайкар.

* * *

Биров тийғи фироқи, ваҳ, яна кўксумни чок айлар,
Ки ҳам захми, ҳам ихфоси, ҳам изҳори ҳалок айлар.

Магар истаб итига тўъма кўнглум бирла бағримдин
Бирин наркола-наркола, бирисин чок-чок айлар.

Не муҳлик дард эрур кўнглумдаким, афғонима ҳар ким,
Ки йиғлар, ишқ онинг ҳам фиғонин дарднок айлар.

Ажаб йўқ ишқи бебок илгидин мендек асир ўлмоқ,
Кишиким ишқ кўйи азмини беваҳму бок айлар.

Ажаб йўқ васл хайли тушкали тартиб этар манзил,
Гар ашку оҳ ўти элнинг кўзу кўнглини пок айлар.

Менинг бошим кесакча ҳам кўрунмас рахши оллинда,
Біровким, тавсани тож аҳлининг бошини хок айлар.

Кўнгул боғида дарду ғам ниҳолин эккали гўё,
Қазо деҳқони ҳар ён ўқи захмидин мағок айлар.

Хушо улки, хазон фасли майи ол ичса боғ ичра,
Қадаҳ сарпўши ҳинолиқ иликдек барги ток айлар.

Бир аҳли ишқни ёри ҳалок айлаб, Навоийни —
Бу янглиғ ёрсиз жон миннатин чекмак ҳалок айлар.

* * *

Қачонким боданўшум май ичарга изтироб айлар,
Бурунроққим ўзин маст айлагай, бизни хароб айлар.

Гули рухсорини май шабнами айлаб тарў тоза,
Латофатда қуёшнинг чашмасин беобутоб айлар.

Мени ғамгин қаён гом урмоғим ғам даштида сўрмонг,
Қуюнни кимса англармуки қай сори шитоб айлар.

Тилиб бағримни ишқинг тийғи ҳажринг ўқиға тевроб,
Ғамим базми учун кўнглум ўти ичра кабоб айлар.

Ҳар оҳим дудиким кўк сори азм айлар ани ишқинг,
Бало селоби келтурмак учун мушкин саҳоб айлар.

Дегил умрум қуёши ҳажри шомида бўлур ғорат,
Қачонким оразинг хуршиди зулфунгдин ниқоб айлар.

Мазоҳирдин жамолинг меҳри гар зоҳирдурур, тонг йўқ,
Қачон зоррот хайли манъи нури офтоб айлар.

Қулимен дайр пирининигки пинҳон ишқим англабтур,
Агарчи муғбача ҳамдамлиғимдин ижтиноб айлар.

Навоий, хонақаҳ дўзахча бордур, шайх анга молик,
Не тонг гар андаги элга насиҳатдин азоб айлар.

* * *

Ҳар гаҳки қадаҳнўшим майли майи ноб айлар,
Мужгон ўқиға шишлаб бағримни кабоб айлар.

Ҳажрим туни бедодин англар кишиким ҳар тун,
То субҳ биров ёди жониға азоб айлар.

Кеч келмакидин ўлсам жононнинг эмас тонгким,
Ул умр даранг айлар, бу умр шитоб айлар.

Бетоб кўнгуллардин қон оқса ажаб эрмас,
Машшота анинг зулфин бу навъки тоб айлар.

Хай қатралари юздин лаълингға бўлур мойил,
Жоним учун ул майға мамзуж гулоб айлар.

Бу дайрда айб этма, гар масти хароб ўлсам
Ким, ҳар не иморатдур, даҳр они хароб айлар.

Маст айла Навоийни, англай дер эсанг комин,
Васлинг тамаъин ҳушёр айларга ҳижоб айлар.

* * *

Бағримни тиғи ҳажр ила пора қилдилар,
То ёр кўйидин мени овора қилдилар.

Бутгудек эрди васл ила то кўнглум жароҳати,
Ҳижрон қиличи бирла яна ёра қилдилар.

Мазмуни ўлмагу оти ҳижрон ғами деган,
Юз минг жафони жонима якбора қилдилар.

Турған ёшим оқиздилар ул ой фироқида,
Собитларимни кавкаби сайёра қилдилар.

Воиз уни суруд эрур ишғоли айшиға,
Қисмат кўйинда оники майхора қилдилар.

Май тутки, жом даврида-ўқ топтилар илож,
Жамъики чарх даврини наззора қилдилар.

Ё раб, не дей аларники, мискин Навоийни
Беҳушу ақлу бедилу бечора қилдилар.

* * *

Хўблар тиғи етишмасдин бурун бу зор ўлар,
Чин эмишким, бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар.

Демаким ҳар дам кўзидин юз киши бемор ўлур,
Кирпикидин кўз юмуб-очқунча минг бемор ўлар.

Ўлмакимдин қилма ҳайрат, эйки, чектинг тиғи кин,
Қотил ар сенсен, менингдек нотавон бисёр ўлар.

Дардидин ўлмон танимда чексалар пайконини,
Жонни ҳар кимнинг танидин чексалар ночор ўлар.

Кўнглума бир тиғ ила ўлмакни осон айлаким,
Фурқатингдин ул заифи нотавон душвор ўлар.

Ишқ базми бодаси гар бўлса мундоқ руҳбахш,
Қони ўз бўйниғаким, бу давр аро ҳушёр ўлар.

Бепаволар оллида умри абаддин яхшироқ
Ҳар кишиким, фақр йўлинда Навоийвор ўлар.

* * *

Осилмиш қулоғингдин юз узра гавҳарлар
Ки, айрилибдур ул ўт шўъласидин ахгарлар.

Итинг оёғини ўпмакка наълу мих эрмас,
Сипеҳр рахшидин инмиш ҳилолу ахтарлар.

Юзунгда хай эмас, оби ҳаёт қатрасидин
Қуёш жамолиға сунъ илки тақти эеварлар.

Бошоғларинг учи эрмаски, чиқти жисмимдин
Чиқармишам учубон етгали сенга парлар.

Узор саҳфасида хўблар хайли демаким,
Туз этти ишқ мени ўлтурурға маҳзарлар.

Баҳор фаслида махмур бўлма, даштқа чиқ
Ки, лола тутти басе лаълранг соғарлар.

Навоий олдурубон кўнглини агар топмас,
Бировдурурки қулидур жаҳонда дилбарлар.

* * *

Гул юзунг ҳажринда чиқса ўтлуқ оҳим гоҳлар,
Кўкта гулнори булутлардек кезар ул оҳлар.

Ул бути зарринкамар ишқида то бел боғладим,
Заъф аро мендин қамишлардур нишон бал коҳлар.

Ул юз оллида қуёш юзлуклар ўлмиш ҳусн аро,
Ўйлаким, бўлгай қуёш бўлғанда толеъ моҳлар.

Нола тортармен қачон отлаиса ул султони ҳусн,
Йўқ ажаб чекмак нафир ўлғанда рокиб шоҳлар.

Кўйи сари борди кўнглум, балки оҳу ашк ҳам,
Ваҳки, мен қолиб, азимат қилдилар ҳамроҳлар.

Истасанг уйғонмоқ ўл бедорлар ҳамсуҳбати
Ким, бу ғафлатларни дафъ этгай магар огоҳлар.

Эй Навоий, нора-нора бўлса кўнглунг, яхшидур
Ким, тараддудсиз олишқайлар ани дилхоҳлар.

* * *

Сенинг ҳуснунг мени ишқим ажойиб унс тутмишлар,
Магар бу шуълани ул шамъ тобидин ёрутмишлар.

Бериб эрди ики кофир кўзунг қатлим учун ваъда,
Ҳамоно айни усруклукдин ул ишни унутмишлар.

Мену дарду бало, эй шодлиқ, борғилки ҳажринда,
Мени ғам тунлари бекаслигим вақти овутмишлар.

Кўнгулда ёраларким бутмади ҳар навъ марҳамдин,
Лабинг нўши ҳавосин истимоъ этканда бутмишлар.

Тамаъ узмак ики ширин лабингдин мумкин эрмаским
Ки, то ул шаҳддин тотмишмен оғзимни чучутмишлар.

Сиришким сайли ичра ишқу дардингдин заиф ўлди,
Бу сув ичра ул ўтлар гўиё жисмим қурутмишлар.

Чу мен безормен иткан кўнгулдин демангиз, келмиш,
Нега ул телбаи расвони бу жониб ёвутмишлар.

Май ичкил, доғи туткил бевафоу меҳрлар тарки,
Анингдекким алар меҳру вафонинг тарки тутмишлар.

Навоий, май била кўнглумга ўт солким, замон аҳли
Совуғлуқ онча қилмишларки кўнглумни совутмишлар.

* * *

Зулфунг очилиб орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачае шўхдурур су била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин
Бир тифлдур, алқиссаки кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай, боғлади уйқумни фусундин,
То ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки кўнгул бўлса кўзунг бирла мулоиб,
Мажнунға ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда,
Холингким, ўшул ҳалқаи гесу била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.

Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину била ўйнар.

* * *

Ҳуш чун май базми ичра дилситонимдин кетар,
Тоби жисмимдин, ҳаёт озурда жонимдин кетар.

Базмдин усрук чиқибким отланур олифтавор,
Ҳуш бошимдин, хирад ваҳми дўконимдин кетар.

Тунд маркаб узра жисми ҳар тарафким бўлса ҳам,
Тенг бўлуб хам тоб жисми нотавонимдин кетар.

Мастлиғдин ҳар кишига чопса маркаб хунфишон,
Ғайратидин ашк чашми хунфишонимдин кетар.

Уйга еткунча етар юз қатла жоним оғзима,
Чун уюр, ранжу алам руҳи равонимдин кетар.

Саъб иш эрмиш ишқ, ё раб, ё менинг жонимни ол,
Йўқса, бу бебоклик номеҳрибонимдин кетар.

Эй Навоий, жонима еттим кўнгул афғонидин,
Ёним эткил чоку ул мажнуни ёнимдин кетар.

* * *

Ваҳки, золим ишқ жонимға яна бедод этар,
Қатл умиди бирла ғамгин хотиримни шод этар.

Зуҳду тақво бузди обод айламак бирла мени,
Шукрким, ишқу жунун бузмоқ била обод этар.

Базми айши ичра ғавғо ўйладурким, тошқари
Ким қулоқ солур агар, девонае фарёд этар.

Неча тартиб айласам сабру салоҳ авроқини,
Сарсари ишқу жунун еткач, борин барбод этар.

Ишқ кўйида кўнгул ҳоли паришонроқ бўлур,
Офият мулкидаги жамъиятин чун ёд этар.

Ул қуёш ҳижронида бу заррае саргаштаға
Ишқ зулми бас эмаским, чарх ҳам имдод этар.

Ишқ аро ёлғуз менинг ҳолим кўруб ҳар дам сипеҳр
Вомиқу Фарҳоду Мажнун ҳолин истишҳод этар.

Ваҳ, нетиб, эй хопақаҳ шайхи, тутай зуҳду риё,
Дайр пири чун манга фақру фано иршод этар.

Эй Навоий, они бил озода олам аҳлидин
Ким, ўзин олам эли ғавғосидин озод этар.

* * *

Хатти то бош чекти, кўнглин май била хушҳол этар,
Ҳусни хат истаб, юз авроқин ҳамоно ол этар.

Лекин эл ўтни аёғ бирла ўчургондек босиб,
Хаттининг хайли юзининг шуъласин помол этар.

Хат чиқарди ул пари юзига йўққим, эгнига,
Ваҳ, не пардур буки, андин элпи фориғбол этар.

Хат эмаским, қилди ҳусни кишварин зеру забар,
Ким бу янглиғ юзни машқ авроқидин тимсол этар.

Ҳусни хаттин сабзпўш ўлмоққа норози эдим,
Кўр не ҳол ўлғайки, ул кисватни эмди шол этар.

Ҳусни зоҳирдин не ҳосил, эй хуш улким, ҳар нафас
Шоҳиди маъни юзидин ўзни фаррухфол этар.

То саводи хаттини кўрмиш Навоий, заъфдин
Жисми най келганда меҳнат ўқларидин нол этар.

Чиқмаса жонон ғаму андуҳдин жоним чиқар,
Завқдин ул дам кирар жонимки, жононим чиқар.

Мақдамидин боғ ўлур ҳам дашту ҳам кўй андаким,
Жилва айлаб боғдин сарви хиромоним чиқар.

Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,
Ғорати дин этгали ул номусулмоним чиқар.

Кўзда эрмас фурқатидин ашқи гулгул қатраси,
Балки кўздин ҳам бағир захми киби қоним чиқар.

Захм аро қолған бошоқ жонимға етмиш, эй рафиқ,
Раҳм этиб, тенгри учун чек, доғи пайконим чиқар.

Чарх агар афғону фарёдимға етмас, айб эмас
Ким, анинг бедодидин фарёду афғоним чиқар.

Соқиё, ол бир қадаҳ бирла Навоий кўнглини
Ким, бугун дерларки сархуш кўнгул олғоним чиқар.

* * *

Васлдин чун мултафит кўнроқ бўлур фурқатга ёр,
Тарки васл айлаб қилинг, аҳбоб, фурқат ихтиёр.

Дема кўнглунг бўлдиму тарк айламак ёру ватан,
Не кўнгулни тарк қилма, не ватан, ваҳ, қайси ёр.

Сўзп ёру ёрдип сўрмонгки, ҳижрон даштида
Қолғали бекас унут бўлмиш манга ёру диёр.

Топмадим ҳар нечаким меҳру вафо туфроғида,
Донк сочтим ашкдин, кирпик била айлаб шиёр.

Сиймгун ашк ўлмоқ олтундек юз узра не осиғ,
Жисм ҳижрон кўрасида бўлмайин холис иёр.

Кимки олам халқи бирла ошнолиғ қилмади,
Они де фархунда ахтар, мунп билгил бахтиёр.

Ҳолини найлаб ниҳон тутсун Навоий хастаким,
Етса ашки оҳ урар, йиғлар агар оҳин тиёр.

* * *

Ваҳки, савдо даштида қилди мени девона ҳажр,
Бир пари ишқида ҳолим шаҳр аро афсона ҳажр.

Орзудинким кириб кулбамға, тутқай бир қадаҳ,
Туну кун ҳамкоса фурқатдур манга, ҳамхона ҳажр.

Ул бузуғлуғларки еткурди, бир-икисин эшит:
Қилди вайроним етиб, кўнглум уйин вайрона ҳажр.

Тонимасмен дема элниким, таадди бошлағоч,
Ошнолардин бурун қилди мени бегона ҳажр.

Шарт қилдим: васл топсам, келса гар юз минг бало
Тортайин, аммо қабул этмай чекарга ёна ҳажр.

Ҳажр аро ҳар неча сочтим ашки ҳасрат берди бар,
Не самар бергай, чу бир мазраъда сочқой дона ҳажр.

Эй Навоий, ҳар кишиким истагай албатта васл,
Тортибон юз минг бало чекмак керак мардона ҳажр.

* * *

Кўада сув — кўнгул аро ўт, не кўрарсен охир,
Яна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир.

Риштаи васл ила бир захмини тик, раҳм айлаб,
Ҳажр тийғи неча бағриға урарсен охир.

Ул ой ошуфталарин айлар эмиш дилжўлиқ,
Мунда, эй шифта кўнглум, не турарсен охир.

Туштa ҳажрини кўруб мен санга шарҳин айтай,
Эй ҳаким, они агар акси йўрарсен охир.

Тийрборонки, отар чархи муқаввас — басдур,
Неча қош ёсини қасдиға қурарсен охир.

Мазраи даҳр аро соч лутф ила эҳсон тухми,
Ҳар не эксанг, ани-ўқ чунки ўрарсен охир.

Гар Навоийға даводур унунг, эй ёр ити,
Ҳординг эркинки, тонг отқунча ҳурарсен охир.

* * *

Сариғ қоғазмудурким сўзи ҳажрим айладим таҳрир,
Ва ёхуд шуъла тушти сафҳаға ул сўз этиб таъсир.

Мағар ҳуро сочин қилди қаламгун сафҳасин когаз,
Қилурда сунъ наққоши нигорим суратин тасвир.

Боқиб дермен: шикоят айлайин кўргач они, қолмас
Кўзумга тоби наззора, тилимга қуввати тақрир.

Мени ҳажр офатидин қутқару қатлимға таъжил эт,
Нединким бийми офат келди ишта айламак таъхир.

Дединг: васл ичра тақсир этмайин ишқим қабул этсанг,
Чу бўлдум ошиқ, эттинг ҳажр асири қилмадинг тақсир.

Жунун хатти муҳити ичра марказ бўлмоғим не суд
Ки, бу хат бирла бўлмас ул парини айламак тасхир.

Сочинг куфри худ имонимни олди, ваҳ, не айш ўлғой,
Ки ул зуннорни бўйнумға боғлаб қилсалар такфир.

Мени гар муғбача дайри фано ичра асир этти,
Чу тақдир эрса, эй шайхи ҳарам, не қилғамен тағйир.

Навоийға не мумкин васли ким ҳар тун бу фикр ичра,
Не тадбир этса охир ишқдин бори топар тағйир.

* * *

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин,
Йўқса ёшдин мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Қалби рўйандуд ила бай этса васлин, эй кўнгул,
Доғдин мунча дирамким, менда бордур, кимда бор?

Бор экан вобастаи тавфиқ, йўқса, эй рафиқ,
Бу қадар шавқи ҳарамким, менда бордур, кимда бор?

Қўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордур, кимда бор?

Бахт ул ой қасрига қўймас, йўқса дуди оҳдин
Бу каманди хам-бахамким, менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ
Хусрави соҳибкарамким, менда бордур, кимда бор?

* * *

Ошкоро юз туган гарчи тапи зоримда бор,
Опча юз доғи ниҳони жони беморимда бор.

Истадинг кўнглумни айлай деб иложин, эй табиб,
Менда йўқ улким тиларсен, лек дилдоримда бор.

Новаки ғамзангға пайкон истасанг, эй қоши ё,
Келки, андин бениҳоят жисми афгоримда бор.

Юз бўғун эрмас сўнгактин риштаи жисмим аро,
Иқди зулфунгдин тугунлардурки бу торимда бор.

Жаврларким, қилди ул кофир унутмайдур кўнгул
Ким, ҳисобидин гиреҳлардурки зуннооримда бор.

Хирқаю сажжодани май раҳни қилсам не ажаб
Ким, асар махмурлиқдин шўх хумморимда бор.

Гар Навоийни қилиб рад, назмин истар шукрким,
Менда гар йўқтур қабул, ошуфта гуфторимда бор.

* * *

Холу хаттидинки ҳар бирнинг бир ўзга ҳоли бор,
Хат юзинда нуқтадек мушкин хат увра холи бор.

Чарх уза варрин ғизол ўлди шафақдин жилвагар,
Ё менинг мушкин ғиволимнинг ҳарири оли бор.

Ҳажри ашким ичраким топмас зарар кўз мардуми,
Гўиё кирпик найистонидин онинг соли бор.

Гарчи ҳинду бўлса маскан айлагай хуршид уза,
Холдек улким жамолингдин ҳумоюн ҳоли бор.

Не учун ўлмайки, эл қатлиға айлаб эҳтимом,
Қотилимнинг чун менга навбат етар эҳмоли бор.

Кон ила дарё матоин найласун ул кимсаким,
Дайр аро лаъли равондин жоми моло-моли бор.

Ўзни маст истар харобот ичра важду ҳол ила,
Гар Навоийнинг бу дам дарс ичра қилу қоли бор.

* * *

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одами эрса пари бирла малакдин ори бор.

Кеча улким чирманур бир гул била не тонг агар,
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нишот изҳори бор.

Йўқ ажаб, булбулға гул шавқидин ўлмоқ эорким,
Пардин-ўқ жисмиға санчилған ададсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур
Анкабутеким, анинг жон риштасидин тори бор.

Сунбули вулфи агар ошифтадур, айб этмаким,
Гул юзунда ётқон икки нозанин бемори бор.

Айлаб ўзни масту бехуд чиқмасун майхонадин,
Кимки megдек давр элидин кўнглида озори бор.

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул санинг сори, сен онинг сори бор.

* * *

Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор.

Кимки, ул бир кўнгли севган нахлқаддин бар еди,
Оллоҳ-оллоҳ, умридин не бахти бархурдори бор.

Билса кўнглум ҳолатин шоядки келгай сўрғали,
Улки кўнгли ичра бир бадхўйидин озори бор.

Кўзларидин кеча тонг отқунча уйқум йўқтурур,
Кеча найлар анда уйқуким, ики бемори бор.

Шўълалиқ юз пора кўнглум хайли мужгонинг аро
Оташин гулдурки, атрофида ҳадсиз хори бор.

Истасанг даврон жафосидин қутулмоқ, эй кўнгул,
Хонақаҳ таркин қилиб майхона кўйи сори бор.

Субҳ янглиғ топмасанг дайр ичра май олмоққа важҳ,
Раҳн учун бўлсун Навоий хирқаю дастори бор.

* * *

Улки опсиз хаста кўнглумнинг юз оҳу войи бор,
Ҳажридин юз минг менингдек ўлса не парвойи бор.

Чарх тонг отқунча йиғлар меҳрин элдин ёшуруб,
Гўё ул саргаштанинг ҳам бир мусофир ойи бор.

Ганжи ҳуснунг янглиғ ўлмиш махзани меҳрим менинг,
Ким неча исроф бирла харж қилғон сойи бор.

Заҳри ҳижронким чекармен, таъмини билгай магар
Бедилеким, бир вафосиз кофири худройи бор.

Ишқ мулкидин хабарлар тонса Лайли тонг эмас,
Ким анинг Мажнун киби пайки жаҳонпаймойи бор.

Меҳрнинг кўрма шафақ ичра шуойи хатларин,
Ким сипеҳр осебидин мужгони хунполойи бор.

Ҳажр аро қилди Навоий қошларинг кўнглида нақш,
Разм элидек иш куни қурбонда икки ёйи бор.

* * *

Қайси бир кўкнинг юзунгдек меҳри олам тоби бор?
Қайси гулшаннинг жамолингдек гули сероби бор?

Зулфидин, эй захмлиқ кўнглум, қутулғунг йўқтурур,
Ким сенинг ҳар ҳалқаи зулфунгда бир қуллоби бор.

Зулфу юзидин дам урманг, тун била кун чашмаси,
Ким бу сумбул бирла гулнинг ўзга обу тоби бор.

Не учун ҳар дам сариғроқтур юзумнинг олтуни,
Бовужудиким юзида ашкдин сиймоби бор.

Сажда гар айлар малак, не тонгким, ул ой қасрининг
Кунгури шаклидин атрофида кўп меҳроби бор.

Давлати зоҳирки маҳбуб айладинг, тарк айлаким,
Қайдингга зулфини долу ломидин асбоби бор.

Юзу лаълингдин Навоий бехуд ўлса сўрмағил,
Бир итингдурким, саҳар вақтида шаккархоби бор.

* * *

Қайси тўбо жилваси сарви хиромонингча бор,
Қайси кавсарнинг зулоли оби ҳайвонингча бор.

Ғунчада гул баргидек тил, жоладек тиш доғи йўқ,
Деса бўлғайму аниким лаъли хандонингча бор.

Қайда сумбулдин насим эскач кирар жисмимға руҳ,
Ким дегаймен оникин зулфи паришонингча бор.

Айламас кўз мардуми ҳаргиз қуёш ичра ватан,
Они дейолмоики холи анбарафшонингча бор.

Новак очмас гар тушар жон риштаси ичра гиреҳ,
Демак они бўлмағайким пуги мужгонингча бор.

Демаким кўнглунгга қўйғум зулм ила доғи ажал,
Сен гумон қилма оникин доғи ҳижронингча бор.

Эй кўнгул, қонингни истарсен табониға ҳино,
Кўзларим хунобн ранги ҳам сенинг қонингча бор.

Урма ҳиммат лофини оллингда бу тоқи сипеҳр,
Фақр кўйинда агар ўз кунжи вайронингча бор.

Эй Навоий, истасанг давр аҳли зулмидин халос,
Ур фано даштиға гому, бораолғонингча бор.

* * *

Қонима ҳар дам кўзунгнинг ўзгача апгези бор,
Ким онинг мужгони бирла ғамзаи хунрези бор.

Лаъли ёди қонға ашким рангини айлар бадал,
Оллоҳ-оллоҳ, не ажойиб лаъли рангомези бор!

Ишқ бошимни кесиб, йўл топқай ул ой кўйида,
Не учунким итлари оллимда дастовези бор.

Ҳажр шоми, қил тамошоким, жамолинг шавқидин
Нотавон кўнглумнинг ўтлуғ оҳидип гулрези бор.

Найлаб ул кўздин бўлай эминки, бемор эрса ҳам
Офият аҳлиға раҳм ойинидин парҳези бор.

Боғ аро гул сочти ноз уйқусидин ул сарв уза,
Тонг насимининг магар парвизани гулбези бор.

Чарх чун бемеҳрдур Парвездек, қопин тўкар,
Меҳрпингким шоми сиймин наълдек Шабдези бор.

Боги даврон гуллари чун бевафодур, тонг эмас,
Кеча гар тонг қушларининг нолаи шабхези бор.

Айб кўп қилма Навоий кўзлари шўробасин,
Кўрки, ул ойнинг не янглиғ лаъли шўрангези бор.

* * *

Ғариблиғда, демонким, ғаму малолати бор,
Ки сендин айру кўнгулнинг ғариб ҳолати бор.

Кўнгул иложини қил, эй қуёш, висол илаким,
Масиҳ дам ура олмас киби малолати бор.

Кўнгул жунуну тилин ақл элини фаҳм эткай,
Ки дарду шавқ каломи била мақолати бор.

Фироқинг илгида чун ўлмадим, бошим қуйидур,
Бу шева зоҳир этар, кимсаким хижолати бор.

Кўнгул жафосидин обод эрурки, бўлди тузук
Ҳарими мулк, агар шоҳнинг адолати бор.

Кетурди лаълинга жоним паёмини, эй гул,
Эшитки, пайки сабонинг ажаб рисолати бор.

Фироқ аҳли чу ғамдин халос эмас туну кун,
Мудом ичарга бу аҳволнинг далолати бор.

Висол руқъаси етмас манга, хуш ул новмид,
Ки қосиди қўлида хатти истимолати бор.

Навоий, истасанг ўзлукни рафъ, мажнун бўл
Ки, ақл пирини кўрдум—басе жаҳолати бор.

* * *

Эрур ҳамиша хазон баргидек бошимда шарор,
Сенга не ғамки, бошинг узрадур ҳамишабаҳор.

Яна нетиб киши қолғой тирикки, чиқтинг маст,
Этакни сончибу ошуфта чирмабон дастор.

Таним чуқур-чуқур ўлмиш, бори бўлуб тўла қон,
Нединки тишлаб-тишлаб қилибмен ани афгор.

Ғубор ичинда қуёш тонг эмас, бу тонгдурким,
Кўрунди юзу хатингдин қуёш ичинда ғубор.

Чу дайр хизматин ортуғроқ айларам, не ажаб
Белимга муғбача зулфайнидин ики зуннор.

Чу урди мавж, бориға умиди ғуфрондур,
Хушо, фароғат ила дурду кулбаи хаммор.

Навоиё, тилар эрсанг замоне осойиш,
Замона фикрига кўнглунгни қўймағин зинҳор.

* * *

Менки ҳижрон даштиға кирдим қуюндек беқарор,
Оҳу вовайлоки, ҳам саргаштамен, ҳам хоксор.

Сончилиб урён танимға ҳар тараф юз минг тикан,
Ҳар тиканни куйдуруб кўнглум ўтидин бир шарор.

Қайдадур Мажнунки, бергай панду чун фаҳм этмасам,
Йиғлағай ҳолимға багри оғриғондин вор-зор.

Ё қани Фарҳодким, ғам тоғини тирноғ ила
Қозғонимдин тешау тоғидин ўлғай шармисор.

Билсам эрди бир замонлиғ ҳажр дарди шиддатин,
Юз йил ўлса васл даври, қилмас эрдим ихтиёр.

Дўстлар, меҳру муҳаббатнинг ниҳолин экмангиз
Ким, бўлур эрмиш анга андуҳи ҳижрон баргу бор.

Эй сабо, келмиш Навоий хаста жонидин батанг,
Элтибон ёр итларини оллида қилғил нисор.

* * *

Ҳар неча еткурса ул шўхи ситамгар интизор,
Найлагумдур тортмай мен зори музтар интизор.

Ваҳ, не тун эрди буким, келгай деб ул шамъи чигил,
Шомдин то субҳ тортармен саросар интизор.

Жон тилар бўлса, равон берай кўнгулким, бу матоъ
Арзимас тортар учун ул ҳур пайкар интизор.

Жавр, лутфи ҳар не келса шодменким, йўқтурур
Ихтиёрим, ёрдин гар ком эрур, гар интизор.

Ҳар кун ул ой интизоридин куюбмен ончаким.
Боқса, бир ҳижрон тунича бор экин ҳар интизор.

Ул қуёшнинг коми даври етса хуштур субҳи васл,
Берса ҳам бир йилча тун чархи мудаввар интизор.

Соқиё, ҳижрон хумори лолу бадҳуш айламиш,
Бермагайсен бизга етса даври соғар интизор.

Ваъда қилдингким келай қатлингға, ваҳ, лутф айлаким,
Асру кўп чекти бу жони ғуссанарвар интизор.

Эй Навоий, чун сабукашсен, қадам ур тезким,
Риндларни қилмасун ногаҳ мукаддар интизор.

* * *

Париваше дедилар пардаи ҳижобдадур,
Кўрарга телба кўнгул они изтиробдадур.

Ити учуп тилар эшкай таноб ул чобук,
Ки элга риштаи жон барча печу тобдадур.

Ҳамул таноб, не тонг, чекса ит киби мени ҳам,
Менинг чу риштаи жоним ҳамул танобдадур.

Хиром вақтида ул ганжи ҳусн эрур ғофил,
Ки иштиёқи не чоғлиқ мени харобдадур.

Манга вафо қилур эрсанг, шитоб қил, эй умр,
Нединки, умр деган бевафо шитобдадур.

Фасона ҳар киши ул ҳуснидин деди, лекин
Жамоли шоҳиди мақсуднинг ниқобдадур.

Ҳисоб айлама умрунгниким, неча ўтмиш,
Ки умри ғафлат ила ўтса, не ҳисобдадур.

Парию ёр Навоийға қилдилар жилва,
Бу бирга роғибу ул бирдин ижтинобдадур.

* * *

Телба кўнглумга хирад аҳли маоши қайдадур,
Телбаға рўзи бажуз атфол тоши қайдадур.

Субҳу шомим саъб эконни билгай, улким билмагай,
Ким кеча ойи қаён, кундуз қуёши қайдадур.

Ул кўзу қоши қароға ойни ташбиҳ айламанг,
Ойининг офатлиғ кўзи пурфитна қоши қайдадур.

Бетаҳоши жон олур деб кўп мени қўрқутмангиз,
Жон берурда менда ҳам борн таҳоши қайдадур.

Гар қуёш ҳажрида тун юзинда анжум ашки бор,
Мендек ул гул ҳажрида гулранг ёши қайдадур.

Даҳр гулзорида гул ишқиға булбулнинг уни,
Гар бийик бўлғой фиғонимдек хароши қайдадур.

Кўйида итлар увуштилар Навоий хастани,
Ким эмас зоҳирки, жисми қайда, бош қайдадур.

* * *

Тийра ҳажр айёмида билмонки, жонон қайдадур,
Кеча не билсун киши хуршиди рахшон қайдадур.

Ишқ даштида югуртурмен қуюнлар оҳдин,
Кўргали бу турфани Мажнуни ҳайрон қайдадур.

Эйки дерсен: ёр еткач бошинга, жон қил фидо,
Эй фидо жоним санга, деким, манга жон қайдадур.

Бир қадаҳ тутқай деб ул кофир, кириб мен дайрға,
Айтинг, эй куфр аҳликим, ул номусулмон қайдадур.

Ишқ аро то итти кўнглум тарки хонумон қилиб,
Билмадимким, ул алохону аломон қайдадур.

Қайдадурким йўқтурур, кўксумни чок эт доғи кўр,
Дема жоноким, ичингда доғи пинҳон қайдадур.

Эй Навоий, демаким, йўқ гулда дилдоримча ҳусн,
Айтким, булбулда доғи менча афғон қайдадур.

* * *

Фиғонки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур,
Ниёзу ажз гуноҳиға муттаҳам қиладур.

Наими васлиға хўй айлаган кўнгулларни
Асири ҳажр этибон мубталои ғам қиладур.

Рақиб беҳуда тақрири бирла юз тақсир,
Заиф ғамзадалар отиға рақам қиладур.

Не ҳукм қилма вафо хайли журмида ғам эмас,
Бу зулм эрурки жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Муҳаббат аҳлини, во ҳасрато, куюб ўртаб,
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос кам қиладур.

Чу гул вафосиз эрур неча асраса, ваҳким,
Кўнгул қуши гулистондин эмди рам қиладур.

Замона ўқ киби тузларни синдуруб ёдек,
Аларки эгридурур, шаҳға муҳтарам қиладур.

Навоий ўлгай эди бўлмаса умиди висол,
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

* * *

Биров гами яна кўнглумга қўзголон соладур,
Биров демайки, бу ошубии фалон соладур.

Неча яқин бўладур ул оғиз йўқи, лекин
Такаллуми яна кўнглум аро гумон соладур.

Таажжуб айламангиз дафъа-дафъа фарёдим
Ки, шавқи кўнглума ёдин замон-замон соладур.

Рафиқлар, билингизким, мусофирим ёди
Бошимға ҳар нафас тарки хонумон соладур.

Десам шикеб била ўзни забт айлай, ишқ
Яна бу шўълани кўнглумга ногаҳон соладур.

Не навъ булбули зор этмасун фиғонки, сипеҳр
Бу гулшан ичра баҳор ўлмайин хазон соладур.

Навоий ўлса кўҳан пиру куйса айб этманг
Ки, мундоқ ўт анга бир шўхи навжавон соладур.

* * *

Шуълаи рухсорига кўнглум қуши айлонадур,
Тонг эмас, гул шамъига булбул агар парвонадур.

Булғониб кулга, яқосин чок этар ҳар субҳ чарх,
Бир қуёш ишқида гўё мен киби девонадур.

Йиғлар аҳволимға ҳам бегонау ҳам ошно,
То улусқа ошно ул ой, манга бегонадур.

Эйки, сўрдунг ҳажр виндони балият чоҳини,
Хайра мақдам келки, сен сўрғон бизинг кошонадур.

Кирпик узра қатраларким топти бу кўз мардуми,
Мазраи дард узра гўё ул экин, бу донадур.

Зор жисмимда сўнгакким, билгурур дандонаси,
Гўиё кўнглум уйининг фаршиға дандонадур.

Соқиё, даврон эли паймонидин ёд этмагил,
Давр аёғин тутки, матлубум менинг паймонадур.

Эрмас ул фарзонаким, тарк этти дунё ҳосилин,
Балки ҳосил қилғали майл этмаган фарзонадур.

Эй Навоий, сўзла воқиъ достоним ишқ аро,
Ким бу дам Фарҳоду Мажнун қиссаси афсонадур.

* * *

Паривашим қаро бўркинки бир ён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур.

Хат эрмас, улки чиқориб суйини меҳри гияҳпинг
Қуёш саҳифасида раҳмат ояти битилибдур.

Не навъ синграмойин ҳажр ароки, бағриму кўнглум
Фироқ игналаридин ўта-ўта тешилибдур.

Далил эрурки кўнгулларни қилмиш ўлғасен озод,
Буким салосили зулфинг тугунлари ешилибдур.

Масиҳ игнаси Марям игиргоп ип била гўё
Чекилиб эгнига жонбахшлиғ тўни тикилибдур.

Агар Масиҳ дуоси ўлукни тиргизур эрди,
Не нутқ эрурки, сўкунчунг била ўлук тирилибдур.

Тўла қадаҳ керак ичсам, кўнгулни қилғали холи,
Ки анда давр элидин дарду ғусса кўп йиғилибдур.

Фалак дақойиқидин кимса бош чиқормади ҳаргиз
Ким, ушбу риштанинг асру тугунлари чигилибдур.

Кўп этма ваъда Навоийға васлу қилма тамасхур,
Ки бу маҳол иш эрконни ул ҳам эмди билибдур.

* * *

Сарвдин гул бутмаса, қад узра рухсори недур?!
Жон агар ширин деса, лаъли шакарбори недур?!

Номаи ҳажрим кабутар парларин гар ўртамас,
Ул қаро хатлар қаноти узра ҳар сори недур?!

Оразу зулфунгда кўнглум кофири ишқ ўлмаса,
Бас анинг бир сори бут, бир сори зуннори недур?!

Риштаи зулфиға боғлиғдур кўнгул, ул шўхнинг
Тифл қуш судрар киби ҳар сари рафтори недур?!

Ишқ даштида кўрунган ерга тушмиш эрди ўт,
Билдим анда ўтдур, андин билмадим нори недур?!

Сабзхатлар васли ҳоло муғтанамдур, эй кўнгул,
Ким билурким, иқтизойи чархи вангори недур?!

Гар итинг дебтур: «Навоий қилмади меҳмонлиғим»,
Кеча тишлаб-тишлаб олған жисми афгори недур?!

* * *

Ўлмасам бу кеча, ранжу дарди ғавғоси недур!
Итларингнинг ҳам бошим узра алолоси недур!

Ҳажр шоми тийралик бирла мени девонани
Чун ҳалок этти, яна бошинда савдоси недур!

Ғам туни жоним уқубатлар била гар олмаса,
Ўрнидин тебранмай анжумнинг тамошоси недур!

Жисм уйи вайрон бўлуб, сабру қарору ақлу ҳуш
Қолмади бир, эмди аҳли ишқ яғмоси недур!

Телба кўнглум, иттингу жонимни барбод айладинг,
Ёна келдинг, эй маломат дашти расвоси недур!

Хилқатимни ишқ нобуд эттию чекмас илик,
Эмди билмонким, анинг оё таманноси недур!

Савту ҳарф ичра чу сиғмас ишқ сирри, эй фақиҳ,
Қилу қол аҳлининг оё лоу иллоси недур!

Чун азалда ҳар не қисмат бўлди, кўрмай чора йўқ,
Халқ ўз комин ўзидекдин таваллоси недур!

Эй Навоий, ишқ аро чун йўқтур имкони висол,
Телба кўнглум хотирида мунча васвоси недур!

* * *

Рух гулзорида, ё раб, ул не сарви ноздур,
Ким равоибахш эриига руҳулқудус ҳамроздур.

Оллоҳ-оллоҳ, не латофатдурки, кирдим боғ аро:
Сарви мингдин кўптурур, лекин бир андоқ оздур.

Ул пари ишқида ғолиб бўлди руҳониятим
Ким, анингдек ҳам онинг сори ишим парвоздур.

Эрди жон бермак Масиҳ анфоси, бу ким юз масиҳ,
Жон топар анфосидин — бас булажаб эъжоздур.

Ишқини пайлаб ниҳон асрайки, хавфи ғамзаси
Дам-бадам хунобаи ашким киби ғаммоздур.

То не бўлғай ишқим анжомики, жоним қолмади,
Шавқидин бу дамки ишқим даврига оғоздур.

Гул висоли бир неча кун беш эмас, эй андалиб,
Йўқса андин бенавомен, қишдурур гар ёздур.

Даҳр боғининг гулида йўқ вафо, бу турфаким,
Сарзанишқа хори юз минг тил била таннoздур.

Бўлди гулшан қушлари хомуш ноланг ҳузнидин,
Эй Навоий, бу не гулбонгу ҳазин овоздур.

* * *

Икки гул вақти доғи икки қуёш давронидур
Ким, кўнгулда ул ики ораз ғами ҳижронидур.

То латофатдин лабинг шавқи тушубтур жон аро,
Гўиёким, ул мунга тандур, бу аниинг жонидур.

Кўзда ҳар сари қизил раглар демаким, мардумин
Ғамзанг урди захмлар ҳар ён югурган қонидур.

Мултафит бўл ҳолатим шарҳиғаким, бу достон
Шаҳр аро ҳар кўйининг бошида эл достонидур.

Ҳар қуюн ғам дашти ичра кўрса Лайли соғинур
Ким, хасу туфроғ аро Мажнуни саргардонидур.

Улки то мумкиндурур кўрмиш фалакдин эътибор,
Бас мазаллат ҳам керак кўз тутса то имконидур.

Асрангиз ўзни Навоий шўълаи афғонидин
Ким, бу оқшом фурқати ошубининг туғёнидур.

* * *

Дуд янглиғ дема кўнглум оҳи дардолудидур
Ким, кўнгул узра туган қўйғон фатилам дудидур.

Абри ҳасрат ёмғирию тирборони фано
Кисвати мавту ҳалоким хирқа тору пудидур.

Дард нақшин қилди ҳар доғим уза султони ишқ,
Ул дирамларнинг бу гўё сиккаи беҳбудидур.

Ишқнинг савдоси жонимға зиёндур демаким,
Ҳар киши мундоқ зиён ишқ ичра қилса судидур.

Хўблар кўйида истиғно елидин ҳар ғубор
Ким, қўпар бир нотавоннинг жисми ғамфарсудидур.

Жавҳари жоним олиб тут журъае, эй муғбача
Ким, бу нақд аҳли фанонинг будию нобудидур.

Дер Навоий бўлса муғ дайрида масту жомачок
Ким, тирикликдин бу султонлиғ анинг мақсудидур.

* * *

Гўиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур,
Ким хаёл ичра қилур ҳар айшким имконидур.

Ҳуснию ишқим камол ичра яқиндурларки, бор:
Ул менинг ҳайрониму олам онинг ҳайронидур.

Тутмамиш рангин булут кўкники, оламни тутуб,
Акс кўк миръотиға солғон сиришким қонидур.

Сарсару тўфон етар, эй халқ, ўлунг огоҳким,
Оҳу ашкимнинг бу ақшом ҳажридин туғёнидур.

Чуғз бўлмиш ганжи васлинг шавқидин кўнглум қуши,
Захми кўп кўнглум уйи ул чуғзнинг вайронидур.

Ҳуснға чун йўқ вафо, бас тут вафони муғтанам,
Неча кун, эйким, санга маҳбублуғ давронидур.

Ишқ даштида Навоийдур, қуюн қилманг гумон,
Ким тани хоки била бир шўх саргардонидур.

* * *

Ул пе раъпо қомату рухсори фаррухфолдур
Ким, ҳавас идрокидип лолу хирад беҳолдур.

Жоп ўлардин, доғи ғамзанг ўлтурурдин тўймади,
Оллоҳ-оллоҳ, ул пе мақтулу бу не қаттолдур.

Ақл пириким малак хайлиға эрди муқтадо,
Ул пари ишқи аро бозичаи атфолдур.

Ҳуру тўбо келмаса оллипгға, эрмас айбким,
Не бу хам қаддипгдурур, не ул санга тимсолдур.

Чун нишимап қилди ҳуснунг боғида кўнглум қуши,
Ўзга гулшанға қилурдип майл фориғболдур.

Ваҳки, чиқти шаҳсуворим секретиб майдонға маст,
То не динлар накди рахши оллида помолдур.

Бас манга мунча шарафким, бергамен нисбат анга,
Ҳолима андин агар идбор, агар иқболдур.

Кир харобот ичра, эй ҳамдамки, даврон аҳлидин
Ранжи гуногун давоси жоми моломолдур.

Дединг ўлтургум Навоийнию айларсан ҳиял,
Ул худ ўлди интизор ичра, бу не эҳмолдур.

* * *

Ёна бу ақшом бузуғ кўнглум басе бадҳолдур,
Тан бузуғ зиндонида жон ҳам хароб аҳволдур.

Рўзгорим тийраликдин юзу холинг ҳажрида,
Рўзгори хиракаш рухсори узра холдур.

Ахтари идборим онинг барча наҳсият била,
Толеъимнинг авжи узра кавкаби иқболдур.

Пири ақлимким, манга манъи жунун айлар эди,
Бир париваш кўйида бозичаи атфолдур.

Нотавон жисмим жунун даштидаким бўлмиш хаёл,
Дема Мажнун жисмидинким, руҳидин тимсолдур.

Жаннати кўюнгда тан соирдурур, кўнглум итиб,
Шукр, ул учмоғда жисмим эмди фориғболдур.

Кўнглум олди ишқу итти ақлу, сабру дин, бу дам
Ул бузуғ мулк ичра золим шаҳға истиқлолдур.

Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғким,
Чархдин ул саркаш ўлди, бу доғи помолдур.

Эй Навоий, ёр ҳажри дардида ўлмакдур иш,
Чун тирилгунг йўқтур, истарга бу не эҳмолдур.

* * *

Кўнгул ичра гам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи доғи қоттиқ аламдур.

Ема дарду андуҳдин ғамки истаб,
Топилмас будур бўлса бу мугтапамдур.

Хуш ул дардким юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки хотир аро дам-бадамдур.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ,
Ки бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Манга ишқ дарди эмас муҳлику бас,
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, оллинда олам вужуди адамдур.

Мақом этса туфроқ уза тахти Жамшид,
Сафолики, ул май ичар, жоми Жамдур.

Қадаҳ важҳи гар шайхдин ҳосил армас,
Не гам дайр пири чу соҳиб карамдур.

Навоий ичар бода ул шўх тутқоч,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.

* * *

Мен киби парвона ишқ ўтида беоромдур
Ким, ани ҳам ўртаган бир сарви сийм андомдур.

Ком ила исломсиз ўлмак, эй мусулмонлар, не тонг,
Мендек улким қотили бир кофири худкомдур.

Туну кун оқу қаросин найлайин менким, манга
Орзу бир лаҳза сабзу орази гулфомдур.

Холу зулфунг сайди бўлмоққа магар ҳам жон қуши
Ким, анингдек қушқа лойиқ дона бирла домдур.

Айшдин давронда наргисдек ул олғай баҳраким,
Оллида беш қурси кофур ичра олтун жомдур.

Чун замон аҳли замона ранги тутмоқдур зарур,
Даҳр нофаржом учун эл ҳоли нофаржомдур.

Эй Навоий, чун замона аҳлида йўқтур вафо,
Ҳар неким йўқтур тамаъ тутсанг, хаёли хомдур.

* * *

Нетиб туз этай қадким, жисмимда тиканлардур,
Найлаб туз урай дамким, бағримда тиканлардур.

Тирноғ ила хатларким, рухсорим уза чектим,
Юз боғида гуллардин ҳар сари чаманлардур.

Юз ёптию жон олди, очқанда равон олди,
Ўлтургали ошиқни билмон бу не фанлардур.

Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда ғубор эрмас,
Афтода кўнгуллардур, фарсуда баданлардур.

Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб эмди,
Қатл айладилар асру бад аҳд эканлардур.

Майхонада ҳар сари бир мастки, бош қўймиш,
Кирпиклари гўёким жонларға ватанлардур.

Жисмида Навоийнинг юз момуғ ила марҳам,
Бир неча ўқунг вахми бир неча туганлардур.

* * *

То турраси торида ҳар сори тугунлардур,
Заъф ичра сўнгаклардин жисмимда бўғунлардур.

Дарёю булут эрмаским, оҳ ила ашкимдин
Ҳам ер юзида кўллар, ҳам кўкта тутунлардур.

Шак йўққи, ёрутқайсен кулбамдағи зулматни,
Ҳажрингда менга, эй ой, билсангки, не тунлардур.

Овораю саргардон ишқ аҳлиға боқ ҳар ён
Ким, водийи дард ичра не навъ қуюнлардур.

Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрнида олур жон,
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур.

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зоҳид
Ки, сабр илиги тиккан хирқамда юрунлардур.

Ичганда Навоий май дайр аҳлига суд ўлмиш,
Солғил қулоқ, эй носиҳ, ул ёнки не унлардур.

* * *

Оллим ул ой саждасидин реш эрур, ҳолим будур,
Тоати мақбулум улдур, доғи иқболим будур.

Ўқларидин қушдек ўлдум, жонға ул кўй орзу,
Учмоқ истармен вале кўрким, пару болим будур.

Бас, ғанимен кўҳи ғам бирла жунун тоши аро,
Ийнак-ийнак тахту жоҳим улдуру молим будур.

Ёр шавқидин ўлар ҳолатдадурмен, эй табиб,
Не иложинг бор менинг худ заъф аҳволим будур.

Чўмғали қўймас қуруқ найдек сўнгаклар ашк аро,
Турфа кўрким баҳри бепоён аро солим будур.

Топмайин дунёда коме динни барбод айладим,
Ҳайф дўзах ҳам манга, биллаҳ, гар аҳволим будур.

Эй Навоий, гар ўларда жон талашсам қилма айб,
Дермен ул ойни кўруб, жон берсам эҳмолим будур.

* * *

Ул қуёштин айру ўртанган ичимда қайғудур,
Кўнгул ичра сув кибп қон кўз аро қондек судур.

Тишларингни соғиниб кўп йиғларимдип кўз ёшпм,
Бир-бири кейнича андоққим тизилган инжудур.

Кўз ёшим ичра ёруғ кўнглум қаронғу бўлғали,
Тонг эмас невчунки ул ёшларға тушкан кўзгудур.

Ул туганким телбараб иткон кўнгулга ўртадим,
Қай сари борса ул ойнинг қуллуғиға билгудур.

Кўзума келмас очуқ келганда ул юз оллима,
Онча яхши англамас кўзким қуёшқа ўтрудур.

Қайғу ўлтурди мени, тутқил аёқчи тустуғон
Ким, чоғир қайғуни ўлтурмакка аччиғ оғудур.

Деб эдинг олғум Навоий кўнглин, олғоч ўртадинг,
Яхшилар олмоқ ёмонлар кўнглини мундоқмудур.

* * *

Ул саводи хатмудур ё сабзаи жаннатмудур,
Ё қуёш узра ёзилған ояти раҳматмудур?!

Буки сенсиз куйдурур жонимни, билмон яхшиким,
Юз томуғнинг ўтиму, ё шўълаи фурқатмудур?!

Эйки, дерсен лабларимдин ҳожатинг недур, дегил
Мен сусиз, ул чашмаи ҳайвон демак ҳожатмудур?!

Демаким, не эркин ул ойнинг қуёшқа нисбати,
Бир-бирига иккисин ўхшатқуча нисбатмудур?!

Қаддини кўргач ҳам ўлдум, ҳам тирилдим оллида,
Рост гар дерсен қиёмат де, анинг қоматмудур?!

Даъвии ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин ҳимматмудур?!

Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди, айб эмас,
Юз туман муҳлиқ, бало дегил ани, меҳнатмудур?!

* * *

Қасрнинг ҳар кунгури узра бало тошимудур,
Йўқса ботил ишқ даъви қилғон эл бошимудур?

Бир ҳумоюн қуш кеча садқанг бўлур, эй муғбача,
Қоф анқосимудур ё дайр хуффошимудур.

Ғам туни, билмон, шафақдур ё фалак миръотида
Акс кўргузган кўзумнинг лаългун ёшимудур.

Кофирему қатл айлар Каъба тоқи ичра маст,
Йўқса ул хунрезнинг усрук кўзу қошимудур.

Боғбонким сарв узра айламиш пайванд гул,
Сарв бўйлуқ гулрухумдур, йўқса бўйдошимудур.

Илгида жому кўрар май ичра олам ҳолини,
Ё раб, ул Жамшид ё майхона қаллошимудур.

Тонглоғи кавсар учун, дерсен, букун май ичмагил,
Тек тур, эй зоҳид, Навоий сен киби ношимудур.

* * *

Қилғали азми сафар улким менга дилхоҳдур,
Огоҳ ўз ҳолимдин эрмасмен, худо огоҳдур.

Мен чу ҳажридин чекиб юз меҳнат ўлдум, ваҳ, не суд,
Буки шайдо кўнглуму жоним анга ҳамроҳдур.

Эй насими васл, эсиб жисмимни жонон сори элт
Ким, фироқи заъфидин андоқки барги коҳдур.

Деманг ул ой узра солмиш соя бир мушкин булут,
Гўиё мен тортқан ҳажрида дуди оҳдур.

Ҳар нафас урду сари руҳум қуши айлар ҳаво
Ким, олиб кетган кўнгулни бир маҳи хиргоҳдур.

Англағил аҳбоб қадринким, булар бўлмай не наф,
Гар сенга афлок авжи узра тахти жоҳдур.

Эй Навоий, бежиҳат ёр этса ҳижрон ихтиёр,
Сўз демак бўлмас нединким, сен гадо, ул шоҳдур.

* * *

Кеча ҳар кавкаб кўрингач, ёдима ойим келур,
Ой чу толеъ бўлди, меҳри оламоройим келур.

Зуҳду тақво бутрашипгким, бу кеча май ичгали
Байтул-аҳзонимға шўхи бодапаймойим келур.

Бу сариғ юзунгни кўрмаски, қилғай кўнгли раҳм,
Баски, юзга қонлиғ ашки чеҳраолойим келур.

Ваҳ, пе ҳижрондур буким, айлай десам зикри висол
Дам-бадам оғзимға оҳи меҳиатафзойим келур.

Шайх ибриқу ридосин чун кўрармен, ёдима
Дайр аро паймона бирла бодапоройим келур.

Озими дашти фапо бўлдум, келур Мажпун доғи,
Гар қадам тез урмон андиндурки, ҳампойим келур.

Кўзлару жону кўнгулда манзил эт ораста,
Эй Навоийким, букуп маҳбуби худройим келур.

* * *

Назарға қайси тарафдинки бир ғубор келур,
Кўзум ёрур бу таманно билаки, ёр келур.

Чу кўчадин қулоғим дубдурун эшитса кўнгул,
Дукулдор ўйлаки ул нозанин сувор келур.

Боқар ёна сори кўрмаска солибон ул шўх,
Қошида қай соридинким бу беқарор келур.

Қочинглар, аҳли саломатки, кофири масте
Чиқарғали хираду сабрдин дамор келур.

Кўруб, бўлурлар ошуфта рўзгор эли,
Қаю тарафки бу ошуфта рўзгор келур.

Буким бири-бири кейнича бордилар аҳбоб,
Азоларига сиришким тузуб қатор келур.

Навоиё, қаламинг жавфи баҳр йўлимудур,
Ки турмайин ичидин дурри шоҳвор келур.

* * *

Ҳам кўзум тортар, ҳамул мезон била кўнглум солур,
Ё раб, ул келгаймуким кўз ёрутуб кўнглум олур.

Тортсам кўнглум футури шиддатидин қотиғ оҳ,
Даҳр боғи соврулуб, афлок доғи қўзғолур.

Ваҳки, захмининг исидин майл ҳам қилмас итинг,
Ғусса тийғидин нечаким зор жисмим тўғролур.

Тоқатим гар қолмади тортарға меҳнат тоғини,
Не ажаб бу юкни гар афлок чекса товшолур.

Сўзи ҳажринг дафъи ҳам бўлса кўнгулда доғи бор,
Ўт ўчар, лекин асар ёнғон макон ичра қолур.

Бас тўладур жоминг, эй соқий, илик титратмаким,
Мен ичай ондинки, тўккунгдур ани гар чайқолур.

Эй Навоий, ишқ ўтин кўз ёшидин паст айларам,
Лек ҳар дам ул қуёш ёди ичимга ўт солур.

* * *

Ҳар қачонким хотиримға ул кўзу қош эврулур,
Ҳам қошимға чин тушар, ҳам кўзума ёш эврулур.

Ул ой отқон тошни кўксумга солдим чокидин,
Суртсам ҳар ён илик, кўксумга ул тош эврулур.

Мен ниҳонмен заъф бирла ваҳмдин ўлтурди рашк,
Гулшани кўйидаким боди сабо фош эврулур.

Эй жунун арбоби, саргардонлиғим афсонасин
Гўш қилмангким, эшиткандин ани бош эврулур.

Бас улуғ тоатдур ул бут сувратин қилмоқ назар,
Чун анинг нақшин кўруб, хотирға наққош эврулур.

Келки, бу дайри кўҳан вазъиға ҳайрондур басе
Ким, тун анда сиймгун юз нақш хаффош эврулур.

Нақди жон бирла Навоий азм этар майхонаға,
Ҳар қачонким кўнглига ул шўхи қаллош эврулур.

* * *

Музтариб кўнглум аро ул юз хаёли айланур,
Мавжлуқ сувда қуёш акси начукким чайқанур.

То узори жилва айлар—жилвагардур вулфи ҳам,
Меҳр то айлар таҳаррук—соя доғи тебранур.

Чун улусқа ишқи ўт солди, ажаб йўқ куймаким,
Бешаға чун тушти ҳар ён шуъла, хас ҳам ўртанур.

Эгма қад бирла мени саргаштадурмен музтариб,
Токи чавгон азмиға билдимки, ул шўх отланур.

Шўхлиқ расмин анга таслим этарлар хўблар,
Секрамакта ўйлаким учқун чақинға ўтканур.

Айлайолмас оразингдин ўзга ён кўнглум ҳаво,
Қуш ўзин машъалға чун урди—қаноти чурканур.

Соқиё, бер майки, ғам шоми хумори ҳажрдин
Бир паришон туш кўруб, бу хаста ҳар дам сесканур.

Кимки жон айлаб фидо, қозғонса даҳр аҳлида дўст,
Англағил, эй дўстким, ул душмани жон қозғанур.

Эй хуш улким, бошининг остидадур дилбар қўли
Ким, Навоий кечалар бори ўз илгин ёстанур.

* * *

Ишқдин, ваҳким, манга ҳар лаҳза ҳоле юзланур
Ким, бузулғон кўнглума андин малоле юзланур.

Ёрға ўзни тахайюл бирла махсус айлабон,
Ул хусусият аро ҳар дам хаёле юзланур.

Чун хаёл илгида бўлди потавон кўнглум асир,
Бошиға ҳар лаҳза савдои муҳоле юзланур.

Васл савдосидин ўткарсам эмас мумкин дебон,
Хотири ичра анинг ҳам эҳтимоле юзланур.

Маҳвашимни сўзга тортармен тахайюл кунжида,
Ҳар сўзумга ким жавоб айтур, саволе юзланур.

Истамон онинг хаёлин доғи қилғоймен малул,
Бас қилурмен, гарчи ҳар дам қилу қоле юзланур.

Васлини онинг хаёли бирла қилмасмен бадал,
Гарчи ҳар соат манга соҳибжамоле юзланур.

Чиқ бу гулшандинки, паст истар бошингни ер киби,
Онда ҳар дамким санга саркаш ниҳоле юзланур.

Эй Навоий, ёр зулфу қоматидин бўлғуси,
Гар паришон хотирингға эътидоле юзланур.

* * *

Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур,
Асрасам кўнглумда жону жисми ғамнок ўртанур.

Меҳр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам, дам урсам афлок ўртанур.

Бас таним ўртарға қонлиғ новакинг, ҳижронни қўй,
Барқ не ҳожат бир учқун бирла хошок ўртанур.

Шамъ ўти моҳиятин англай деган парвонадек,
Оразинг меҳрини фаҳм айларда идрок ўртанур.

Ишқ аро кўнглум неча толиинса ортар шуъласи,
Ўтқа тушган телба қилғон сойи топок ўртанур.

Ашк юб жисмим кудуратдин қурутмиш оҳ ўти,
Ламъае тушгач узоринг барқидин пок ўртанур.

Эй Навоий, чун рутабдек оташин лаъли аро
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлуб хок ўртанур.

* * *

Кечаким зулфунг хаёли кўнглум ичра ойланур,
Тонгға тегру заъфлиқ жисмим йилондек тўлгонур.

Даргаҳингда бир заиф ит бирла мен ҳар кечаким,
Гаҳ танин бошим, гаҳи боши танимни ёстанур.

Эй пари, мажнуи кўнгул сўзидин ўзни асраким,
Барқи оҳидин малойикнинг қаноти чурконур.

Мен киму уйқуки, ҳижрон шоми оҳим суридин,
Деса бўлғай сўнгғи уйқу элтган эл уйғонур.

Гар забун бўлсам ажаб эрмаски, тушса ишқ аро
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрганур.

Оташин рухсор ила куйдурма асру элники,
Шамъ юз парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

Сарвқадлар жилваси, тонг йўқ, Навоий оҳидин
Доимо ашжор ел таҳрики бирла тебранур.

* * *

Заъфлиқ жисмим қачоп нозик танингга чирманур,
Зулфунг икки тори гўё бир-бирига тўлғанур.

Қоматингға сарв тақлид айлабон солди шикает,
Бу сазодур гар гиях сарви сиҳиға ўтканур.

Зулфунга ҳамсарлиқ этмак ўзда топмас нечаким,
Сунбули мушкин қуюндек ўз-ўзига айланур.

Воқиф эркин ишқ ўтининг сўзидин ҳусн аҳликим,
Шамъ агар парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

Ўйнамоқ бирла солур давронға рахши қўзғолон,
Ҳар қачонким базмдин ул шўх усрук отланур.

Бу чамапда тортибон булбул тонг отқунча фиғон,
Ишқ дарсин гўиё гул дафтаридин ўргапур.

Дема сарғарди Навоийнинг юзиким, ишқ аро
Бўйла олтунни қилурға поймолипг қозғанур.

* * *

Кўнглум ўтин зоҳир этсам барча олам ўртанур,
Шўъласин гар тортсам тўққуз фалак ҳам ўртанур.

Момуғ узра босибон кофур қўйманг доғима
Ким, момуғ доғи туташур, ҳам бу марҳам ўртанур.

Гар ғаминг сўзокидин кўнглум куяр, эрмас ажаб,
Ҳар кўнгул ичраки тушти шўълаи ғам, ўртанур.

Айб эмас ҳар лаҳза оҳим шўъла чексаким, кўнгул
Бир юзи ўтлуқ фироқи ичра ҳар дам ўртанур.

Ишқинг ўти учқунидин жисмим андоқ куйдиким,
Барқ хошок узра тушса, бу сифат кам ўртанур.

Қайнабон кўз чашмасидин ашк жисмим ўртади,
Етса жўшон су қаю узв узра маҳкам ўртанур.

Эй Навоий, кўнглум ўти узра су қуй бодадин
Ким, кўнгул ул ўтқа етмас бўлса бу нам ўртанур.

* * *

Чун мени мажнун бошин атфол тоши синдурур,
Оҳ ўти жўлида сочимдин анга кийз куйдурур.

Аҳли диллар, чеҳра очти ёр, очманг дийдаким,
Ҳар киши ул юзга кўз олдурди, кўнглин олдурур.

Кўргач ул юзни бошимға урди юз тиғи бало,
Кўрки, чиққур кўз бошимға не балолар келтурур.

Кўзда асрабмен бағир қонин тилар бўлсанг ҳино,
Суртсам кўзни аёғингға ҳамул дам билгурур.

Булажабliқлар жунунум ичра кўрким, халқни
Ишқ бир дам йиғлатур ҳолимға, бир дам кулдурур.

Навбаҳори ҳуснини деб топма фириб, эй шўхким,
Чарх даври навбаҳор ўтмай хазонин еткурур.

Эй Навоий, ҳажр андуҳида маст ўл зинҳор
Ким, кўнгулдин ғамни бир дам зойил этган майдурур.

* * *

Эй фалак, ҳижрон ғамидин хотирим ношод эрур,
Ғайри васл ар салтанат берсанг, манга бедод эрур.

Бас неча мужримға бир жаллоди ғамзанг хайлидин,
Бир ёзуғлуқ зор кўнглумга неча жаллод эрур.

Ноз ила гулшанға чун кирдинг—ниҳоли қаддинга
Банда бўлғоп сарви позу савсани озод эрур.

Дам-бадам етмайдур эрса ишқ зулми кўнглума,
Ҳар дам ул мазлуми меҳпаткашқа не фарёд эрур.

Неча йиғсам сабр авроқию тоат хирманин,
Сарсари ишқинг етишкач, сарбасар барбод эрур.

Нўш этиб жоми фано, қуйсам риё, айб этмаким,
Дайр пиридин манга, эй шайх, бу иршод эрур.

Дард мулки, ғам сипоҳи ғусса нақдин арз этиб,
Эй Навоий, ишқ элига арз истеъдод эрур.

* * *

Не нахл қомат экинким, кўнгул хароби эрур,
Не турраким, қора жонимда нечу тоби эрур.

Деди кўзи: сени бир ғамзада ҳалок айлай,
Ҳануз ғамзада кўнглумда изтироби эрур.

Фироқ шомики, аҳли хирад берур пандим,
Магарки дўзах улу бу опинг азоби эрур.

Жамолдин ғараз ул чеҳрадур, бу турфа варақ
Магарки ҳусн китобининг интихоби эрур.

Танимда юз алифу юз тугандин ўлғоп сифр,
Магар кўнгул аламу ранжининг ҳисоби эрур.

Сабо насими анингдек эсар чамандинким,
Дегайсен, аҳли вафо умрининг шитоби эрур.

Навоий ўлдию жон топти лаългун майдин,
Магарки соқийи гулчеҳра лаъли лоби эрур.

* * *

Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,
Кўзума сенсиз гулафшон боғ хор афшон эрур.

Дафъа-дафъа гул сочилмайдур гулафшон боғида
Ким, менинг гулгун ёшимдин қатра-қатра қон эрур.

Баҳру тоғ этманг гумонким ул бири кўзумга ёш,
Бу бири кўглумга дарду миннати ҳижрон эрур.

Дема бир дамда булут кўкни не навъ айлар ниҳон
Ким, бу мушкул дуди оҳим оллида осон эрур.

Буки ҳар ён чоқилур барқу ғирев айлар булут,
Кўнглума ул шуъла оҳу, бу бири афғон эрур.

Йўққи, турмас бир замон ёмғурки бир ой ҳажридин,
Ашкбор икки кўзум селобидин тўфон эрур.

Ақлингиз бор эса қилманг ёр ҳажрин ихтиёр
Ким, бу ишни улки қилди, мен киби нодон эрур.

Ким майи васл ичтиким, ҳижрон хуморин чекмади,
Хорсиз гул даҳр боғи ичра не имкон эрур.

Дўстлар, қилманг Навоийға насиҳатким, бу кун
Ҳажр дардидин бағоят бесару сомон эрур.

* * *

Оразинг хуршиду оғзипг заррадин тимсол эрур,
Зарра узра нуқта янглиғ оғзинг узра хол эрур.

Кокулунгдур мушку устида гиреҳ мушк узра «мим»,
Қоматинг шамшоду зулф остида тушган «дол» эрур.

Қошу қадду зулфидин пайваста то наълу алиф,
Танда кестим ноладин озурда жисмим нол эрур.

Чун дедим: «Холинг била кўз мардумининг ҳоли бор»,
Деди улким: «Хол дейсен, нуқтасиз ҳам ҳол эрур».

Нукта дер ҳолатда тор оғзингни кўргузган лабинг,
Гўиё занбур нешидин тешилгон бол эрур.

Дуркашмен пири дайр оллида мақбул ўлғоли,
Давлат аҳлининг қабули кўрки, не иқбол эрур.

Соқиё, гар давр таъжилин кўруб қон йиғламас,
Бас, Навоийдек сурохи ашки невчун ол эрур.

* * *

Улкй юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур,
Анга раҳму манга тоқат йўқ, ажойиб ҳол эрур.

Зеб эрур ҳусн аҳлиға аҳли назар наззораси,
Кўзки булбул тикти гул рухсори узра хол эрур.

Хатти шавқидин тўкулди жисмим ул янглиғ қуруб,
Ким сўнгакларда қалам кўрган соғинғой пол эрур.

Лаълидин ком олмагунча билмадим ширинлиғин,
Барги гул замбур коми ичра киргач бол эрур.

Гулхани Мажнундек оҳим чиққач оққон ёшларим,
Телба кейпидип югурган гўиё атфол эрур.

Бу чаман гулбарги хушранг ўлса, майл этмангки ул,
Ғоза булбул қонидин суртарки, ранги ол эрур.

Эй Навоий, кимгаким бир журъа чекти жоми васл,
Сўнгра ҳижрон заҳридин юз жоми моломол эрур.

* * *

Нуқтаи холингки кўздин доимо маъдум эрур,
Нуқтаи хол эрмас улким, нуқтаи мавҳум эрур.

Тонг эмас ул нуқта гар кўздин ниҳондур, ваҳ не тонг,
Мардумин кўрмаклигидин кўз агар маҳрум эрур.

Баски холи кўздадур бўлмиш жаҳон бир сафҳаким,
Рамл машқи янглиғ онда нуқта-ўқ марқум эрур.

Ахтари бахтимдурур ул хол, йўқса кўрмадук,
Кавкаб андоқ тийраким хуршид уза маълум эрур.

Холи рухсоринг кумуш маснадда Ҳиндустон шаҳи
Оллида саф тортибон хат, тобеъу маҳкум эрур.

Эйки, майдин холи эрмас, деб мени таън айладинг,
Бори кўргуз ониким бу дайр аро маъсум эрур.

Доғи пинҳондур Навоий кўнглига, эй лоларух,
Нуқтаи холингки кўздин доимо маъдум эрур.

* * *

Захмим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд эрур,
Ваҳ-ваҳ, туз эрмиш улки мен қилдим гумонким, қанд эрур.

Ўтсанг ғамим саҳросидин, қонлиғ кўнгул ажзосидин,
Ҳар лола баргин англаким, бир доғлиғ парканд эрур.

Кўюнгда мунглуғ жонға тан, юз захм иландур хирқаи
Марҳам била қўйиғон момуқ ҳар ён анга пайванд эрур.

Мажнун кўнгул қилмас ҳаво ҳар ён ўқунгдин гўиё,
Ким бу темур бирла йиғоч ҳабсиға онинг банд эрур.

Боққоч қуёш рухсориға андин қилурмен кўз ёши,
Ким ул мусофир ойима ҳусн ичра бас монанд эрур.

Ғам барқию меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин
Тонг йўқки, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.

Дунё аруси зулфини тутқон не огаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Минг нола тортиб кўрмай ул гул враслин охир ўлгоним,
Бу боғнинг булбуллари гар билсалар хуш панд эрур.

Кўз учи бирла боқтингу қийдинг Навоий кўнглини,
Билдинг оникиим бир қиё боқмоққа ҳожатманд эрур.

* * *

Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур,
Ғам емон гар ул қизил тил тиғи хуполуд эрур.

Юз уза сиймин занахдонингда хатти мушкбўй,
Ўтқа қўйғон олмадин гўёки чиққон дуд эрур.

Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдум фано,
Оллоҳ-оллоҳ, ул не хуш савдо, бу не хуш суд эрур.

Ҳажр бедодидин ул юз шавқи ортар ҳар неча,
Ким хазон осебидин гул яфроғи побуд эрур.

Кисватедур хилқатим ишқ офати шахсиғаким,
Риштаи жон анда тору, тори жисмим пуд эрур.

Қилмадинг аҳдингда бир аҳдеки қилғайсен вафо,
Бевафолар аҳди мундоқ гўиё маъҳуд эрур.

Меҳр иси бу мижмари ферузадин кўз тутмаким,
Барча қад шамшоди бу мижмар ичинда уд эрур.

Эйки, қаддинг бўлди хам, олам била қил хайрбод
Ким, хам этмак қад ҳамиша лозими падруд эрур.

Эй Навоий, эрмас ул золим кўзи уйқудаким,
Зулм эшиги Шоҳи ғозий адлидин масдуд эрур.

* * *

Хаста кўнглум аэм этар ул сориким жонон борур,
Дам-бадам жоним чиқар, гўё бу ҳам ул ён борур.

Кўнглум ичра тўқтамас лаълинг хаёли бир замон,
Не ажаб ўлсам, бу захмимдин чу ҳар дам қон борур.

Ондаким сенсиз етар бешак фиғоним, эй қуёш,
Мен бора олмон нетай, ул ердаким афғон борур.

Қоматинг жон қасди этса, кирпикингдур раҳнамой,
Ҳар қаён ўқ борса, онинг оллида найкон борур.

Ёд этарлар водии ишқ аҳли Мажнун сайрини,
Бехабар ҳар ён қуюндекким бу саргардон борур.

Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарвешни,
Ёд эт: ул йўлдинки, ҳам дарвешу ҳам султон борур.

Ҳажрдин андоқ заиф ўлмиш Навоий, эй пари,
Ким қаёнким борса сендек халқдин ниҳон борур.

* * *

Васлидин новмид экан чоғда фироқи куйдурур,
Чунки бўлди васл умиди, иштиёқи куйдурур.

Турғони бирла бир оташпорадур ул шўхким,
Йўқу боримни онинг боштин аёқи куйдурур.

Оташин сероб лаъли жонға ўт солса не тонг
Ким, мени ул ўт била сув иттифоқи куйдурур.

Холин ул юз ўртамишким, фитнадур даврон аро,
Ким жаҳон аҳлин жаҳоннинг эҳтироқи куйдурур.

Базм аро куймакдин ўзга йўқ насибим ўзгаким,
Хоҳи гулгун бода, хоҳ ул турфа соқий куйдурур.

Ишқ бир ўтдурки, кўнглумдур анга оташкада,
Ул висоқин куйдурур, бизни висоқи куйдурур.

Солмоқ ўт барлосу тархон орази не судким,
Бизни куйган чеҳра бирла бир ясоқи куйдурур.

Куйдурурга элни ҳам гоҳе қилурлар иттифоқ,
Йўқки ёлғуз олам аҳлининг фиғони куйдурур.

Эй Навоий, ошиқ ўлдунг, билки, олам мулкини
Ишқ этиб торож, ҳар не қолса боқий, куйдурур.

* * *

Май лабинға етса, жонимға ҳарорат еткурур,
Ўт агар Исо дами бирла ёрурким, куйдурур.

Дарди ҳижрон меидадурким, умр ўтуб кўрмай юзин,
Васл комилдур, буким Лайлиға Мажнун телмурур.

Ҳар қўлумни тоза қонлиғ доғ ила узган итинг
Ул кишидекдурки, гул бирла ёғочни синдурур.

Келтирур кўз боғидин ашким бағир парколасин,
Бўстондин ўйлаким гул яфроғин су келтурур.

Бр юзип баҳр этти ашким, эйки, айтурсен мени,
Тоғлар узра недин аҳли жунуи янглиғ юрур.

Ўйғой эрдим кўзни тирноғ бирла, билсам эрдиким,
Бир назардин бошима мунча балолар келтурур.

Соқиё, соғарни айландурки, ҳар соат хумор
Заъфдин бошимни соғар давридек айландурур.

Қўй тараддудким, фано дайриға кирсанг, муғбача
Икки соғар бирла кўнглунгни ўзунгдин тиндурур.

Эй Навоий, олам аҳлидин қироқ тут зинҳор
Ким, мулоқоти аларпинг кўп малолат еткурур.

* * *

Ишқ ҳар дам кўнглума бир ўзга меҳнат келтурур,
Ҳажр ҳар соат бошимға ўзга шиддат келтурур.

Дўзах ўтидин ажал доғи кетурмас онча сўз,
Ким ғам ўтидин ичимга доғи фурқат келтурур.

Чарх анжумдин кетурмас онча офат сайликим,
Қатра хайдин жонима ул моҳ талъат келтурур.

Чеҳра ўтидин булутдек дуди оҳим чиқти, лек
Ул булут селоби дарду барқи офат келтурур.

Солманғиз кўз дафтари ҳажримға, эй аҳли нашот,
Ким анга боқмоқ кўнгулга дарду ҳасрат келтурур.

Ул пари юз дев иландур, гарчи кирғоч кўнглума,
Рашкдин биллаҳ малойик ёди ғайрат келтурур.

Бода ич, бу коргаҳ вазъиға кўп фикр этмагил,
Ким анга ҳар неча чирмашқанча ҳайрат келтурур.

Бу чаман ичра муҳаббат нахли экманг зинҳор,
Ким бериб ҳасрат гули, бори малолат келтурур.

Юз жароҳат бирла кўюнгда Навоий кўнглини
Қилғон итлар туъма, эл кўнглига ибрат келтурур.

* * *

Кулбамға баски гардун ғам тоши ёғдурубтур,
Сабрим уйидек ул ҳам емрулгали турубтур.

Не лоладур, не жолаким, умр уйин бузарға
Кўк раъдлар қазонин тоғ устидин қурубтур.

Фурқат туни эмаским, ҳижронда куйган элпииг
Куйган кулини даврон гардунға совурубтур.

Мен оҳ ўқию гардун зулм ўқи ёғдурур, ваҳ
Ким, ул ўқин урарни бу ўқтин ошурубтур.

Гардун қуёшни ўртабким, ерга кўмди гўё
Ким, меҳр журми бирла бу навъ ёзғурубтур.

Соқий, қадаҳ сувидин шуъламни паст қилким,
Бу коргаҳда ҳайрат жонимни куйдурубтур.

Синғон сафол аро май ичсам не тонгки, даврон
Ғам тошидин нашотим жомини синдурубтур.

Муғ дайрию, маю бут, хушвақт ўлки, кўнглин,
Майдин чу маст ўлубтур—бир бутқа олдурубтур.

Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг,
Ким шуғл, ҳар неча кўп юз онча ғам турубтур.

* * *

Яна сенсизин мунисим ғам бўлубтур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.

Қарориб кўзум дам-бадам зор йиғлар,
Анга шоми ҳажрингда мотам бўлубтур.

Ярамдин чекарга ўқин саъй қилманг
Ки, пайкон сўнгак ичра маҳкам бўлубтур.

Ичимдин нечук тортқайлар ўқинким,
Кўнгул қўймасу жон мадад ҳам бўлубтур.

Кўнгулга ёқар кирпикингнинг хаёли,
Менинг захмима неш марҳам бўлубтур.

Ғуборин тилаб йиғларга ҳар дам, эй кўз,
Ки ашкингдин-ўқ ер юзи нам бўлубтур.

Бу гулшан аро барг тўтилариға
Хазон тифли бас боиси рам бўлубтур.

Вафо шахсининг фарқини чарх тиғи
Ики бўлди, ваҳким, бири кам бўлубтур.

Эмас ғам юкидинки, қошингни кўргач
Навоий сужуд этгали хам бўлубтур.

* * *

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,
Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур.

Турмоди тан чок-чок уйида кўнгулким,
Телба қуш ул, бу ушолғон эски қафасдур.

Айтсам, эй шўх, бўйни боғлиғ итингмен,
Дер, ярамас қайси итки ҳарза марасдур.

Бир нафасе, эй Масиҳ, бошима еткил,
Ким бу нафас бедилингға сўнгги нафасдур.

Сабрим уйин йиқса икки кўз сиришки ажаб йўқ,
Ким бириси Дажладур, бириси Арасдур.

Дайри фано майли қилди ринди харобот,
Ким кеча анда не шаҳнадур, не асасдур.

Қуйса Навоий фироқ аро не ажабким,
Ул итик ўтдур, бу айни заъфда хасдур.

* * *

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда лабингдек самар йўқтур.

Кўзум ашкининг рўди оқар тунду тез андоқ
Ки, гар уйқу кўз сари келур ҳам гузар йўқтур.

Отин тутсалар ногаҳ кетар ўйла ҳушумким,
Бадан ичра руҳумдин дегайсен асар йўқтур.

Кўнгул сўрғали келдинг, рафиқо, вале билким,
Ул оворадин сендек мевга ҳам хабар йўқтур.

Йўлунгға нисор ашким агар оз эрур, гар кўп,
Итингга ғизо кўнглум агар бор, агар йўқтур.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун этдим,
Вафо нахли экканга баҳри ғусса бар йўқтур.

Навоий, фироқингдин анингдек заиф ўлди
Ки, ўрнида эл боқса дегайлар магар йўқтур.

* * *

Шоми ҳижронии аро жисми чу нолим чирмашур,
Зулфи савдосида андоқким хаёлим чирмашур.

Ишқ дарси ичра сўрсам нукта савдо аҳлидин,
Турраси тобиға чун битсам, саволим чирмашур.

Чирмашай деб зулфиға юз печ урармен ҳар кеча,
Чун думоғ ичра бу савдои муҳолим чирмашур.

Мен қуюн мисли эмон саргашта савдо даштида,
Балки тақлидимни айлай деб мисолим чирмашур.

Зулфию қаддини кўр, эй боғбон, кўп демаким,
Ишқпечоним била раъно ниҳолим чирмашур.

Мушкул ар қолғой асар меҳру муҳаббат аҳлидин,
Бўйлаким, ул хайлға бу чархи золим чирмашур.

Эй Навоий, кўнглум истар зулфи торин, зулфидек
Ҳар дам ул савдоийи ошуфта ҳолим чирмашур.

* * *

Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўиёким жон кияр.

Ўзбеки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур
Лемуйи терлик анинг остидаким жонон кияр.

Икки ёнимни шигоф айлабтурур бу рашкким,
Икки ёнидин шигофин боғламай қаптон кияр.

Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун била чун савсани каттон кияр.

Ораз узра шўхлуғдинму ёяр синжобини,
Йўқса синжоби булуттурким маҳи тобон кияр.

Ҳар чубулған торидур сарриштаи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.

Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр.

* * *

Васлидин, вахким, домо-дам элга жоми нўш бахр,
Бизга соғар-соғар онинг фурқати базмида захр.

Ул кўзу қошдин агар қўзғолса олам, тонг эмас
Ким, биридур офати даврон, бири ошуби дахр.

Вах, нетиб сабру шикебим мулки вайрон бўлмасун,
Икки кўздин Дажлау Жайхуидек оқиб икки нахр.

Хосларга лутфунг ўлди ом, юз афғонки мен
Омдиименким, менинг жонимға қилдинг хос қахр.

Отланиб чиқти магар ул маст золимким, яна
Тушти олам кишвариға фитнау қўзғолди шахр.

Мехрдин юз қилсаким гардун аруси золдур,
Рустам они ақд қилса, нақди жон бергуси махр.

Эй Навоий, ёр ёдинда малак махрам эмас,
Фақр одоби аро тажвиз қилма зикри жахр.

* * *

Шоми ҳижрон субҳидек бағримни чок этти сипеҳр,
Субҳға еткунча жонимни ҳалок этти сипеҳр.

Субҳдек бир чок йўқ, кўнглумни балким ғунчадек
Ишқи муҳлик тиғи бирла чок-чок этти сипеҳр.

Ғам туни ҳар кавкабинким жилвагар қилди, мени
Маҳвашим ҳижронидин андуҳнок этти сипеҳр.

Гарчи куйдурди мени, хуштурки, кўнглум кўзгусин
Ғайр нақшидин ҳамул кул бирла пок этти сипеҳр.

То бало тошини ёғдурди манга ҳажр илгидин,
Демайинким, хоксор эттики, хок этти сипеҳр.

Шукрким, жонимни ҳам муҳтож қилди зулмиға,
Қотилини нечаким беваҳму бок этти сипеҳр.

Ғам захира қўйғали эрди магар ишқ аҳлига
Ким, Навоий кўнглини юз минг мағок этти сипеҳр.

* * *

Қилғон эрмиш нотавон сарви равонимни мараз,
Зор ўларменким, қилибтур зор жонимни мараз.

Чу топар озор жонопим мараздин, йўқ ажаб,
Айласа озурда жони нотавонимни мараз.

Гар маразнинг лозими дард ўлди, билмон, эй кўнгул,
Дардманд этгайму оё дилситонимни мараз.

Садқаси айланг мени мардудни, эй дўстлар
Ким, заиф этмиш улустин танлағонимни мараз...

Юз туман мендек кўҳан пир ўлса онинг садқаси,
Қилмасун озурда, ё раб, навжавонимни мараз.

То мариз ўлмиш нигорим—қон тўкар гирён кўзум,
Эй Навоий, дейолурмен—тўкти қонимни мараз.

* * *

Оразингдур офтоби оламородин ғараз,
Жонфизо нутқингдур анфоси Масиҳодин ғараз.

Очмағаймен кўз мени девона ҳуснунг бўлмаса,
Ҳар пари пайкар жамолиға тамошодин ғарав.

Ўқ тикилсун кўзларимга бўлмаса ўқдек қадинг,
Боғ аро ҳар дам ҳавои сарви раънодин ғараз.

Шоми ҳажрим зулфи мушкинингдин ўлсун тийрароқ,
Гар эмас кўнглумга зулфунг мушки сородин ғараз.

Жон бериб лаълимни истардим ғараз недур дема
Ким, басе зоҳирдурур, жоно, бу савдодин ғараз.

Дарду меҳнат чекмагимдин қасдим аниг кўйидур,
Каъбадур соликка қатъи кўҳу саҳродин ғараз.

Эй Навоий, ёрнинг меҳру вафосин истама,
Қилмаған бўлса кўнгулга зулму бедодин ғараз.

* * *

Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.

Шавқ ўтиға урмасам сув, куйдурур кўнглумни пок,
Истагандин ўқларинг кўнглумга пайкондур ғараз.

Невчун, эй ҳижрон, азоб айларсен онсиз жонима,
Истагилким топшурай гар худ санга жондур ғараз.

Юз туган қўйдум эмас қонеъ, кетинг жону кўнгул,
Гўиё ул бевафоға доғи ҳижрондур ғараз.

Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этма, тиғ сур,
Мен биҳилмен, гар санга бу бир овуч қондур ғараз.

Оламу одам фидонг ўлсунки бо́рсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Эй Навоий, воқиф ўл ҳолингғаким ёр оллида,
Бас, фаровондур ғаразгў асру паррондур ғараз.

* * *

Чу пома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангез,
Дамимдин ўт тушиб бир бошиға қилди они гулрез.

Ўтум гар лаҳза-лаҳза тездур эрмас ажабким, бор
Самандинг тез аёғидинки секрир шуъла андин тез.

Оч ул гулранг оразники ондоқ ҳеч суратда
Қазо наққоши не чеҳракушой ўлмиш, не рангомез.

Чиқиб сархуш, чопиб абраш, кирар майдонга ул маҳваш,
Ажаб эрмас агар тушса бори оламға рустохез.

Малак хайли бўлур девона кўргач ул париваши,
Мени мажнунга шайхи бехирад талқин қилур парҳез.

Эрур мазлуму золим қатли ишқ оллида кўп осон,
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез?

Агар жон пардаси кирпикларингдин бўлди парвезан,
Бу ҳам хуштурки, рухсоринг хаёлидин эрур гулбез.

Мени хилватдин, эй зуҳд аҳли, муғ дайри сори бошланг
Ки, беҳад хушҳаводур кўп терилган гунбазу даҳлез.

* * *

Қилур найконларинг кўнглум ўтин тез,
Агарчи қатра бўлмас шуълаангез.

Танимға ул баҳори ҳуснидин ўт
Тушуб ҳар дам урармен барқдек хез.

Эрур гул барги узра оби ҳайвон,
Лабинг ул дамки бўлғай бодаомез.

Деманг, лаълииг майидин ижтиноб эт,
На суд эткай манга ўлгунча парҳез.

Осиғ йўқ жони ширин берса Фарҳод,
Чу Ширин лаълидин ком олди Парвез.

Вафосиэдур баҳори ҳуси, соқий,
Майи гулранг узра айла гулрез.

Ул ой васлин тилар бўлсанг Навоий,
Ҳам ўл шаб зиндадору ҳам саҳархез.

* * *

Кўксумни тиғи меҳнат ила ёра айлангиз,
Тортиб узунг кўнгулнию юз пора айлангиз.

Ҳар порасини куйдурубон кул қилиб сочиб,
Ҳар заррасини бир сори овора айлангиз.

Ул кулдин айлабон фалак оҳим шарорасин,
Ҳар жонибида кавкаби сайёра айлангиз.

Ҳар навъ мумкин ўлса, они фони айлабон,
Бедодидин бу шефтаға чора айлангиз.

Ул шўх ишқин истаган эл, солмангиз назар
Онинг сорики, кўнглума наззора айлангиз.

Чарх ўлди золи ҳийлагар — онинг тариқи макр,
Тажрид эли, талоқи бу маккора айлангиз.

Овора кўнгли келса Навоийнинг озибон,
Эй хайли дуди оҳ, юзин қора айлангиз.

* * *

Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Халқ тарки ишқи айларга мени дилхастани
Ўлтуруб, олам элига мужиби панд айлангиз.

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Тўш-тўшидин тишлабон парканд-парканд айлангиз.

Бодаи ишқ асру маст этмиш мени, эй дўстлар,
Жомима афюн эзиб бир дам хирадманд айлангиз.

Йиғласам аччиғ малул ўлмоқ недур, эй хўблар,
Ҳазл учун гоҳи боқиб сиз ҳам шакарханд айлангиз.

Ишқ баҳрида дури васл истасанг, эй аҳли дард,
Кўнглунгуз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.

Қилсангиз тасвир Лайли ҳуснин ул ойдек сизинг,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.

* * *

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Ошнолиғ айлабон, ўз жонингизға ҳар замон
Боиси юз минг жафою миннату ғам бўлмангиз.

Еб паривашлар фирибин, сўнгра топмай илтифот,
Мен киби девонаю расвои олам бўлмангиз!

Эй висол аҳли, ул ойнинг дарду ҳажридин мени
Кўп кўруб ғамнок сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.

Васлу айш шодоб қилсун халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Гар Навоий ҳажр аро бўлди валил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

* * *

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизға юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоқким, элга андин нукта имло қилмангиз.

Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб,
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Менда ҳижрон дардию йўқ васл, бори дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жоми саҳбо қилмангиз.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли туморинда иншо қилмангиз.

* * *

Ишқ журмиға мени, эй дўстлар, ёзғурмангиз,
Бегунаҳ мен худ куярмен, сиз даги куйдурмангиз.

Ҳар замон чун ёғдурур бедод ўқин жонимға дўст,
Сиз даги таъну маломат тошини ёғдурмангиз.

Меи чу бўлдум ёшуруб ишқин, гар эмди сўрса ёр,
Ҳолатимни сиз не билганни денгиз, ёшурмангиз.

Сўрманг, эй ушшоқ, мендин найлоли деб ишқ аро,
Гар қило олурсиз, аввалдин кўнгул олдурмангиз.

Ишқ оташгоҳида кул бўлмишам, эй дўстлар,
Кўкка ҳар соат кулумни сиз даги совурмангиз.

Чунки ишқ ошубидин ҳар дам ишим ўлмакдурур,
Сиз ҳам, эй аҳли насиҳат, таън ила ўлтурмангиз.

Ишқ оламдин суруб солди Навоийдек мени,
Кўйига, эй ашк хайли, сиз ҳам ондин сурмангиз.

* * *

Ишқ сирриға амин кимса хаёл айламангиз,
Қисмингиз халқдин андуҳу малол айламангиз.

Асрой олмой ўзунгуз, чунки тиларсиз ҳамроз,
Топмоғи мумкин эмас, фикри маҳол айламангиз.

Хўблар турраи ошуфтасиға майл этманг,
Кўнглунгизни куч ила шефтаи ҳол айламангиз.

Гулда йўқ бўйи вафо, шамъида йўқ шуълаи меҳр,
Ўзни булбулвашу парвона мисол айламангиз.

Дилбарим чиқдуси хуршиддек, эй маҳвашлар,
Ҳаддингизни билиб, изҳори жамол айламангиз.

Кўркабойларға гадо бўлдунгуз, эй ишқ аҳли,
Бу ғанимларға вафо пақди савол айламангиз.

Тарки ишқ эттн Навоий, тутубон тақвию зуҳд,
Эй санамлар, анга кўп ғанжу далол айламангиз.

* * *

Чун анга нохуш келур, базмида отим тутмангиз,
Кимки отим билса ҳам ул базм аро ёвутмангиз.

Ҳажр ўтиға мен қилибмен хўю дўзахдин деманг,
Ҳар замон жаннат насимидин мени қўрқутмангиз.

Васл жоми ўзгалар қисмидур, эй жопу кўнгул,
Саъйида беҳуда захмат тортибон қон ютмангиз.

Телба кўнглум бўлса бетоқат малоли ҳажр аро,
Жуз висол уммеди ҳарфидин они овутмангиз.

Эй шабистони висол аҳли, фироқим кулбасин
Ким деди бир кеча шамъи васл ила ёрутмангиз?

Мен куярмен ҳажр аро, ҳар дам ўтум тез эткали,
Эй танаъум аҳли, васл афсонасин чубрутмангиз.

Топри васл айламас ҳаргиз Навоий сори майл,
Келса афғон тортиб, эй жопу кўнгул, уркутмангиз.

* * *

Рози эрмасмен кўнгул чокини пайванд этсангиз,
Қолгопин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Итлари оллинда солибким, мени ул кўйдин
Қовмоқ истарлар, даме машғулу хурсанд этсангиз.

Қайд этарда ул пари кўйида мен девонани
Итлари занжири бирла кошки банд этсангиз.

Сўрмоғимга келса Мажнун нетти, эй аҳли жунун,
Ваъзу панд айтиб мени бир дам хирадманд этсангиз.

Телба итни демангиз мендек нединким, ор этар
Ақлу ҳуш аҳлини бир мажнунга монанд этсангиз.

Эйки, дебсиз пандингиздин бодани тарк этгамен,
Тарк этай аввал мени шопстаи панд этсангиз.

Гар аччиғ йиғлар Навоий, дафъиға, эй шўхлар,
Нетти оллинда туруб бир дам шакарханд этсангиз.

* * *

Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,
Меҳри гардун бўлсалар кўз нуридин ёрутмангиз.

Гар шоҳ ўлсун, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,
Ёдини балким кўнгул атрофида ёвутмангиз.

Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,
Буткарурбиз десалар ул захмларни бутмангиз.

Эл жафосининг малоли қилса ҳар дам қасди жон,
Кўнглунгизни ғайри бекаслик била овутмангиз.

Ўксуди эл майли мендин бир йўли, эй дарду ғам,
Гаҳ-гаҳи сиз бори бошимдин қадам ўксутмангиз.

Ҳажр ўтин жонимға ёқтим, кўрсангиз усрук мени,
Эмди, эй панд аҳли, дўзах ўтидин қўрқутмангиз.

Чун Навоий дашт тутти, эмди зинҳор, эй вуҳуш,
Ким башар жинсини ул мажнун сари ёвутмангиз.

* * *

Эй шикебу сабр бир кун худ менга ёр эрдингиз,
Ёрлиғ ҳам бўлмаса теграмда худ бор эрдингиз.

Келса эрди ҳар бало оллимға асраб қўймайин,
Оҳу афғон қилғали мендин хабардор эрдингиз.

То асири ишқ бўлдум, қочтингиз ул навъким,
Бизга то бор эдингиз гўёки ағёр эрдингиз.

Пандингиздин эмди эрмасмен малул, эй дўстлар,
Доимо мен хастаға мундоқ ситамкор эрдингиз.

Деманг, эй жону кўнгулким, хорбиз ёр оллида,
Гар эрур ул ёр то бор эдингиз хор эрдингиз.

Эй харобот аҳли, демангким недин ғамнокбиз,
Маст эдингким, ғам эди ҳар гаҳки ҳушёр эрдингиз.

Бир йўли қовманг Навоий кўнглини, эй шўхлар,
Ким гаҳи ул бенавонинг кўнглин асрор эрдингиз.

* * *

Бир кун, эй ҳушу хирад, мен телбага ёр эрдингиз,
Бехабар ҳам бўлсам ўздин, сиз хабардор эрдингиз.

Дард етканда давожў, ёлғиз эрконда рафиқ,
Ғусса вақти ёру ғамгинлиғда ғамхор эрдингиз.

Найладим, неттимки, бир йўли чекиб мендин илик,
Эмди эрмастурсиз андоққим, бурун бор эрдингиз.

Бўлмаса ҳушу хирад ғамхорим, эй ишқу жунун,
Сиз бўлунг боқийки, ҳолимға мададкор эрдингиз.

Ишқ агар зор этти, афғон қилманг, эй жону кўнгул,
Токи сиз бор эрдингиз, ишқ илгида зор эрдингиз.

Сотмангиз оламға савдои эсам, эй дарду ғам,
Ким менга ишқ ичра доим сиз харидор эрдингиз.

Эй замон аҳли, фусуну ғадрингиз не айбким,
Ҳам замондек доим афсунсозу ғаддор эрдингиз.

Риндлар, бас тийрадур, сиз хонақаҳға тушкали,
Эй хуш ул кунким, муқими кўйи хаммор эрдингиз.

Шоми ҳажридин Навоийнинг хабар берган улус,
Гўиёким кеча тонг отқунча бедор эрдингиз.

* * *

Демон, эй хўблар, вафо қилингиз,
Жавр ҳам қилсангиз манго қилингиз.

Ҳожатим қаддингиз хиромидурур,
Қўнубон ҳожатим раво қилингиз.

Бўлмасун мендин ўзгага боре,
Гар вафо айланг, ар жафо қилингиз.

Юз туман дардға даводур васл,
Нетти бир дардима даво қилингиз.

Жон бериб васл топмоғонларни
Десангиз мендин ибтидо қилингиз.

Саноғонлар висолу ком аҳлин,
Бизни ул зумрадин сиво қилингиз.

Нетти жамъики ошнолари сиз,
Бизга ҳам они ошно қилингиз.

Хонақаҳ шайхидин очилмас иш,
Дайр пирига илтижо қилингиз.

Телбарабтур Навоий, эй ушшоқ,
Ул эди гарчи бурно оқилингиз.

* * *

Бошимға захмларнинг қони турмасдин бўлуб ожиз,
Фалак чоқин ўтиға куйдурур ҳар дам булутдин киз.

Агарчи тунд тавсан эрди ақлим, келки, ишқингдин,
Начукким кўнглунг истар ҳам забундур эмди, ҳам ожиз.

Жамолинг ламъасидин гар кул ўлдум, тонг эмастурким,
Бу янглиғ барқи офат кимсага чоқилмамиш ҳаргиз.

Суруб хоки танимға рахш, агар ўлтурди ул чобук,
Ҳаётимға, Масиҳо, урма дамким, кетмасун ул из.

Қадаҳ хуршидин ул ой илгига олғоч, ёрур олам,
Калимуллоҳнинг илгида бу янглиғ йўқ эди муъжиз.

Кўзум хунобидин офоқ ранги қирмизи бўлди,
Ҳамоноким бу чашма суйидин ҳосил бўлур қирмиз.

Қилай хомангға жон нақдини исор, эй мусаввир, кел,
Сиришким рангидин кулбам аро ул ой мисолин сиз.

Агар биздин малоли эрди сизга, эй висол аҳли,
Сизу жоми мурод эмдики ҳажр ўтиға куйдук биз.

Навоий ўн сакиз минг олам ичра бор эса расво,
Тонг эрмас, чунки бўлмиш маҳвашининг ёши ўн саккиз.

* * *

Гар ўлмасам эди ул ойға ошно ҳаргиз,
Бошимға ёғмас эди чархдин бало ҳаргиз.

Тариқи ишқ аро беэътидол эсам, йўқ айб,
Нединки тушмамиш эрди бу иш манго ҳаргиз.

Жафосидин, демаким, ишқ таркини тутқил,
Бу иш бўлурму вафо аҳлидин раво ҳаргиз.

Балои ишқиға мен мубталоюю истамагай
Қутулмақ ила балодин бу мубтало ҳаргиз.

Даво чу мумкин эмас ишқ дардиға, ваҳким,
Илож топмади бу дарди бедаво ҳаргиз.

Ёйилди Вомиқу Фарҳод ишқи, йўқ эди лек
Менинг ишим киби ҳар ён бу можаро ҳаргиз.

Кўнгулни даҳрдин ошуфта қилмаким, хуштур
Ки, тийра бўлмаса жоми жаҳоннамо ҳаргиз.

Санга замон элидин етса кўп жафо муни де
Ки, ким кўруб эди бу хайлдин вафо ҳаргиз.

Не келса, хуш тут ўзунгники, халқ кўнгли учун,
Рақам ҳақ айламади котиби қазо ҳаргиз.

Десангки, хомтамаъ бирла бўлмайин ранжур,
Бисол айлама ишқ ичра муддао ҳаргиз.

Навоий, истама кўп ишқ аро наво, негаким
Бу боғ булбулиға етмади наво ҳаргиз.

* * *

Мени бир нома бирла дилбарим ёд этмади ҳаргиз,
Қулин қайғудин ул хат бирла озод этмади ҳаргиз.

Сиришким сайли йиқмай қўймади худ сабр бунёдин,
Бузуғ кўнглумда тарҳи васл бунёд этмади ҳаргиз.

Балолар тоғини ҳажринда тирноғим била қаздим,
Мен этган ишни ошиқлиқда Фарҳод этмади ҳаргиз.

Чу нақди сабр торож айладинг, кўнглумга ўт солдинг,
Бу навъ ўз кишвариға шоҳ бедод этмади ҳаргиз.

Фироқ айёмида кўп пафь еткурди, буким кўнглум
Ўзин ул шўхниг васлиға мўътод этмади ҳаргиз.

Не тонг, девона кўнглум итларингга таън қилмоққим,
Ебон юз дарду меҳнат тоши, фарёд этмади ҳаргиз.

Эрур ишқ оллида жоним фидо қилсам ҳануз озким,
Ул ойдин ўзгани қатлимға жаллод этмади ҳаргиз.

Не тонг, эй муғбача, ишқингда маст ўлсамки, пири дайр
Бу икки ишдин ўзга бизга иршод этмади ҳаргиз.

Агар буздн Навоий кўнглини ул бенаво, тонг йўқ,
Вафо аҳли уйин чун ишқ обод этмади ҳаргиз.

* * *

Киши кўрмайдурур ишқ ичра воре мен киби ҳаргиз,
Ғами ҳижронда бесабру қароре мен киби ҳаргиз.

Хаданги ғамзау ошуфта зулфунгдин йўқ эркандур,
Дил афгоре, паришон рўзгоре мен киби ҳаргиз.

Десанг ушшоқнинг хоки тани узра сурай маркаб,
Кўп истаб топмоғунгдур хоксоре мен киби ҳаргиз.

Сенингдек сустпаймои даҳр аро ҳаргиз йўқ эркандур,
Вафоға ҳам йўқ эрмиш устуворе мен киби ҳаргиз.

Жафогарликда йўқ эрмиш сенингдек дерга йўқ ҳаддим,
Йўқ эркандур жафокашликда боре мен киби ҳаргиз.

Дедимким, даҳр боғида йўқ эрмиш мен киби булбул,
Дедиким, борму эрмиш гул узоре мен киби ҳаргиз.

Магарким ёр соқий бўлса, дафъ ўлғайки, етмайдур
Кишига васли жомидин хуморе мен киби ҳаргиз.

Фироқи жаврида новмид ҳам йўқ мен киби, гарчи
Йўқ эрди васлдин уммедворе мен киби ҳаргиз.

Навоий, демаким, ҳижронида сабр ихтиёр этгил,
Бу ишда йўқ эмиш беихтиёре мен киби ҳаргиз.

* * *

Не айб, ишққа бу мўри мубтало ожиз,
Ки ишқ агар будурур, бўлғай аждаҳо ожиз.

Рафиқлар бошима йиғлашурлар, ўлди магар,
Табиб қилғали бу дардима даво ожиз.

Риёға ажз кетурсам тонгирғама, эй шайх,
Ул ишда чун ёратибдур мени худо ожиз.

Нечаки тавсану тунд эрса халқ кўнгли, бўлур
Чу бўлди ишқу муҳаббатқа мубтало ожиз.

Фироқ илгида ожизмен, эй кўнгул, не ажаб,
Кишини айласа минг меҳнату бало ожиз.

Жамол мулкида сен ҳусн шоҳи, мен мунглуғ,
Шаҳ этса раҳм не тонг, чун эрур гадо ожиз.

Навоий ар қила олмас гадолиғ, эткил раҳм
Ки, бўлди бир йўли ул зори бенаво ожиз.

* * *

Манга ўлмаклик эрур ҳажрида осон сенсиз,
Ўлайин, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз.

Жонсиз имкони нафас йўқ кишига, ваҳки, манга
Не учун тинмас экин бир нафас афғон сенсиз.

Барқ ила раъдчадур тоғ уза мен мажнунға,
Кечалар оҳ била нолаи ниҳон сенсиз.

Тушмасин кимсага бу навъ қотиғ кунки, манга
Бўйлаким қолмишам ўз ҳолима ҳайрон сенсиз.

Қилмағай танға ажал дарду балойи жонсиз,
Жонға зулмики қилур меҳнати ҳижрон, сенсиз.

Чарх ҳажринда яқиндур бошима емрулғай,
Кўр, нелар келтурадур бошима даврон сенсиз.

Бўлса васлингда Навоий йўқ ажал мумкин анга,
Лек бир лаҳза ҳаёт анга не имкон сенсиз.

* * *

Онсиз ўлмоқ эрур ўлмоқ жонсиз,
Бўлайин жонсизу бўлмай онсиз.

Қоши бу чок кўнгулдин айру
Не олмиш ёйи, эрур қурбонсиз.

Оҳким, дард юзидин чиқмас,
Ўқ эмас бўлса эрур пайконсиз.

Ишқ дарёсиға, эйким, кирдинг,
Билки, бу баҳр эрур поёнсиз.

Ёрсиз кўнглум эрур ошуфта,
Мулк ошуб топар султонсиз.

Суву ўт ичрасиз, эй кўзу кўнгул,
То ул ой оразиға ҳайронсиз.

Гар Навоий чекар ун ҳажр куни,
Йўқ ажаб тун эмас ит афғонсиз.

* * *

Не айб жоп менга беҳол бўлса жононсиз,
Не ҳоли бўлғай ўлук жисми эорнинг жонсиз.

Тўққуз фалакдин ўтар гарчи новаки оҳим,
Қилурмен они ул ойға чекарда пайконсиз.

Кўнгул аро бири ўтмай, бири етар ғами ишқ,
Бу уйда бир нафас эрмон азиз меҳмонсиз.

Жаҳонни тутти висолида шодлиғ ашким,
Баҳор сайли кам ўлмиш жаҳонда туғёнсиз.

Ичимда кирпики, гар нола айласам, тонг йўқ,
Кўнгулга неш тикилса бўлурму афғонсиз.

Менга қадаҳни дамо-дам етургил, эл соқий,
Ки ғам ҳалок қилур бор эсам даме онсиз.

Навоий ўлса, деманг хўбларки, кимдин эди,
Сиз эттингиз юрагин чоку, бағрини қон сиз.

* * *

Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,
Тонг эмастур ҳеч мафҳум ўлмаса маъдум оғиз.

Оллоҳ-оллоҳ, турфадур буким ики жонбахш лаб,
Икки ёп маълуму эрмас ўртада маълум оғиз.

Ваҳмни юз минг гумон ичра солур мундинки, бор,
Хатти мавҳум ул тил, аммо нуқтаи мавҳум оғиз.

Ул алифдек қад латофат ичра бўлди бирга ўн,
Сифрдек то бўлди онинг зимнида марқум оғиз.

Дол апгаким ишқ китмони керак ишқ аҳлиға,
Ишқипг асрорида сирредур ажаб мактум оғиз.

Ваҳки, ул юзу оғиз шавқидин ўлдум, лек бор
Юзидин юз ноумиду оғзидин маҳрум оғиз.

Заҳри ҳажр оғзим тўла найлаб қилай ўпмак хаёл,
Ҳайфдурким етгай оғзи нўшиға масмум оғиз.

Пок лафз айтурға оғзипг пок қилким, ҳайфдур
Яхши сўз боринда сўргай нуктаи мазмум оғиз.

Эй Навоий, махлас истар бўлсанг эл тил, оғзидин,
Назмдин ҳам тилни тийғил, насрдин ҳам юм оғиз.

* * *

Эй, етиб лаълинг майидин руҳума осор файз,
Ламъасидин касб этиб кўнглум уйи анвор файз.

Оллоҳ-оллоҳ, не лабу не нутқи руҳ осо экин
Ким, Масиҳо бирла Хизр андин қилур изҳор файз.

Файзларким етти ишқингдин манга, офоқни
Ғарқа айлар файз баҳри, айтсам асрор файз.

Бу жазо мункирга бас эрмас чу ким фоиз деди,
Қобили файз эрмас улким, айлагай инкор файз.

Кир харобот ичраким, бир журъасиндин еткурур,
Файзни юз шайхча базм аҳлиға хаммор файз.

Дайр пиридин етар юз файзу бир йўқ шайхдин
Ким, мунга етмиш яқин файзу анга пиндор файз.

Эй Навоий, муғтанамдур пири дайру муғбача
Ким, биридин етмаса, етар биридин бор файз.

* * *

Сўз аросиндадур ул кони малоҳат лаффоз,
Ўйлаким, васфи аро аҳли балоғат лаффоз.

Номасин қуш кетуруб, сайраса авсофида кўп,
Йўқ ажаб, чунки бўлур аҳли рисолат лаффоз.

Яхши алфоз ила тил гар деса ул ой қавлин,
Тонг эмастур, ким эрур аҳли мақолат лаффоз.

Васфи ҳар лафзида йиғлатди кўнгул дард аҳлин,
Қайда топти бу қадар дард ила ҳолат лаффоз.

Кўнгул оллида ғамин қилма талаффуз, тилким,
Еткурур аҳли маониға малолат лаффоз.

Сўзда маъни била кўп лафзиға майл айламаким,
Зоҳир оройишини айлади одат лаффоз.

Лафзи зебида Навоийға берур маъни юз,
Қайда маънида топар мунча маҳорат лаффоз.

* * *

Чун қўярмен ул жаҳон оройиши базмиға юз,
Айш базмин, соқиё, боги Жаҳонорода туз.

Сарвда йўқ гул киби рухсору гулда кўзу қош,
Ҳусн аро, эй гулъузори сарв қад, сенсен тўкуз.

Тийғ агар чексанг сурар эрнинг доғи тийғини бор,
Ёлғуз эрмас илтимоси қатл агар чексам бўғуз.

Телбадур покас рақибинг қатл эрур вожиб анга,
Мундин ўзга йўқ иложи итким ул бўлғой қутуз.

Май учун зуҳдум ридосин ол гарав, эй пири дайр,
Дема пайлай, чун харобот аҳли ичса бода суз.

Чун ети қот ерга киргунг оқибат ҳоло не суд,
Гар сипеҳр ажносидин оллингға тортарлар тўқуз.

Ваҳки, то бир кўрди ул юзни Навоий, эй рафиқ,
Сабри юздин бирга келди, шавқи бўлди бирга юз.

* * *

Совуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул кўзга келтур юз,
Ки анда аблақ этмиш мен мураттаб теграси қундуз.

Юрак қони сиришким бирла кўздин чиқти гам шоми,
Кеча дарёда раҳбарлик қилур соҳил сори юлдуз.

Қачонға тегру сарву наргису гул жилва қилғайлар,
Чаман ичра хиромон қад била кўз очу юз кўргуз.

Рақибу васл нўши, мену ҳижрон неши, ваҳ, раҳм эт,
Они ҳамки гаҳи ўлтур, мени ҳамки гаҳи тиргуз.

Қоронғу чаҳда Юсуфсен ёруғ гулшан аро тонг йўқ,
Бўлурлар жилвагар доим қамар ақшом, қуёш кундуз.

Агар сен ҳамдамим бўлсанг иковлик яхшидур, йўқса,
Абад умри агар тонсам ўзумни истарам ёлғуз.

Гиреҳ сарриштаи васлингға ҳар дам истамас бўлсанг,
Таъаллуқ риштасин аҳли жаҳон бирла жаҳондин уз.

Даме базмим тузук айшим зилолин истарам софий,
Муғанний сен доғи туз рўду, соқий, сен доғи май суз.

Навоий севди бир лўлини, кездик рубъи маскунда,
Агар арлот, агар барлос, агар тархон, агар сулдуз.

* * *

Сарвқадлар агар биру, гар юз,
Юздин эрмас бири бизнинг била туз.

Ғаразим ул санамға саждадурур,
Ер ўпай, деб қошида қўйсам юз.

Юзидин зулфиға кўнгул бормас,
Кимса шабравлиғ айламас кундуз.

Не биров бўлса ҳамроҳинг тоқат,
Не таҳаммулки киргасен ёлғуз.

Ҳар кўзум ул қуёш фироқи туни
Бир фалакча аёп қилур юлдуз.

Бормен, эй пири дайр, бас махмур
Карам айла, каромате кўргуз.

Қадди ҳажрида тортсам нола,
Рост оҳаиги, эй Навоий, туз.

* * *

Бор анингдекким керак ул кўзу қошу қадду юз,
Оллоҳ-оллоҳ, ким кўрубтур ҳусн бу янглиғ тўкуз.

Зулфунг эгрилик, қадинг тузлуктадурлар ўйлаким,
Сунбул эрмас мунча эгри, сарв эрмас онча туз.

Сен эрурсен ҳусн шоҳи: меҳри сойир тожири
Ким, чекибтур оллинга афлок жиисидин тўқуз.

Ҳажр заъфидинки жон бир риштаға боғлиқдурур,
Жонға раҳм эт, эй ажал, бу риштани ҳам тортиб уз.

Неча кўнглум кишваридин сабр тарҳин бузғасен,
Бир доги бу хаттидин зулму ситам тарҳини буз.

Кўз аёғингға етар уммед бирландур буким,
Оллинга юз қатла ҳар соат қўярмен ерга юз.

Соқиё, даврон ишида йўқтурур жуз тийралик,
Дафъини айларға доир давр аёғинг бода суз.

Фақр кўйи туфроғиким, улдур иксири ҳаёт,
Жон бериб кўз ёритурча олсанг—олмишсен ужуз.

Эй қаландарваш муғанний, гар Навоий кўнглини
Истасанг ҳар лаҳза беҳол айламак, тузгил қўбуз.

* * *

Васл умидидин бошимға ёрни келтурдунгуз,
Оқибат ҳажр тоши бошима ёғдурдунгуз.

Синди бошим косаси андоққи кўнглум шишаси,
Муҳтасибдек ишратим асбобини синдурдунгуз.

Юз тамуғча ўт не ҳожат эрди, эй ҳажру фироқ,
Ким ёқарда эмганиб хасдек таним куйдурдунгуз.

Тинмағур ағёр зоҳир айлабон кўп изтироб,
Ҳажр аро қатлим учун мендин кўпгул тиндурдунгуз.

Майға афюн солиб, эй дарду бало соқийлари,
Турфа буким, маст бўлдунг деб мени ёзғурдунгуз.

Чун вафо йўқ даҳр гулзорида, эй тонг қушлари,
Саҳвдурким, бесамар ашжорида ўлтурдунгуз.

Сизга ҳам, эй ишрат аҳли, қолмағай жовид васл,
Буки зулм айлаб, Навоийни ародин сурдунгуз.

* * *

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созинг била, овоз туз.

Навҳа оҳанги тузуб, оғоз қил маҳзун суруд,
Ул суруд ичра ҳазин кўнглумга махфий роз туз.

Тузма оғоз айлабон Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Десанг эл куйсун, менипг дардим қилиб оғоз туз.

Истасангким, нағманг ичра кўп халойиқ ўлмагай,
Ул икавдин кўп, вале мендин таропа оз туз.

Гар мепинг ҳолим десанг туз барча достони ниёз,
Дилбаримдин нағма соз этсанг, суруди ноз туз.

Чун бу гулшанда нишиман қилғали қўймас хазон,
Гул фироқи савтин, эй булбул, қилиб парвоз туз.

Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуғ суруд,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен — соз туз.

* * *

Тийрадур ўйлаким ёруғлуғ анга қўймас юз,
Шоми ҳажримда агар бўлса қуёш ҳар юлдуз.

Ўтти ҳижрон кечаси ранжида умрум, ё раб,
Бир кун ўлғаймуки, ушбу кеча бўлғай кундуз.

Хўблар анжумани ичра назиринг йўқтур,
Меҳрни анжум ичида деса бўлур ёлгуз.

Эгриликлар эса зулфунг ҳаракоти не ажаб
Ким, йилонни ҳаракат қилғонида кўрмиш туз?

Сендин айру эмас, эй дўст, ўлуку тиригим,
Қаҳру лутфунг била гар ўлтур, агар худ тиргуз.

Гулда йўқ сарв қади, сарвда гул рухсори,
Сарви гулрўюм эрур ҳусн тариқида тўкуз.

Соқиё, май тўлаким, арбада истар кўнглум,
Эй муғанний, чола бошла ўкурур кўкта қўбуз.

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўра ойини била томса тўқуз, оқса ўтуз.

Эй Навоий, тиласанг ёр ила топмоқ пайванд,
Ғайридин саъй қилиб риштаи пайвандни уз.

* * *

Сайл ун чектию савдо менда бепоён ҳануз,
Дашт сарсабз ўлдию мен телба саргардон ҳануз.

Гунбазин қилди иморат ғунчанинг ёз ёмғури,
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон ҳануз.

Ҳар қуруғ шох ўлди дашт узра сабодин ҳуллапўш,
Тинмағур жисмим жунун водийсида урён ҳануз.

Тонг насими бирла найсон ёмғури не судкпм,
Оҳу ашким даҳр аро ҳар дам солур тўфон ҳануз.

Ёнгил, эй Исо дамим, ҳуснунг баҳори ҳаққиким,
Бордурур муҳлик жунунумға даво имкон ҳануз.

Не осиғ ҳар оқ гул ўлса марҳам учун бир момуқ,
Чунки чиқмайдур ярамдин ғунчадек пайкон ҳануз.

Дашт ҳайвони қочарлар суҳбатимдпн рам қилиб,
Ақли йўқ посиҳ гумон айлар мени инсон ҳануз.

Ком еткурмак ғанимат англа давроп аҳлиға,
Эй ғапи, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийга, кўруиг
Ким, баҳор айёмида оқилдур, ул нодон ҳануз.

* * *

Ул юз атрофи малиҳу лаъли хандонида туз,
Тенгри ҳар ён тўкти гўё ҳуснининг хонида туз.

Хону ҳуси ул юз, намакдон оғзидур ул хон аро,
Нутқи шўрангездин пайдо намакдонида туз.

Чун фано йўлиға кирдим, оғзи кўиглумда, не тонг
Ким, сафар аҳли чу азм этти, бўлур ёнида туз.

Ҳуснининг они кўнгул ошуби бўлдиким, солур
Кулгудин захмиға ширинкорлиғ онида туз.

Тўзмаса тонг йўқ кўнгулким, ул малоҳат конининг
Ишваси тўлдурмиш онинг захми пинҳонида туз.

Новаки захмида оғриқдин ачишмоқдур фузун,
Музмар этмишлар магар сув бирла пайконида туз.

Очиқ-очиқ йиғламай найлай ики лаълинг учун
Ким, хаёли солди кўзлар ашки ғалтонида туз.

Ул малоҳат кони ишқидин қаён борсам келур—
Дўстлар оллимға расволиғ биёбонида туз.

Эй Навоий, не ажаб солса чучук жонимға сўз,
Чунки бор ул нўшларнинг шаккаристонида туз.

* * *

Эй малоҳат шевалик ширин дудоғинг сўзга уз,
Ҳикмат илги гўиё солди шакар тунгига туз.

Неча бузғойсен кўнгул мулкин жафо тарҳи солиб,
Бир бу вайрон ерни тузмокка жафо тарҳини буз.

Чеҳра очсанг ё такаллум қилсанг, ўлгон жон топар,
Оллоҳ-оллоҳ, бордур ул не лаъли жонбахш, ул не юз.

Ой санга ўхшар ва лекин ул совуғдур, сен малиҳ,
Фарқ кўптур нечаким бўлса мушобиҳ тузу муз.

Базмидин чиқти рақиб усрук, ҳазар, эй аҳли зуҳд,
Расмдур қочмоқ улус иттинким, ул бўлғай қутуз.

Кўзга солдим жон бериб олиб аёғи туфроғин,
Англамон қадрини колонинг чу олмишмен ужуз.

Не тафовут ишқи дашти қатъида иссиғ-совуқ
Ким, самандар ўтда сайр айларда тенгдур ёзу куз.

Шайхда йўқ риндлиқ, зоҳидда йўқ расми вафо,
Дайр пири ҳар сулук иршодида келди тўкуз.

Ҳажрдин ўлди Навоий, соқиё, тут жоми май,
Эй муғанний, сен наво оҳангида қўбса қўбуз.

* * *

Эй, лабинг зоҳир этиб ширин лафз,
Хоҳ ёлғон десун, ар худ чин лафз.

Чину ёлғони онинг шириндур,
Гар деса бир дам аро чандин лафз.

Оташин лаълинг эрур бас рангин,
Не ажаб, қилса аён рангин лафз!

Лаъли алфози мени тиргузди,
Қайси бир деб, не қилай таъин лафз.

Қаҳру лутфунг бори жонбахшдурур,
Бўйлаким кўрди ҳаётойин лафз.

Англамон ғояти маъни сўзинга,
Ғоясин айлагамен таҳсин лафз.

Қил, Навоий, сўз аро маъни қасд,
Истама ўйлаки суратбин лафз.

* * *

Ришта диққатдур каломингда дури шаҳвор лафз,
Риштаға дурлар чекарсен чун топар такрор лафз.

Лаъли жонбахшинг эрур гўёки Руҳуллоҳким,
Сочилур жон ҳар тараф қилғон сойи изҳор лафз.

Гўиё ҳайвон суйидин қатра секрир ҳар сори,
Чун такаллум вақти лаълингдин чиқар дурбор лафз.

Гар ўлукни тиргизур, ваҳким, тирикни ўлтурур
Лаълидин қилғач аён ул шўхи ширинкор лафз.

Дема лафзинким тили эврулмагондиндур синуқ
Ким, топар тор оғзидин чиққунча кўп озор лафз.

Сирри ишқимни тилармен шарҳ қилмай англасанг
Ким, эмас ишқ оятиға маҳрами асрор лафз.

Эй Навоий, чун гуҳар беқадр эрур шоҳ оллида,
Не ажаб гар бўлса назмингдин қошида хор лафз.

* * *

Кўринур оташин лаълинг дилафрўз,
Магар оллида чектим оҳи жонсўз.

Топилмас нур аро оламда хуршид,
Кўрунгач ул жамоли оламафрўз.

Висол айёми тонг йўқ очса рухсор,
Ки доим очилур Гул бўлса Наврўз.

Қуёш остида гардун сабзхинги,
Кўрунмас маҳвашим чун минса кўкбўз.

Кўнгулга ғам тошидин берма рамким,
Ҳануз ул сайд эрур мурғи навомуз.

Қадаҳни давридин тиндурма бир дам,
Кўнгулни даҳрдин топсанг ғамандуз.

Кўп оттинг новаки дилдўз, ваҳм эт,
Навоий ҳам чекардин оҳи дилдўз.

* * *

Эй санга хунрез мужгону балоангез кўз,
Бизга мужгонинг синони захмидин хунрез кўз.

Фитна кўзлукларда йўқ эрмиш кўзунгдек солғучи,
Бир қиё боқмоқ била оламға рустохез кўз.

Эй кўзи айни бало, не раҳм сендин кўз тутай
Ким, сенга хунрез кўздур, бизга хуномез кўз.

Кўз саводин айлади кирпикларинг парвезани,
Не ажаб бўлса жамолинг шавқидин гулбез кўз.

Кўрки, ҳар кирпик учиға боғлабон бир пора лаъл,
Келтирибтур лабларинг оллинда дастовез кўз.

Даҳр золи нечаким Фарҳодкуштур, турфа кўр
Ким, хатодур тутса гар андин вафо Парвез кўз.

Эй Навоий, йиғламоқдин хира бўлмиш кўзларинг,
Ишқ аро бинандалиғларға керактур тез кўз.

* * *

Не лабидин истимоъ этди қулоқ бир қатла сўз,
Не юзига бир назар солмоқ муродин топти кўз.

Дединг элни ўлтурай бир сўз била, аммо сени
Айлайин маҳрум, ваҳ, жоно, дема бу навъ сўз.

Эйки бир ой ишқидин ошуфтасен, васл истасанг,
Ҳар жафо қилса чида, ҳар навъ бедод этса туз.

Ошноларни қовар, лекин севар бегонани,
Ўзни ёт айлар жафо бирла ва лекин ётни ўз.

Май учун зоҳид ридоси андин ўлмас раҳнким,
Бодапололиққа ҳам лойиқ эмас ул пора бўз.

Кимса даврон аҳлидин ҳаргиз вафое кўрмади,
Кимга ким қилсанг вафо бедод кўз тут бирга юз.

Эй Навоий, хўбларға маҳкам эрмас тори аҳд,
Риштаи уммедни эмди бу маҳвашлардин уз.

* * *

Манга ишрат ери кунжи фано бас,
Янги маснад бир эски бўрё бас.

Яланг тан ёнқали бас шоли идбор,
Бош остида яланг қўл муттако бас.

Даво дардимға гар топмон, эмас ғам,
Ки дардимға девосизлиғ даво бас.

Майи ишратни аҳли айш чексун,
Менга хунобаи ранжу ано бас.

Мен ўлдум худ вафо йўлида туфроғ,
Вале ёр айламас жавру жафо бас.

Скандарга жаҳону азми зулмат,
Ки мулки ишқу шоми ғам манго бас.

Десам англай жаҳон ҳолини равшан,
Қадаҳ оинаи гетинамо бас.

Ҳаводисдии яна ҳар кимга бир-бир,
Манга майхона кунжи мултажо бас.

Наво маъшуқдин гар тутса ушшоқ,
Навоийға навосизлиғ наво бас.

* * *

Йўқ тамаъ ағёрдин гар душман эрмас ёр бас,
Ёрдин иўш истамон, неш урмаса ағёр бас.

Васли боғидин демангким, муддаий гул термасун,
Терса терсуп, урмаса бағримға юз минг хор бас.

Кимга қилдим бир вафоким, кўрмадим юз минг жафо,
Эй кўнгул, гар худ ҳавасдур ишқ бу миқдор бас.

Бўлмаса оғзида май, ёхуд кўз ул гулдин қизил,
Оҳи оташноки бирла дийдаи хунбор бас.

Қасдима чекма ҳалокииг тиғини кўп, эй сипеҳр
Ким, ул ойнинг тиғи зулмидин бағир афгор бас.

Даҳр бўстонида гулгун хона қилсанг орзу,
Бодаи гулранг қўйған кулбаи хаммор бас.

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънида сўз,
Дурри маъни истар ўлсанг айлагил гуфтор бас.

* * *

Хўблар минг бўлсалар, мен хастаға бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдин бири гар бор бас.

Айтмонким, ҳар вафо қилсам жафое қилмасун,
Ҳар вафоға минг жафо, гар айламас изҳор бас.

Ҳар вафоға минг жафо ҳам қилса қилсун мунчаким,
Ёр анга маҳруму маҳрам бўлмаса ағёр бас.

Эй висол аҳли, сизу иззат ҳарımиким, менга
Ҳажр кўйи итлари оллида бўлмоқ хор бас.

Мен киму, нўши лабингдин истамак оби ҳаёт?!
Айласа ғамзанг синони қатл, бу миқдор бас.

Эй кўнгул, ғамгин эсанг куп қуйса соқий оғзингга,
Зарфини сибқармағунча, қилмағил зинҳор бас.

Юз бало келса бошингға сабр қилғил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас.

* * *

Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.

Етса ҳар дам сенга юз муҳлик дард,
Ўлсанг ўл, лек даво қилма ҳавас.

Эй кўнгул, васл ҳавас қилдинг, ўл
Зорлиғлар била ё қилма ҳавас.

Айлаган ишқ ҳавас куч бирла,
Юз туман дарду бало қилма ҳавас.

Кўйи туфроғи эрур мушки Хито,
Истаган они хато қилма ҳавас.

Ишқ даштини десанг қатъ қилай,
Зоди раҳ ғайри фано қилма ҳавас.

Бенаволиғда, Навоий, ўлсанг,
Базми васл ичра наво қилма ҳавас.

* * *

Қилмон ул бебок кескан наълни ўпмак ҳавас
Ким, саманди наълини ўпмак муяссар бўлса бас.

Олам аҳлиға етар фарёду оҳим ҳар кеча,
Оҳким, йўқтур манга оламда бир фарёдрас.

Ўйла куйди ҳажр аро жисмимки йўқ ондин асар,
Қайда топилсун чу тушти дўзах ўти ичра хас.

Гар сабуҳ этсам не тонгким софу содиқ хайлдин,
Бодадек бир ҳамдамим йўқ, субҳдек бир ҳамнафас.

Жамъ этар овораларни чоклиғ кўнглум уни,
Йўлдин озғонларни ул янглиғки афғони жарас.

Гулшани васл истаган кўнглум қушиға тордур,
Чарх юз минг равзани бирла агар бўлса қафас.

Берса ул гулдин хабар хоҳи сабо, хоҳи шамол,
Деса пайғамбар ҳадисин хоҳ Бузар, хоҳ Анас.

Хирқа улдурким кеча кезсанг, чубулгон торға
Боғлағайлар ўзни гар худ шаҳна бўлсун, гар асас.

Эй Навоий, олам ичра бенаволиғ кўрмади,
Улки ҳаргиз қилмади олам элин кўрмак ҳавас.

* * *

Демаким нўши лабидин қути жон қилдим ҳавас,
Оби ҳайвондин ҳаёти жовидон қилдим ҳавас.

Лаъли нўшидин гар ўлсам ҳам эмастур айбким,
Ҳазм эта олмас ғизо мен нотавон қилдим ҳавас.

Тош ебон атфол гоми бирла жон берсам не тонг
Ким, пари васлиға жонни комрон қилдим ҳавас.

Остонинг истадим бош қўйсам, эрмас айбким,
Салтанат тахтини мен бехонумон қилдим ҳавас.

Ҳар фатила захм ароким эрди, чектим жон аро,
Кўнглума қўймоқ неча доғи ниҳон қилдим ҳавас.

Зуҳд ила йўл топмадим мақсадға, май тут пири дайр
Ким, ўзумни эмди расвойи жаҳон қилдим ҳавас.

Эй Навоий, тоғу водий тутмоғим айб этмаким,
Ёшуруп дардим демак тортиб фиғон қилдим ҳавас.

* * *

Гар менингдур ёр, лўли бўлса, шоҳ этмон ҳавас.
Найлай ул шаҳники, ҳар лўлиға бўлғай ҳамнафас.

Шиква қилмон гар жафодин бошима ёғдурса тош,
Тоқатим йўқ элга қилса барги гул урмоқ ҳавас.

Ёрдин ҳар неча бедод ўлса айлармен қабул,
Лек бўлса ғайр бирла мултафит, мақбул эмас.

Жонни қўймасмен чибиндек лаъли узра рашкдин,
Ул шакар узра чибин қилсам тахайюл хол бас.

Бу балони кўрмасун ошиқки, қилғай илтимос,
Васлин онингким, биров бўлғай анга ҳам мултамас.

Ўз нигори маҳмилидин қилмасун деб кўз хато,
Ишқ дашти аҳлиға ҳар дам нидо айлар жарас.

Эй Навоий, ишқ атворида будур зулмким,
Гул мақоми базм ўлуб, булбул ери бўлғай қафас.

* * *

Фиғонким, кўнглум олғон дилбарим дилдорлиғ билмас,
Билур ошиқии ғамгин қилмоқу ғамхорлиғ билмас.

Нечук дей ёр эмас, душман демак бўлмас, худ айтайким,
Эрур худ ёр ул, аммо тариқи ёрлиғ билмас.

Кўнгулда зорлиғ бирла фиғон кўюнгда айб этма,
Гадои хастаедур жуз фиғону зорлиғ билмас.

Оғирроқдур фироқим тоғидин бахтимнинг уйқуси,
Ки нолам бўлди рустохезу ул бедорлиғ билмас.

Бўлуб мажнун паридек бормишам невчунки, ёрим ҳам,
Пари пайкардур, аммо ғайри мажнунворлиғ билмас.

Кетур, эй соқийи маҳваш, манга бир соғари дилкаш,
Ки даврон ёрлиғ, афлок жуз ғаддорлиғ билмас.

Қазо илги тилармен ер била ҳамвор қилғайким,
Замон аҳли замондек ғайри ноҳамворлиғ билмас.

Менинг ёримда ониdурки, андин ўртанур жоним,
Ки они ҳар қуёш юзлук шакар гуфторлиғ билмас.

Навоий кўзларининг мардумидин жаври қон тўкти,
Дариғ ул шўхи мардумкушки, мардумдорлиғ билмас.

* * *

Ғамзангға киши иазора қилмас
Ким, бағрини пора-пора қилмас.

Дардимға агарчи йўқ шумора,
Ишқинг мупи ҳам шумора қилмас.

Бечора мени денгиз ғам ичра
Ким, ёр ғамиға чора қилмас.

Қилғали жаҳонға оҳу ашким
Чарх айламасу ситора қилмас.

Иш қилди кўпгулга дарди ҳажринг
Ким, шишага санги хора қилмас.

Топмас киши даҳр базмида ком
Ким, мажмаъидин канора қилмас.

Хилват аро киргали Навоий
Жуз махласин истиора қилмас.

* * *

Нигорим дардима паззора қилмас,
Назора қилса доғи чора қилмас.

Тилаб оғзин эмас ҳар дамки, кўнглум
Ўзини ғунчадек юз пора қилмас.

Мени ғам дашти ичра ишқ итурди,
Ўзин эл куч била овора қилмас.

Кўнгулни айлагандек захм ғамзанг,
Пичоқ, балким қилич ҳам ёра қилмас.

Мени девона то қилмиш кўнгулга,
Неларким ул пари рухсора қилмас.

Не ерсен даҳр золининг фирибин,
Вафо чун элга ул маккора қилмас.

Навоийдек юзунгга ким солур кўз
Ки, зулфунг рўзгорин қора қилмас.

* * *

Шоми ҳижронимға, эй гардун, саҳар пайдо эмас,
Чекма захмат қатлимаким, ҳожати ялдо эмас.

Жоним олмоққа ажал хайлидурур кўюнг аро,
Итларингдин бошим узра ҳар тараф ғавғо эмас.

Настариндурким, юзунг ҳажрида қоилиғ кўз била,
Заъфарони юзга суртубмен, гули раъно эмас.

Ғунчадек кўнглум йўқ оғзинг ҳасратиға тушкали,
Ҳам онинг рангин ҳамоно туттиким, пайдо эмас.

Ҳар дам истиғноу нози юз гунаҳсиз қон тўкар,
Юз ажаб муҳлик балодур, нозу истиғно эмас.

Чарх жомида тўладур заҳри қотил қасдима,
Гар нашотим йўқ ажаб йўқ, соғари саҳбо эмас.

Шоҳлардин лутфу эҳсон даъб эрур ажз аҳлиға,
Барча шаҳлар золим, ондоқким бизинг мирзо эмас.

Эйки мендек телба эрмас сен, жиҳат ушбу экин
Ким, нигоринг бир пари пайкар малаксиймо эмас.

Зикру тасбиҳ истама мендин, Навоийким, ишим
Тунлар ул ой ҳажрида ҳар оҳу вовайло эмас.

* * *

Чок этиб кўнглумни очилсун демак осон эмас,
Ғунчани элда очиб, гул айламак имкон эмас.

Дема зоҳидким, недин ҳайронсен ул рухсориға,
Олам ичра бир киши топким, анга ҳайрон эмас.

Қатра сулардур кўнгул ўтиға таскин бергали
Ким, ул ой ёғдурди қоши қавсидин пайкон эмас.

Ҳажри даштида қуюндекмен, вале ул мен киби
Хоксору бодапаймо доғи саргардон эмас.

Гарчи ҳуснунг кўзгудин кирди темур қўрғон аро,
Меҳрдек ойинагун афлокдин пинҳон эмас.

Гул вафосизлиғларидин шарҳ этар минг достон,
Эл гумон қилған киби булбулда минг достон эмас.

Эй Навоий, ул паридин одамийлиқ кўрмасанг,
Айб эмас, ул ҳурдур ёхуд малак, инсон эмас.

* * *

Бизга ул маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас,
Кўнгли ичра ҳар неким, анинг тилида бор эмас.

Тилга келган кўнглум ўтипким, менга ул бағри тош
Тил била ғам ер, кўнгул бирла вале гамхор эмас.

Кўнгли ўзгадир, тили ўзга, не чора қилғамен,
Кўнгли юз фикру тили бирла бири изҳор эмас.

Не тилим, не кўнглум аҳволин билур ул шўхким,
Кўнгли гам неши, тили оҳ ўтидин афгор эмас.

Ёр улдурким, тилию кўнгли анинг бўлса бир
Ким, тили ўзгаю, кўнгли ўзгадур ул ёр эмас.

Кимки кўнглин истамас ғамгин тилипи асрадик
Ким, тилии тийган кишинипг кўнглида озор эмас.

Демаким дардингни шарҳ эт, ё кўнгул, ё тил била,
Кўнглум эрмастурми бехуд, ё тилим нокор эмас.

Қайси тил бирла дейин кўнглум тилайдур хонақаҳ
Ким, тилу кўнглум аро жуз кулбаи хаммор эмас.

Шоҳ мадҳида Навоий кўнгли ганжу тил калид,
Йўқса кўнглию тилида нуктаю гуфтор эмас.

* * *

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинким, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, танидм бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

* * *

Менинг расволиғимға бодаи гулгун эрур боис,
Майи гулгун ичарга соқийи мавзун эрур боис.

Паривашлар жафосиға гина бил телба кўнглумдин,
Буким тош ёғдурур атфол, анга мажнун эрур боис.

Фалак бежурм эрур, ғам келса бу маҳзун сориким, ҳузн
Топиб ўз жинсини келмоққа бу маҳзун эрур боис.

Совурсам кўкка туфроқ, дард водийсида тонг йўққим,
Қуюндек бўйлаким саргаштамен, гардун эрур боис.

Не тонг бу телба оғзида сўзи доим ул ойнингким,
Пари васлиға аксар эл аро афсун эрур боис.

Лабинг жонбахш аёғдин бошинга қотил не айб ўлсам,
Тирилмоқликдин ўлмоқликка чун афзун эрур боис.

Рақибингға десам лаънат, ери борким сенга ноҳақ,
Менинг қонимни тўктурмакка ул малъун эрур боис.

Ридо дайр ичра раҳн этганга чун қилдинг ғазаб, эй шайх,
Яна ёзғурма борсам ул сари марҳун эрур боис.

Навоий бода ичмас, лек чун соқий қадаҳ қуйди,
Ул офат шакл эрур муъжиб, бу дилкаш ун эрур боис.

* * *

Менинг мажнуплуғумға ишқу савдо гар эрур боис,
Ва лекин бу иккига бир пари найкар эрур боис.

Дема боис недуркпм, талпинурсеп ҳар кеча то субҳ,
Тикилган кирпикингдин жонға юз ништар эрур боис.

Кўнгулда оташин лаълинг ғами, айб этма куйсамким,
Туташмоққа таним хошоки ул ахгар эрур боис.

Ўқунгдин пар чвқардим, кўюнга қилсам ҳаво тонг йўқ
Ки, учмоқ майли қилмоққа бу болу пар эрур боис.

Фироқинг бимидин юз қатла жоп бергай эдим, лекин
Ҳаётимға умиди лаъли жонпарвар эрур боис.

Чу мендин юз уюрдунг тонг эмас, бошингға эврулсам,
Бу саргардонлиғимға гардиши ахтар эрур боис.

Агар раҳн ўлди тасбиҳу ридо майхонада, эй шайх,
Ичарга дайр пири илгидин соғар эрур боис.

Фано баҳриға чўммоқдин ғараэ толибқа васл ўлди
Ки, ғаввос ўлмакига ғарқ ўлуб, гавҳар эрур боис.

Навоий жисмининг ваъфиға боис бўлди бедиллиқ,
Вале бедиллиғин сўрсанг, анга дилбар эрур боис.

* * *

Менга соғинмаким ул дилрабо эрур мунис,
Ки дарди ҳажрида юз минг бало эрур мунис.

Ниёзу ажзидин ар ўлса дам-бадам не ажаб,
Гадовашики, анга подшо эрур мунис.

Чу ишқ бодияси келди дашти истиғно,
Шаҳ ўлди зор анга, гар гадо эрур мунис.

Вафосиз англаса ўз умри-ўқ гумон қилди,
Ангаки умрида бир бевафо эрур мунис.

Хаёл бўлди тапим заъфдин таносиб учун,
Бу дамки ёр хаёли манго эрур мунис.

Бу дашт қатъида ҳамроҳ эрур қадам урмай,
Ангаки сокипи дайри фаио эрур мунис.

Навоий упски булбул била тутар, тонг йўқ,
Бу бенавоға гар ул бенаво эрур мунис.

* * *

Кишига берса ғаму меҳнати даврон танқис,
Яхшироқким, анга бергай ғами ҳижрон танқис.

Берса танқис ғами ҳажр доғи онча эмас
Ким, берур рашк била ғайрати жонон танқис.

Истасам ўқипи кўксумда будур ваҳмимким,
Тонмағай тийра кўнгул ҳабсида жонон танқис.

Мен уруб пўя жунун даштида, лекин не осиғ
Ким, эрур кўнглума ғам чоҳида пинҳон танқис.

Кўйидин рахти сафар боғласа ағёр не тонг,
Боғу гулшанда кўрар ғули биёбон танқис.

Чархдин заъфим ила бўлса малолим не ажаб,
Кўрар ул Зол била Рустами Достон танқис.

Эй Навоий, бас эрур телбалик эмди, берма
Ул паривашқа чекиб нолау афғон танқис.

* * *

Қилмади жонимни ҳижрон бандидин даврон халос,
Мен нетиб ўзни халос истай, чу бўлмас жон халос.

Ўқини чекконда пайкондин халос ўлди, вале
Бўлмади тутқон сўнгаклар ҳабсидин пайкон халос.

Жон менга, мен жонға, ўлмак истар эрдим онсизин,
Мени жондин, жонни мендин айлади ҳижрон халос.

Ул пари ишқни демангг ёшурки, ул таклифдин
Телбалик узри била бўлдум мени урён халос.

Ўйла мўҳликдур ғами ҳижрон, агар васл ўлмаса,
Ё ўлум, андин киши бўлмоқ эмас имкон халос.

Жон бериб, душворлиғлар бирла даврон аҳлидин,
Кимки махлас топти, бўлғон бил они осон халос.

Ул пари шайдоларидин, эй Навоий, истарам
Ўйлаким, ҳуш аҳлидин мажнуни саргардон халос.

* * *

Жонға лаълингдин бир ўпмакдур қиёса илтимос,
Лаълинга ҳам жонни куйдурмоқ алоҳозал қиёс.

Кўнглума зарбафт хилъат шўъласидурким эрур,
Тош аро бўлмоқ ниҳон Фарҳодга хоро либос.

Деди кўнглум, кеча тонг йўқ пос агар тутса кўзум,
Ваҳки, уйқум йўқтурур тундин ўтубтур неча пос.

Ўт сочар ишқинг ҳаросон бўлса кўнглум йўқ ажаб,
Аждаҳодин тонг эмастур мўрға бўлмоқ ҳарос.

Кўнглум ичра мазраи сабрим ўрулмай қолмағай,
Ҳар сўнгак ёпимда чун қатъиға опинг келди дос.

Хизмат эттим хопақаҳ шайхиға, қадрим билмади,
Дайр пири бандаси менким, эрур бас ҳақшунос.

Эй Навоий, кисвати фақру фано сол эгнинга,
Йўқса хирқанг тенгдурур гар атлас ўлсун, гар палос.

* * *

Эй, сенинг ханжари ҳажринг ёраси жонима хос,
Ҳар жунун тошики отсанг, тани урёнима хос.

Шоҳ қасрида тиланг айшу тараб хосларин
Ким, эрур хайли бало кулбаи вайронима хос.

Уйқу хос ўлди мениг бахти гаронхобимға,
Уйқусизлиқ нечаким дийдаи гирёнима хос.

Тортмоқ зулму ситам жонима хос ўлғондек,
Қилмоқ ул иккини ҳақ айлади жононима хос.

Эй ажал, ҳажр туни жопима қасд айлама кўп
Ким, ҳалок этмак эрур меҳпати ҳижропима хос.

Хўблар нозидип ўлмиш мутанаффир кўнглум,
Негаким, бўлди бу ойип кўнгул олғонима хос.

Истама боғда булбул упидип ишқ асари,
Эй Навоий, ким эрур бу сифат афғопима хос.

* * *

Рақиб ул навъ эрур жононға махсус,
Ки муҳлик дарди онинг жонға махсус.

Жунун тошин либос аҳлиға отманг,
Ки ул бўлмиш менинг урёнға махсус.

Бузуғ жисмимда турмас аор кўнглум,
Агарчи чуғз эрур вайронға махсус.

Висол аҳлию дарду ғам не, яъни
Ки, бор ул ожизи ҳижронға махсус.

Деманг Мажнунни ёр оллида ўлмиш
Ким, ул иштур бу бесомонға махсус.

Не тонг даврон элига бевафолиғ,
Чу бу ойин эрур давронға махсус.

Суруду айш ком аҳлиға бўлмиш,
Навоий нолау афғонға махсус.

* * *

Қўп, эй боди сабо, жонон сори эс,
Масиҳ анфоси янглиғ жон сори эс.

Онинг кўйида қил арзи ниёзим,
Даме ул равзаи ризвон сори эс.

Даме гул бирла сунбул хайлидин ўт,
Замоне лолау райҳон сори эс.

Чу ул гулшандин ўлдунг руҳпарвар,
Ёниб бу кулбаи аҳзон сори эс,

Исидин бер танимға руҳ яъни,
Ки бу фарсудаи ҳижрон сори эс.

Фано даштида, эй ҳижрон самуми,
Қуюн янглиғ бу саргардон сори эс.

Навоий чун ўлар, эй сарсари оҳ,
Бузуғлуғ қилғоли даврон сори эс.

* * *

Вафодин чекса бош ул сарви маҳваш,
Ажаб эрмастур ўлмоқ сарви саркаш.

Замона аблақи қолғай равишдин,
Ул ошуби замон секратса абраш.

Кеча зулфунгни туш кўрдум паришон,
Бу кундур хотирим асру мушавваш.

Жаҳон қўзғолди офат сарсаридин,
Йигит жонинг учуп отланма сархаш.

Муқомирваш ҳарифе кўнглум олмиш,
Ки ғаш қилғон сойи кўнглум қилур ғаш.

Кўнгул ваҳдат майининг жоми эрмиш,
Бу соғар сода яхши йўқ мунаққаш.

Навоийнинг жунунин айб қилманг
Ким, ани телбаратмиш бир париваш.

* * *

Эй, гулшани ҳусн ичра хатинг сабзаи дилкаш
Ким, атри этиб руҳ димоғини мушавваш.

Ул кўзга эмас ҳожати соғар, негаким бор
Қон ичмак ила масту майи ноз ила сархаш.

Оламни агар қўзғабон ўт солса, тонг эрмас,
Ул шўхки сархуш чиқибон, секратур абраш.

Руҳониятим ғолиб эрур, токи ичиб роҳ,
Жомимға солур аксини ул ҳури париваш.

Давр аҳлида йўқ софки, онинг ғаши йўқтур,
Жуз соқийи давр илгида софий майи беғаш.

Зоҳид, сену кавсар, бизу муғ дайри, нединким,
Бир заҳри балокаш бизу сен нўши риёкаш.

Ғайрингдин ориғ айлади кўнглини Навоий
Ким, бут рақами бирла бу уй эрди мунаққаш.

* * *

Ул нариваш одамивашлиғлар айлаб қилди хаш,
Ҳар сари ким, бир малакваш бор эди девонаваш.

Айтмон жом оғзинга етгач, менинг оғзимга қуй,
Умри жовид истасам басдурки, бўлсам журъакаш.

Лаъли ҳижронида кўнглум бехуд ўлса, айби йўқ
Ким, жароҳатдин чу қон айрилса тонг йўқ бўлса ғаш.

Ёр чун жопимда махфийдур, тафовут йўқтурур,
Жилва қилса зоҳиран гар минг йиғоч, гар бир араш.

Чун малоҳат жон олур ҳусн ичра ани истагил,
Хоҳи дилбар кишвари бўлсуп Хўтан, хоҳи Ҳабаш.

Соқийи даврон чу охир тўлдурур паймонамиз,
Эмдидин варзишқа ўзни айлали паймонакаш.

Эй Навоий, муҳтасиб дайр ичра кирди, бермасанг
Раҳну майпалоға бас лойиқдур ул дастору фаш.

* * *

Кирпикинг нешдуру ғамзангу ҳажринг ҳам неш,
Не ажаб кўксуму кўнглум била бағрим доғи реш.

Сўрдунг эл кўнглини, сўрғил чу дедим кўнглумни,
Решға кимса илож айламамиш, санчиб неш.

Кўнглум андишаси васлингдурур, уммед буким,
Ҳақ муродиға текургай, чу эрур хайрандеш.

Кўзларинг кеши эрур куфр эмас ҳеч ажаб,
Аҳли ислом сени гар десалар кофиркеш.

Боғладинг зулф ила кўнглумни, халосин тиламоқ,
Беркрок чекколи шоядки дегайменким беш.

Неш сўл кўзига етганда гар ўтру тутмас,
Ўнг кўзин айни ризо, они демайдур дарвеш.

Дўстунг деди: Навоий ўзини, билмонким,
Не учун бўлди онинг душмани бегонау хеш.

* * *

Шомким тун пардасидин истади ихфо қуёш,
Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо қуёш.

Йўқки чун кирди шабистон ичра зулфи шомидин,
Оrази чун бўлди пайдо, бўлди нопайдо қуёш.

Базм чун тузди жамоли ламъасидин, йўқки шамъ,
Балки зоҳир айлади бир соғари саҳбо қуёш.

Субҳға тегру юзидин равшан эрди базми айш,
Ўйлаким эл хотириға келмади асло қуёш.

Ламъаи рухсоридин қасринда ҳар айвон аро,
Зарварақдин шамсалар эрдиму билмон ё қуёш?!

Маст ўлуб оразни чун майдон аро қилди ниҳон,
Сарғариб титраб чиқарди пардадин сиймо қуёш.

Оҳким, бир рубъи маскундин чиқиб кўп бўлғуси
Жилвагар тўртунчи торамдин Масиҳосо қуёш.

Қилма, эй ғаввос, кўп ишқ аҳлининг ашкини манъ
Ким, сену ғалтон чиқар андешаси ушшоқу ёш.

Бил, Навоийким, тафовутдур қуёшдин ойғача,
Айласанг наззора ул ой оразидин то қуёш.

* * *

Демагил мужгонким, ул кўз қасди аҳбоб айламиш,
Ким темурдин нешлар айлаб, сияҳтоб айламиш.

Холу хатдин мусҳафи рухсорига килки қазо,
Мушк бирла нуқта, анбар бирла эъроб айламиш.

Уйқудин бош қўйғай ул кўз сажда худ қилғуси йўқ,
Кофиреким масиғдин азми меҳроб айламиш.

Тўлғади жои риштасию тори зулфи хуштурур,
Гар бир ип эшмак учун ул иккини тоб айламиш.

Номабар қуш ёрдин келгач, ўлармен шавқдин,
Жон чекарга гўйи тирноғини қуллоб айламиш.

Эй хуш улким, бу ҳаводис дайрига кирган киши
Чиққуча, даврон они масти майи ноб айламиш.

Эй Навоий, заврақи умрунг қутулмаским, қазо
Даврига онинг фалак баҳрини гирдоб айламиш.

* * *

Келки, ҳижронинг мени маҳзуни бадҳол айламиш.
Юз туман дарду бало хайлиға помол айламиш.

Оразингдин ўзга юз кўрмактин айлаб кўзни кўр,
Дарди ишқинг элга айтурдин тилим лол айламиш.

Ҳам бошимни гард ила мапкуби ҳижрон айлабон,
Ҳам танимни тош ила мажруҳ атфол айламиш.

Сен гули раъно фироқидин сориғ чеҳрамни ашк
Қатра-қатра қон ила тим-тим томиб ол айламиш.

Хотирим озурда айлаб ёр ила ағёрни,
Ёру агёримни мендин фориғулбол айламиш.

Фурқатингдин ўлмаган бўлсам эмас мендин гунаҳ,
Чарх они комим кўруб саъйида эҳмол айламиш.

Тушканим Мажнун била Фарҳод аёғиға қўруб,
Гаҳ танимни «нун» қилиб, гоҳе қадим «дол» айламиш.

Эй кўнгул, дип аҳли зарқидин малул эрсанг, сипеҳр
Дайр пирин бўйла мушкилларга ҳаллол айламиш.

Ҳажр аро маст ўл, Навоийким, фараҳ касбига ишқ
Майни ёқути музобу лаъли сайёл айламиш.

* * *

Сабзаи хат оразинг боғини хазро айламиш,
Гулшани рухсоринг ўзга ранг пайдо айламиш.

Ҳар дам ўлмиш хатту лаълингдин юз онча ошкор,
Ҳар не ишким умрида Хизру Масиҳо айламиш.

Ваҳ, не шайдоваш йигитдурким чиқиб олифтавор,
Юз туман олифтани ишқида шайдо айламиш.

Қоматим ё, юз уза ашкимдин этмиш новлар,
Улки онинг кирпикин новак, қошин ё айламиш.

Не тамошодурки юз минг халқ ўлмиш ҳар қачон
Ким, ани эл, йўқса ул элни тамошо айламиш.

Бўлмамиш пайдо менингдек зору сендек раҳмсиз,
Тенгри то меҳру муҳаббат расми пайдо айламиш.

Эй саломат аҳли, бутронгким мени бир муғбача
Дайрдин усрук чиқиб бу навъ расво айламиш.

Фард бўлким, ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк,
Ким фано йўлида тарки аҳли дунё айламиш.

Кўп Навоийнинг мусаллоу ридосин сўрмаким,
Бирни раҳни бода, бирни бодаполо айламиш.

* * *

Вўсма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличиға яшил қин айламиш.

Кўнглум ўтин демаким, тортар забона зулфидин
Ким, ул афъи тил чиқормоғлиғни ойин айламиш.

Сунбулупг афъисидин захме емиш гўё тароғ,
Йўқса кевчун оразин боштин-оёқ чин айламиш.

Титрагучдин қилмиш ул кирпик ясолиға алам,
Ваҳ, яна то не кўнгул яғмосиға кин айламиш.

Ўйладурким, илгини ҳино уза қилмиш нигор,
Улки гулгун кўнглак уара тўнин энкин айламиш.

Раз қизидин, соқиё, бир дам мени шод айлаким,
Чарх воли ғуссасн кўнглумни ғамгин айламиш.

Гар Навоийға Сулаймон мулкича бордур не тонг,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.

* * *

Лаъли ишқ аҳлидин онча ғорати жон айламиш
Ким, ўлукка жон берур ойинин осон айламиш.

Кўйида атфол ушшоқ ўлтурур бедод ила,
Шаҳ магар шаҳр ичра ит қатлиға фармон айламиш.

Субҳи айшим истамиш ғам шомиға бўлмоқ бадал,
Йўқса невчун юз уза зулфин паришон айламиш.

Ё раб, ул тунни ёрутма меҳр бирла то абад,
Ким ғарибе меҳрибон ёрини меҳмон айламиш.

Аҳли даврон кўнглум ошубин нетиб манъ айлагай,
Ким ани ошуфта бир ошуби даврон айламиш.

Гул киби соч хурдаким, ел йиртибон торож этар,
Ғунчаким ўз нақдини оғзида пинҳон айламиш.

Эй Навоий, демаким бағрим эритмиш ишқ ўти,
Ким ани ҳижрон кунининг андуҳи қон айламиш.

* * *

Ёрким, ёғлиғ била кўксум яросин боғламиш,
Анда ўт тушмиш, кўнгулдин қон тарашшуҳ қилмамиш.

Буки пора-порадур куйган бағир бирла кўнгул,
Итлари оллида ул кофир ҳамоно тўғрамиш.

Риштаи зулфунгдаким, тутмиш гиреҳлар беҳисоб,
Гўиё қатл айлаган элнинг ҳисобин асрамиш.

Бир киши савдойи ўлмай қолмағай бу навъким,
Олам ичра сунбули зулфин насими бутрамиш.

Бошима тиғ урди, кўксум чоку багрим қилди захм,
Масти бебоким дедим, қаҳр этмиш ул хоҳ ўйнамиш.

Ҳар сари бир захмлиғ узвум узулган топмиш эл,
Нотавон жисмимниким, кўйида итлар судрамиш.

Олам аҳли ичра билдик, муғтанам ҳар кимсаким,
Ҳар вафоға минг жафо айлар кишига учрамиш.

Қўзғама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида
Қолмамиш қўзғалмайин улким, бировни қўзғамиш.

Изтиробидин Навоий кўнгли бир дам тўхтамас,
Сенсизин соғинмаким ғурбатда кўнгли тўқтамиш.

* * *

Зулфиға ҳар ён гиреҳ тушган эрур бас турфа иш,
Неча ерда телба кўнглум қасдиға бел боғламиш.

Равшан айлар шўъла устидин кўруиган дудпи,
Маҳвашим эгнида олтойи била бошида киш.

Ёр жоним қасдиға ҳар дамки тишлар лаълини,
Маҳкам айлармен фиғон қилмай дебон оғзимга тиш.

Зор жисмимға не тонг саргашталикдин тушса ўт,
Ўт аён айлар иликда давр кўп топқон қамиш.

Лаълидин жон олғали бординг, келибсан жон бериб,
Эй кўнгул, мардона бординг, ул боришқа — бу келиш.

Ғарраи ҳусн ўлдунг, эй гул, билмадинг бу боғ аро,
Ҳар баҳоре келса, андин сўнг хазони боғ эмиш.

Қон иси келди Навоий назмидин, эрмас ажаб
Ким, бағир қони била кўнглида топмиш парвариш.

* * *

Нечаким қатл била ноз эрур ёрға иш,
Ўлмаку арзи ниёз ўлди мени ворға иш.

Хаста кўнглум тиласа васли шифосин, не ажаб,
Ғайри сиҳҳат не ҳавас бўлғуси беморға иш.

Банди аулфида тилар кўнглум ўзин маҳкамроқ,
Гарчи махлас талаби бўлди гирифторға иш.

Қопи тўлғон неча дин аҳлин асир этти кўзи,
Бўлди пайдо ина ул кофири хунхорға иш.

Марҳам ўрниға кўнгул вахмини тирмор ул шўх,
Дўстлар, саъб тушубтур бу дили афгорға иш.

Ўлтурур ўткану қолгон бошоғи кўнглумда,
Эй фалак, қатлим эрур собиту сайёрға иш.

Жуз вафо аҳлиға саргашталик этмак ойин,
Гўиё қисмат эмас гунбази давворға иш.

Олам аҳлида чу йўқ ёрки, меҳр ўлғай иши,
Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш.

Эй Навоий, ўзунгга олам ишин осон тут,
Гар десанг тортмасун эл бўйла душворға иш.

* * *

Ҳар нечанким жавру истиғно эрур жононға иш,
Жуз ниёзу ажз не бўлғай мени ҳайронға иш.

Шавкат аҳли ёр лаълидинки ком этмиш тамаъ,
Эй кўнгул, ўлсам не тонг, чунким тушубтур жонға иш.

Ашку оҳимдин агар кўнглум бузулса не ажаб,
Мулку кишвар бузмайин не бўлғуси тўфонға иш.

Ҳажр даштида қуюн бирла югурмакдур ишим,
Мундин ўзга бўлмағай мажнуни саргардонға иш.

Боданўшум тавба таркидинки қилди тарки ҳуш,
Эй кўнгул, тушти яна мен зори бесомонға иш.

Жон олибким ваъда побўс этти, мумкин йўқ вафо,
Чунки ёлғон ваъдадур ул ваъдаси ёлғонға иш.

Неча жон қилдим фидоси, одамилиғ топмадим,
Тушмасун, ё раб, пари жинси била инсонға иш.

Гар Навоий куйди ҳажр оташгаҳида, йўқ ажаб,
Ўртамакдин ўзга бўлмас шўълаи ҳижронға иш.

* * *

Ишқ ичинда жуз ўлум мушкилки бўлғай бизга иш
Ким, бўлубтур жон била ғамзанг аро бориш-келиш.

Қон оқар ҳар ён танимдинким, фироқ айёмида,
Қўймадим узмай таабдин ҳар қаён урғонда тиш.

Куйида машъал юриткандек кўринди тонггача,
Ул худ ўтлуғ зор саргардон менинг кўнглум эмиш.

Кеча ой даврида икки саъд кавкаб кўрмаган,
Кўр юзу икки қулоғи дурларин кийганда киш.

Заъфлиқ саргашта жисмимдин ажаб йўқ чиқса ўт,
Чунки ўт зоҳир қилур кўп давр топқондин қамиш.

Даҳр иссиғ-совуғидин гар фароғат истасанг,
Оби оташ рангни қўйма иликдин ёзу қиш.

Эй Навоий, чобукунгнинг истасанг побўсини,
Бўйнинга ип тоқмоқ уммеди била итдек эриш.

* * *

Бизга йўқтур олам аҳлидин жафодин ўзга иш,
Ҳар замон юз дарду ҳар дам юз балодин ўзгариш.

Оҳким, андин жафодин ўзга келмас ўтруда,
Гарчи мендин келмади ҳаргиз вафодин ўзга иш.

Менмену ошиғлиқ, эй носиҳки, умрум борида,
Бошима жуз ишқ келмайдур қазодин ўзга иш.

Зулфи занжири аро минг зулм кўрсам, эй кўнгул,
Жуз тазаллум истама мен мубталодин ўзга иш.

Нозу истиғно неча кўргузса ул султони ҳусн,
Жуз ниёзу ажз не келгай гадодин ўзга иш.

Хизматиға қайси юз бирла борайким, келмамиш
Тийраликдин ўзга мен юзи қародин ўзга иш.

Дўст лутфидин умидим ончадурким, ғайри афв
Истайолмон, гарчи қилмаймен хатодин ўзга иш.

Эй Навоий, ваъдаи васлиға бўл хурсандким,
Чарх ногаҳ қилмағай зоҳир ародин ўзга иш.

* * *

Куйдуму топтим кўнгулни ўтға солғондин бу иш,
Ё кўнгулдиндур менга ё кўнглум олғондин бу иш.

Ваъдаи меҳр эттинг охир ҳар не эл қилса хаёл,
Келгай, аммо келмагай сен аҳди ёлғондин бу иш.

Дер эмиш кўнгли тўлошкум майидин бу айш оҳ,
Қайда келгай мен киби кўнгли ушолғондин бу иш.

Андин айру ўлмайин кўрганда жон қилдим фидо,
Қилмангиз таҳсинки, қилмишмен уёлғондин бу иш.

Телба кўнглум қочса савдо даштиға айб этмангиз,
Қилди ғам зиндони ичра кўп қаболғондин бу иш.

Гарчи муҳлик ишқ аро туштим кўзумни ҳам ўюнг
Ким, бошимға келди кўз ул сори солғондин бу иш.

Гар Навоий ҳажр аро ўлтурди ўзни йўқ ажаб,
Қилди ёри васлидин навмид қолғондин бу иш.

* * *

Мен гадоға ҳар неча кўйи сари бормоқдур иш,
Тўъма солмоқ итгау дарбонға ёлбормоқдур иш.

Қон бўлуб итган кўнгулни истаю ул равзада,
Ғунчалар хайлиии гулбунларда ахтармоқдур иш.

Ул сари борурда жон бирла кўнгулни рашкдин
Ҳар бирисин юз баҳона бирла қайтармоқдур иш.

Тийра кўнглумда хаёлиға малолат ваҳмидин,
Нотавон жисмимни ҳар ёндин тутуб ёрмоқдур иш.

Тушса илгимга ити, азбас ниёзу меҳрдин,
Они мен Мажнун қўлидин элга қутқармоқдур иш.

Май тағорин тут десам, соқий, тажанмаким, санга
Иш ани тутмоқ ва лекии бизга синқармоқдур иш.

Телбараб ҳар дам бўлур ғойиб Навоий, нечаким,
Бизга они ақл кўйи сори бошқармоқдур иш.

* * *

Ҳар кун ақшомға ҳажрингда менга зорлиғ иш,
Кеча тонг отғуча андуҳ ила бедорлиғ иш.

Иш вафо қилмоқ эрур гар қила олсангки, эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.

Ишқ аро қочма кўйигул хору забунлуғдинким,
Ошиқ ўлғанға забунлуғ бўлуру хорлиғ иш.

Лутфу дилжўлиғ эрур хўб паривашларға,
Эй пари, билки, эмас жавру дилозорлиғ иш.

Тақво аҳлиға билинса эди чарх авзои,
Айлагайлар эди бу дайрда хамморлиғ иш.

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор
Сенга дилдорлиғ иш, бизга дилафгорлиғ иш.

* * *

Дарди кўп урён танимға юз туман доғ ўлмамиш,
Токи ҳар бир дардиға бир доғ этар чоғ ўлмамиш.

То кўзунг ойини усруклукдурур беморлиғ,
Заъфлиғ сармаст кўнглум лаҳзаи соғ ўлмамиш.

Ғам туни ул ойдин айру айламиш анжум харош,
Ҳар тараф кўксумни гўё ранжа тирноғ ўлмамиш.

Поя ишқ аҳлиға олийдур, йўқ эрса халқдин
Қочқали Фарҳоднинг манзилгаҳи тоғ ўлмамиш.

Фони ўлким, дайр пири журъасидин баҳравар
Бўлмамиш, ҳар кимки бу дайр ичра туфроғ ўлмамиш.

Не асар қилғай кўруб қонлиғ таним узра туган,
Сенки ҳаргиз май томиб, гулгун тўнунг доғ ўлмамиш.

Эй Навоий, васлиға сендин кейинрак йўқ киши,
Кимса гарчи ошиқи сендин бурунроқ ўлмамиш.

* * *

Не хам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиш,
Не кирпиклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиш.

Не печу тоби ҳадсиз доми зулф эркинки, очилғач,
Демай кўнглум қушиким, ўйла юзни мубтало қилмиш.

Не кўзлардурки, олмиш кўз юмуб очқунча кўнглумни,
Қилиб бир гўшада бемор, қисми юз бало қилмиш.

Не ораз лоласидурким, кўнгулни қон этиб дарди,
Туган қўймоқ била дафъиға ул қонинг даво қилмиш.

Не нозик хўй эрурким, айламиш ўтруда юз дашпом,
Гадоеким, анинг зулфу кўзу қадди дуо қилмиш.

Бировким, жаипату дўзах сўзин шарҳ айламиш гўё,
Киноят важҳи бирла васлу ҳижронни адо қилмиш.

Ажаб кўр ишқ ароким, мўр этарга аждаҳоларни,
Фусундин мўрхатлар қайди зулфин аждаҳо қилмиш.

Қазодиндур менга ишқ ўйнамоқ, эй носиҳи подон,
Кўрубсенму киши ҳаргизки, тағйири қазо қилмиш.

Навоийдек халосим йўқ эди ул ғамза куфридин,
Хусусан зулфи зуннори доғи бўйнумға тоқилмиш.

* * *

Шабистонимда жом ичра юзунг акси чароғ ўлмиш,
Чароғимға валекин жом зарфу бода ёғ ўлмиш.

Дирам узра дирам туггап киби пинҳон хирад аҳли,
Гиреҳлик кўнглум ичра ишқдин дог узра доғ ўлмиш.

Илож айлай десанг, қўй, ислайини себи занахдонинг,
Менгаким, сунбулунг савдосидин заъфи димоғ ўлмиш.

Кўзунг наргис, узоринг гул, қадинг сарву сочинг супбул,
Бузуғ кўнглум хаёлидин буларинг турфа боғ ўлмиш.

Не қилсанг эмди қил кўнглумгаким, торожи ишқингдин
Шикебу илму ақлу зуҳду тақводин фароғ ўлмиш.

Ажаб Фарҳод эрур ширин лабинг шавқида кўнглумким,
Анга найконларинг метину, ишқинг қофи тоғ ўлмиш.

Тўла қуй жоми гардунвашқа май, эй соқийи маҳваш,
Ки ғам хайлини ғарқ айлар тенгиз бу навъ аёғ ўлмиш.

Май ичким, дарду ғам бир лаҳза соғ ўлмоққа қўймайдур
Аниким, бу кўҳан майхонада бир лаҳза соғ ўлмиш.

Навоий тийра шомин кавкаби ашки қилур равшан,
Бу юлдузлар анга гўёки дурри шабчароғ ўлмиш.

* * *

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш.

Анга басним ёғар тош устига тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урардин дам-бадам хороға бошин,
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор
Хазу синжоби хору хора бўлмиш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди қониким, ғамидин
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингға чорасизлиқ чора бўлмиш.

* * *

Сўз демай икки шакардек лабиким банд ўлмиш,
Кула олмастин иши эмди шакарханд ўлмиш.

Кўнглума барча шикоят ери йўқ, андинким
Тийғидин чок эса, ўқи била пайванд ўлмиш.

Гулдин олмон кўзу исмармен ани невчунким,
Ранг ила бўйи менинг ёрима моанд ўлмиш.

Бутун эрмас бу кўнгул шишаси аҳдингдекким,
Синмишу ҳар синуқ андин неча парканд ўлмиш.

Юзи бирла лабини кўрса қилур кўнглум заъф,
Гар кўнгул қувватининг мужиби гулқанд ўлмиш.

Ул пари то мени девонау расво қилди,
Ваҳки, Мажнун менинг оллимда хирадманд ўлмиш.

Ранжа бўлма тилаб ортуқки, эрур осуда,
Улки, ҳақ ҳар не насиб айлади, хурсанд ўлмиш.

Хосса маъниларим эл қилса тасарруф қилдик,
Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш.

Қовма, эй шайх, Навоийни эшитмас деб панд,
Ким сенинг пандинг эшитмаслик анга панд ўлмиш.

* * *

Кўпгулким зарпишон пайконларингдин нотавон бўлмиш,
Магар бу боғ аро ул барглар бирла хазон бўлмиш.

Гули раъно киби коғаз уза номингни ёзмаймен,
Сариғ эрди юзи хуноби ашким бирла қон бўлмиш.

Юзумни ашкму йўллар қилибтур, ё назар пайки,
Сени истарга кўп ҳар ён югурмакдин нишон бўлмиш.

Қуруғ шохедурур жисмимки кўз даврида кирпикдин,
Хаёлинг қушлариға анда икки ошён бўлмиш.

Кўзум хуноб аро бўлмиш биайниҳ ўйлаким, кўнглум
Қароси қон аро кўнглумдаги доғи ниҳон бўлмиш.

Сиришк оллида мужгон шохи санчиб боғлайин дермен,
Йўлин бу селнингким, элга андин кўп зиён бўлмиш.

Юзунг ҳажрида билким қон ёшим оқмиш чаман ичра,
Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул арғувон бўлмиш,

Мурассаъ қилма чатринг ложуварди атласин, эй шаҳ,
Гадо оллидаким бу навъ чатри осмон бўлмиш.

Навоийға деманг, ул тифл ишқин асрағил махфий,
Бу дамким ҳоли шаҳ атфоли ичра достон бўлмиш,

* * *

Олур жонимни ишқу манга дам урмоқ маҳол ўлмиш,
Бировдекким, тили онинг ўлар ҳолатда лол ўлмиш.

Эрур ҳар сори кескан наъл ё рахшинг изи билмон,
Таним туфроғи то жавлонгаҳингга поймол ўлмиш.

Ичиб қонимни ул кўзким қизармиш, иотавопедур,
Ки ҳам беморлиғда май чекиб, рухсори ол ўлмиш.

Таним то риштаи зулфунг хаёли бирла чирмашди,
Биайниҳ риштаи зулфунгга чирмашқон хаёл ўлмиш.

Қошинг ҳажрида тишлар бирлаким жисмимни нақш эттим,
Назора айлаким, бир найкари мушкин ҳилол ўлмиш.

Кўнгул боғида оҳим ўқлари қаддинг фироқидин,
Бори ғам бергали ҳар қайси бир раъно ниҳол ўлмиш.

Фано кўйига кирким, жисм ила жоми жаҳонбиндур,
Гадоким, жом анга бу дайр аро синғон сафол ўлмиш.

Сен уйқу ичрасен, хуршиди авжи давлатинг тушдур,
Ҳам ушбу тушда ул хуршид қад доим завол ўлмиш.

Юзунг кўргач Навоий кўнгли озди, зулфдин банд эт,
Ким ул мажнуп баҳори васлидин ошуфтаҳол ўлмиш.

* * *

Саҳоб эрмаски, кўкраб тоғ уза ҳар сори айлонмиш,
Ки дуди оҳу афғоним фалак тоқиға чирмонмиш.

Онинг илгидадур кўнглумки, ондин айрила олмас,
Тамом ул қуш масалликким, киши илгига ўргонмиш.

Кеча уйқу біровда бўлмаса не тонгки, кўюнгда
Тўшанмиш хорни остидау хорони ястонмиш.

Чоқилғоч ламъаи ҳуснунг, манга қолмас асар боқий,
Бировга не асар қолғайки, барқ ўтиға ўртонмиш.

Рақибинг ҳам, итинг ҳам кўнглума кўюнгда душмандур,
Ки тунлар то саҳаргаҳ тортмиш афғону кунгронмиш.

Жаҳон аҳлиға гар уйқу ҳаром ўлса ажаб эрмас,
Ки ноз уйқусидин ул кофири бебок уйғонмиш.

Мени ошуфтани ул туррадин қилмоқ халос ўлмас,
Ки жоним риштаси бирла анинг ҳар тори тўлғонмиш.

Замонға бовужуди бевафолиғ таън қилмангким,
Замона аҳлидин расми вафо бобинда сайлонмиш.

Манга зуҳду риёи хирқасидин ул палос ортуқ,
Ки юз қатла фано дайрида май лойиға булғонмиш.

Хушо муғ дайриким, бир дамда айлар муфлису расво,
Биравким умрлар ҳам молу ҳам номус қозғонмиш.

Навоий зуҳди ҳарфин тавба қилса, эй риё аҳли,
Анга келмас ўлум, бир ҳарзани гар ойтмиш-тонмиш.

* * *

Юзу энгида мунча латофат бўлур эрмиш,
Қошу кўзида мунча ҳам офат бўлур эрмиш.

Ҳуснидин анинг ҳур итиб қочди, пари ҳам,
Бир одамида мунча латофат бўлур эрмиш.

Моҳим юзини чунки қуёш кўрди — тутулди,
Мунча фалаки элда касофат бўлур эрмиш.

Лаълинг майиға чашмаи ҳайвонни қилиб зам,
Усрукрак эрур, мунча сарофат бўлур эрмиш.

Жавр этганида ўлмас эдим, гар анга сўнгра
Билсам эдиким, лутф изофат бўлур эрмиш.

Кирганда бало даштиға фикр эткай эдим, гар
Юздин бири, билсамки, махофат бўлур эрмиш.

Дебтурки, Навоий сўзининг бандасидурмен,
Бу лутф ила ул шаҳда зарофат бўлур эрмиш.

* * *

Чекиб жон риштасин чобуксуворимким каманд этмиш,
Кўнгул сайдин ҳамоно ул каманди бирла банд этмиш.

Фироқ ичра ажал заҳрин тут, эй соқийки, ишқ андоқ
Очиғ шарбатни бу қотиқ маразға судманд этмиш.

Тўкулмак қонингиз кўйида, ушшоқ, орзу қилманг
Ки, тийғи ишқ бу давлатқа бизни аржуманд этмиш.

Бул оҳимдин фалакка етсанг охир ишқ Мажнунким,
Бу ел имдод ила ул шуълани андоқ баланд этмиш.

Бу ҳам хуштурки, мониъ бўлғай эл наззора айларга,
Буким майдонида хоки таним гарди саманд этмиш.

Ониким севдиму юз минг балоға учрадим, йўқким
Манга ёлғузки, юз минг мен киби бедилға панд этмиш.

Ризо берким, қазоға йўқ тафовут, кимса юз қатла
Не келса оллиға хурсанд ёхуд бад писанд этмиш.

Сиёсат айларам мужгон синони бирла мундоқким,
Кўзум ул юзга густохона боқиб баҳраманд этмиш.

Навоий тарки зуҳду илм қилди, токи дилдори
Ичиб май туну кун худройлиғ бирла лаванд этмиш.

* * *

Паризодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малоик қушлари ул ҳалқамўлар бирла банд этмиш.

Самандингким, ёлиндек тез эрур, юз шукрким, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташгоҳига девона кўнглумни,
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.

Вафоға телбалиқдин нонисанд ўлсам, они кўрким,
Жафога кимни менга ул пари пайкар писанд этмиш.

Майи равшан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш
субҳ,
Даму афсун била баским анга изҳори панд этмиш.

Лабингда нўшу заҳри ҳажр оғзимда тонг эрмас, гар
Манга ҳар заҳрханд ўлғонда дил бир нўшханд этмиш.

Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилғон,
Менинг жонимни доғи ишқ бирла баҳраманд этмиш.

Биравким сарвдек озодаваш бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони ҳам сарсабз они, ҳам сарбаланд этмиш.

Навоий, кеч висол уммедидинким, ҳақ сени беҳад
Залилу, зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.

* * *

Ишқ кўнглунгга солиб дард, они қон этмиш,
Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Кўзларинг шўхлуғидинки эл эрди гирён,
Они бир шўх кўзи ишваси гирён этмиш.

Эмди аҳволима шоядки ичинг куйгайким,
Шарари кўнглунг аро ишқ ўти пинҳон этмиш.

Билгасен тийги фироқинг била кўнглум чокин,
Эмдиким ҳажр сапга чоки гирибон этмиш.

Хори ҳижрон тапига чун тикплур, англағасен,
Улча жопимға мепипг ханжари ҳижрон этмиш.

Сенча кимдур боқибоп кўзгуга ошиқлиқ қпл,
Кўнглунг ар чошиии ишқ ила туғён этмиш.

Эй Навоий, магар оҳипг оип тутмпшки, кеча
Нечаким сен чекнбоп оҳ, ул афғоп этмиш.

* * *

Ул ой гар айни усруклуктин уйқу майлиға ётмиш,
Вале бир кўз юмуб очқунча юз минг фитна уйғотмиш.

Висолинг байъида суд этмиш ул тожирки, Юсуфдек
Агар минг бандаси бўлса, барин бу важҳ учун сотмиш.

Тўла гавҳар ақиқинг ҳуққасидин баҳри ашким кўр
Ки, кўк анжум била дурлуқ садафдек қаъриға ботмиш.

Сочинг савдосидин хайли малак мажнунваш ўлмиш бил,
Магарким олами арвоҳқа атрини бутротмиш.

Чаманда нақш банди номия кўп сарву гул нақшин
Чиқармиш, қайси бирни сарви гулрўюмға ўхшотмиш.

Ўқидин пар чиқормишменким, ул турки хадангафган
Қаёнким ғамзасининг новакин чекмиш, манга отмиш.

Қадаҳдин жон топибмен, гўиёким нўшлаб соқий
Ани мамзуж этарда оби ҳайвондин анга қотмиш.

Замон аҳли замона ранги бирла бевафодурлар,
Замона аҳлиға гўё замон ўз феълин ўрготмиш.

Навоий хасталиғдин дам урарға қуввати йўқтур,
Они гўё вафосизлар жафоси асру эмготмиш.

* * *

Ошиқ ўлдум, билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоғ балолар бор эмиш.

Қаддиға эл майли бўлғандин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бас турфаким,
Жоним этган реш эл бағрига кирган хор эмиш.

Риштаким муҳлик ярам оғзини тикти англадим,
Ким кафан жинси қироғидин сувурған тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриғ танға тушкан соядек
Сели ғамдин эмди соя ўрниға девор эмиш.

Жонга тахвиф айладим тиғи ҳалокидин анинг,
Билмадим бу ишдин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била
Ким, бировким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

* * *

Қомату рафторинг ул мундин, бу ондин хўб эмиш,
Жузв-жузвунг бир-биридин лутф аро марғуб эмиш.

Ҳар не қилса, ўт ёқар аҳли муҳаббат жониға,
Эй заиф аҳбоб, ул ой не бало маҳбуб эмиш.

Номасин бўйнумга осдим — дардима берди шифо,
Ул китобат ҳирзи жон эрмиш, деманг мактуб эмиш.

Гар тутуб Лайли отин, Мажнун қилур эрмиш фиғон,
Ондин эрмишким, жунун оиниға мансуб эмиш.

Ёр отин жондин чиқориб, тилга мазкур айламак,
Ошиқи фарзона оллинда қачон маҳсуб эмиш!

Ҳажрдин невчун талаб водийсида қилдим фиғон,
Чунки толиб бирла эрмиш, кимсаким матлуб эмиш.

Бўлмаса ҳеч иш, ўзидин бехабарлиқ басдурур,
Ишқи ғолиб илгида ҳар кимсаким мағлуб эмиш.

Фони ўлсанг, кир фано дайриғаким, йўл тонмамиш,
Ҳар ким анда ўзлуки айби била маъюб эмиш.

Гар висол аҳли Навоийдин танаффур этсалар,
Йўқ ажабким, ҳажр зиндони аро манкуб эмиш.

* * *

Септи тун мушкига сийми судадин кофур қиш,
Айш учун оқу қарони айлади масрур қиш.

Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас, вале оқ рахтини
Ёйди Ҳиндистон киби бу тунда номақдур қиш.

Гар эрур ранг аҳли зулмони ва лекин қор ила
Қилди тун зангисини аҳли сафоу нур қиш.

Бода оқ уй ичра ичмак расм эрур қиш бўлғали,
Ҳақ юзин оқ айласунким, қўйди хуш дастур қиш.

Базмни ўттин қизитти, базм аҳлин бодадин,
Саҳв эмишким, бўлди совуғлуг била машҳур қиш.

Қиш эмиш май боиси, зоти бурудатдин бирав
Зуҳд этиб совуққа гар тўнгса, эрур маъзур қиш.

Уйи вайронларға қаттиғдур, вале бил муғтанам,
Бўлса кулбанг май била асбобдин маъмур қиш.

Мулки Жам истар эсанг, албатта чек жоми сабуҳ,
Кечаги майдин сени субҳ айласа махмур қиш.

Эй Навоий, дўзах эрмиш гард ила иссиғ булут,
Қору муз бирла совуғдин бор эмиш маҳжур қиш.

* * *

Тузмагай эрди қазо бу жисми вайронимни кош,
Чунки тузди, солмағай эрди анга жонимни кош.

Тан уйиға жонни солғач, қилмагай эрди муқим,
Ул уй ичра кўнгул отлуғ зори ҳайронимни кош.

Бўлди чун жону кўнгул бори назар шамъи била,
Қилмағай эрди мунаввар чашми гирёнимни кош.

Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвониға,
Бузғай эрди марг селоби ул айвонимни кош.

Чун тузалди ишқ уйи қовғай эди андин равон,
Йўқ кўнгул, девонайи расвойи подонимни кош.

Чун ани ҳам қовмади, кўр этса эрди тиғ ила
Кўз деган қон ёш ила олуда домонимни кош.

Чун бу доғи бўлмади, қилмаса эрди жонима
Мунча зебову малиҳу шўх жононимни кош.

Чун бу янглиғ бўлди жоно қўйса эрди марҳами,
Гаҳ-гаҳи кўргач кўнгулда доғи ҳижронимни кош.

Ишқ ичинда чора ўлмактур Навоий, дема ҳақ —
Рўзи этгай лаъли жонбахш оби ҳайвонимни кош.

* * *

Оразин кўрдум пиҳоп, ашк айлади сирримни фош,
Ёшурун қолмас ўғурлуқ уй ароким бўлса ёш.

Зулфи саркашлик қилур ҳар нечаким, ул чекса қад,
Соя гарчи қисқарур доим бийик бўлғач қуёш.

Ҳар сари мў ул пари ҳижропида бир ёрадур,
Баски атфоли жунун бошим уза ёғдурди тош.

Айлагил полам харошидин ҳазар, эй сиймбар,
Ким бу суҳоп бирла ногаҳ топмағай сийминг харош.

Каъбадур кўнглум уйи, айланг тавоф, эй дарду ишқ,
Анда меҳроб ўрнига ер тутқали ул эгма қош.

Даҳр боги ичра чун бир гулга йўқ бўйи вафо,
Қилмагай эрди ҳаво кўнглум қуши ул гулга кош.

Эй Навоий, дайр аро тутса аёғ ул муғбача,
Нўш этиб олма аёғидин апинг ўлгунча бош.

* * *

Чиқти ёрим кеча йўл азмин қилиб ул бағри тош,
Бас, ажойибдур қоронғу кеча чиқмоғлиғ қуёш.

Гар қуёшқа эл назар қилса кўзига ёш тўлар,
Ул қуёш боргоч, назардин кўзларимга тўлди ёш.

Захмидин кўп қон борурдин қолди чок ўлғон кўнгул,
Зангдек афғон чекиб хайлида бўлғай эрди кош.

Фурқатингдин йиғлабон ҳақдин висолинг истарам,
Гаҳ сочармен бошқа туфроғ, гаҳ қўярмен ерга бош.

Қатра қонларким томар кўксумга урғон тошдин,
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош.

Чун тўшарлар оқибат устунгга хоро бирла фарш,
Не осиғ остингда гар чарх атласидиндур фирош.

Фош этар меҳрин Навоийнинг сариғ рухсораси,
Субҳдекким сорғориб рухсори айлар меҳр фош.

* * *

Неча оҳ урсам бўлур кўздин бағир хунобн фош,
Эснамак бу эрса, кўзда не ажаб ул навъ ёш.

Эй пари, атфол тоши дема бу мажнунғаким,
Чарх зулми ёғдурур бошим уза ҳар лаҳза тош.

Сувда андоқким қуёш акси тушар, гўё эрур,
Обгун чарх ичра ул рухсорнинг акси қуёш.

Гар кабутардек эмас тутмоқ учун кўнглум қушин,
Невчун очмиш қулочин ҳар тараф ул икки қош.

Тунд эрур ул бутки қўймишмен бошимни оллиға,
Қиблаға бош индурурга менда йўқтур икки бош.

Бўйла кун қурсин тилаб афлокдек саргашта ким,
Бир фатири хом ила осон ўтар ҳар кун маош.

Олғали кўнглин Навоийнинг талошур хўблар,
Шоҳлар андоқки бир мулк узра қилғойлар талош.

* * *

Юз сеҳр қилса кимгаки элликдин ўтти ёш,
Атфол суҳраси қилур атфолдек маош.

Улким соқол бўяр ҳаваси тушти бошиға,
Бўлмоқ соқол қаро не осиғ, чун оқарди бош.

Гўёки молу жон чин эрур иегаким қори,
Чун етти жон талашқали ул мол этар талош.

Ҳожиб нетар бировки кўзи бўлди мунзавий,
Эв гўшасида доги анга ҳожиб ўлди қош.

Юздан тўкар сув улки кўзи, оғзи, бурнидин,
Эл оллида оқар шўлакай бирла суву ёш.

Эйким юзунг қуёш эди, сорғорди шайбдин,
Билгилки сорғорур уёқур чоғида қуёш.

Оллингда бас қотиғ йўлу қатъиға йўқ гузир,
Гар шоҳ, гар гадо бўлу гар тунду, гар ёвош.

Билким бу йўлда зод эрур аъмоли хайру бас,
Йўқ илму фазлу мансабу молу уруғ-қаёш.

Жуз бийм оқибат иши маълум эмас, киши,
Туғмоса эрди ё туғубон ўлса эрди кош.

* *

Гўиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош
Ким, қўяр бир-бириси бир-бирининг оллида бош.

Юзни бир тифл учун атфолға майдон ясадим,
Йўқса не важҳдурурким югурур юз сори ёш.

Улки базм ичра сочар бонгга гул, не билгай,
Ҳолин онингки фалак ёғдирадур бошиға тош.

Кўзларинг даврида мужгонингга ул навъи ҳужум,
Недурур қилмасалар фитнанинг устида талош.

Истабон хуш замон меҳнатидин, эй соқий,
Жомима доруи беҳуш эзиб қотсанг кош.

Фақр даштида фано йўлиға ҳамраҳ тилама,
Йўл чу маълум эмас, қайда топилсун йўлдош.

Эй Навоий, юзидин деки очиқ ёруғ эрур,
Зулфидин демаки ҳам тийрадурур, ҳам чирмош.

* * *

Ул гулеким базмида зоғу વаған қилғай хуруш,
Авло улким, булбул учқай, учмаса, бўлғай хамуш.

Гар Сулаймон мажмаида бўлмаса жуз аҳраман,
Кимга ул мажмаъ аро, ё раб, нидо қилғай суруш.

Ёрға ағёр хайли бўлди матбуъ, эй кўнгул,
Эмди ғам хумхонасида яъс жомин айла нўш.

Шоҳ базмидур доғи маҳкумлуғ, ваҳ, дайр аро
Ҳоким айлар бир қадаҳ бирла гадони майфуруш.

Ҳушманд эл сори бу дайр ичра боқмас муғбача,
Бир қадаҳ лутф этса иири дайр этармен тарки ҳуш,

Сахткўш элга дема, охир фалакдур сахтгир,
Арзимас оламда ҳеч иш худ бўлурға сахткўш.

Икки дунёдин агар кечса Навоий айб эмас,
Ҳар қачонким ул бути хуммор элидин ичса қўш.

* * *

Қилгали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Ваҳки, ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш.

Сарви раъно ҳулламу киймиш бинафша баргидин,
Ё либосин айламиш ул чобуки раъно бинафш.

Хуштурур гар хилъатинг бўлса қаро, ё савсани
Ким, қуёш мушкин булутдин хуш кўринур, ё бинафш.

Эзди жаннат гулларидин ранг наққоши қазо,
Сен киярдек чунки бўлмас даҳр аро пайдо бинафш.

То бинафш этмиш тўнин ул гул, борурмен ҳушдин,
Боғ аро ҳар гулниким кўрсам мени шайдо бинафш.

Бул бинафшазор аро тугган киби ул шўхнинг
Кўнглаги воло бинафшу тўни ҳам кимхо бинафш.

Сабзада савсан ярашқандек мулойимдур, басе,
Шўх сабзаранглларнинг рангига дебо бинафш.

Жуз бинафша боғ аро гул экмагил, эй боғбон
Ким, либоси рангини истар бизинг мирзо бинафш.

Бўйлаким соқий тўнин қилмиш бинафш, эрмас ажаб,
Аксидин бўлса биллурин соғари саҳбо бинафш.

Чарх рангомез эрур кўрма тафовут винҳор,
Рангларким кўргузур кўку яшилдин, ё бинафш.

Эй Навоий, ул бинафшапўш гулнинг васфида
Бўлмасун ҳар не ёзарсен коғазе илло бинафш.

* * *

Хилъатинму қилмиш ул гулрўйи сийминбар бинафш,
Ё бинафша айламиш гулшанни сар-тосар бинафш.

Арғувонгул юз бинафша ранги хат жоним олур,
Хилъати бўлсун анинг гар арғувони, гар бинафш.

Йўққим, ул сансар бинафша дастасин дасториға,
Эгнида хилъатларин доғи қилур аксар бинафш.

Савсани бўркунг ёпар кечкангни, эй миръоти ҳусн,
Кўзгу янглиғким учасин қилди оҳангар бинафш.

Хайли руҳони ҳамоноким бинафш айлар либос,
Ким ҳаририн айлар ул ҳури пари найкар бинафш.

Бурқаъ олғач, кийди мовий хилъат узра савсани,
Меҳридин қилған киби мовийни нилуфар бинафш.

Не бинафшадур, не нопармон гули, не савсани
Тўниким, ул кийгали лойиқ эмастур ҳар бинафш.

Гул киби жисмингга, эй соқий, бинафш ойин тўнунг
Ўйладурким, бодаи гулранг учун соғар бинафш.

Гар Навоий, ақли мабҳут ўлса қилманг айб ким,
Ҳошия зарбафт этиб, деклай кияр дилбар бинафш.

* * *

Суратингдур ўйла кўнглум байтул аҳзонида нақш,
Ким пари тимсоли шаҳнинг қасри айвонида нақш.

Анга ёндошмоқ менинг ҳаддим йўқ, эй сувратнигор,
Чексанг онинг нақшини, қилма мени ёнида нақш.

Гўй қилғонда бошимни юқти ҳар ёнига қон,
Лаълию шингарф ила соғинма чавгонида нақш.

Жисми урёнимки кўп толпинди тоғу дашт аро,
Хору хородин, тамошо айла, ҳар ёнида нақш.

Зор кўнглум ё мусаввир бўлди, ё суратпараст,
Ҳар тарафким суратингни қилди вайронида нақш.

Зуҳд аро йўқ жуз малолат, негаким, қилки қазо
Айш тарҳин қилди жоми бода давронида нақш.

Ул париким, ҳажридин ўлди Навоий, эй рафиқ,
Суратин қилдурғасен зинҳор девонида нақш.

Торттим ранжи хумор айлаб майи аҳмар тамаъ,
Ул кишидекким қозор тоғ айлабон гавҳар тамаъ.

Лола жоми дурдидек ҳам даст берса яхшидур,
Даврдин гар айлай олмон лолагун соғар тамаъ.

Соқиё, жоми лабингдин эл тамаъ қилғонда нўш,
Бизга ғамзаингдин эрур бир жонситон ништар тамаъ.

Қатлима оидин қила олмон тамаъ, бер заҳри чашм,
Мен киму лаъли лабидин айламак шаккар тамаъ.

Десангизким бўлмағайсиз мен киби девонаваш,
Одамизод ичра қилманг бир пари пайкар тамаъ.

Пири дайр оллида қўйдим нақди жон, эй муғбача
Ким, манга бор эрди сендин лаъли жонпарвар тамаъ.

Истадим васлу вафо, деди: Навоий қилмағил
Бу тамаъ, қил гар қилурсен мундин ўзга ҳар тамаъ.

* * *

Ул қуёштин топти бу оқшом бизинг кошона шамъ,
Қилмасун бу уйни дудидин қаронқу ёна шамъ.

Банд аёғида лагандин, бошида соч дудидин,
Ул пари ҳажринда мендекдур магар девона шамъ.

Йўл шабистон ичра топмас ҳар кеча, келтурмаса
Ул қуёш девони ҳуснидин неча парвона шамъ.

Иста гоҳи бизни доғи, эй маҳи хиргаҳнишин
Ким, бўлур фонус аро парвонаға ҳамхона шамъ.

Нола қилмас тил чекиб ким уйқу истаб, ёрға
Саргузаштидин кеча дер гўиё афсона шамъ.

Нетти бир тун ёруса сендин йиқилған кулбамиз,
Чун топар ой партавидин доимо вайрона шамъ.

Тонг эмастур ҳар бири бўлса дурри шабчароғ,
Оразинг ҳажрида тўкса ашкидин ҳар дона шамъ.

Бу шабистон ичра келди фарқиға тиғ узра тиғ,
Боши узра чунки қўйди тожи зар шоҳона шамъ.

Эй Навоий, ўртагил жону кўнгул парвонасин
Ким, бу оқшом оразидин айлади жонона шамъ.

* * *

Истамассен хотири ушшоқи ҳайронингни жамъ,
Йўқса невчун қилмадинг вулфи паришонингни жамъ.

Ишқинг ўтиға кўнгул ичра дедим таскин берай,
Буки қилдим зор жисмим ичра пайконингни жамъ.

Асрамоқта ер ики кўздин муносиб топмадим,
Аритиб кўздинки қилдим гарди майдонингни жамъ.

Яхши бординг, эй кўнгул, қилсанг худ эттинг таънидин,
Итларингга берсалар кош айлабон қонингни жамъ.

Гар табассум вақтида кўрсанг лабин, эй боғбон,
Елга бергайсен қилиб гулбарги хандонингни жамъ.

Ул пари мажнунлариға садяк ўлғай, эй қуёш,
Чунки қилсанг зарраи беҳадду поёнингни жамъ.

Эй Навоий, назминг эл кўнглин паришон айлади,
Қилдинг эл кўнгли учун гўёки девонингни жамъ.

* * *

Онча ёр алтофидин ҳар кун етар шармандалиғ
Ким, эрур кам, ҳар бирига юз йил этсам бандалиғ.

Ҳам жунун, ҳам хасталиғ кўюнгда чун йиқти мени,
Сарбаланд ўлмақдин ортуқдур манга афкандалиғ.

Зулмунг идбори аро туфроғ ила тенг бўлганим
Яхшироқким, ўзгаларнинг лутфидин фархундалиғ.

Қадду оғзинг ҳажрида гулшанға майл этмонки, йўқ
Сарв дилкаш жилвалиғ ё ғунча шаккархандалиғ.

Не фаришта покликда ҳуснунга келди шабиҳ,
Не парига одамилиғда санга монандалиғ.

Ишқ кўйининг гадойименким, анда тенгдурур
Шоҳ эса зарбафтлиғ ё сойил ўлса жандалиғ.

Дема менсиз ўлмадинг, васлимда кўп ер ўпмагил
Ким, қуйи солмиш Навоий бошин — ул шармандалиғ.

* * *

Қил они дайрда масти мудом мен янглиғ,
Ки май гадолиғ этар субҳу шом мен янглиғ.

Биравни ринди харобот англаким, бўлғай
Бир илгида кадуву бирда жом мен янглиғ.

Анга ҳалол маю ишқ дайр аро билким,
Ўзига зуҳдни қилмиш ҳаром мен янглиғ.

Банақди жаннат аро нўш этар майи кавсар,
Ангаки, майкада бўлмиш мақом мен янглиғ.

Хаёт софини нокомдин бирав ичкай
Ки, дайр дурди била топса ком мен янглиғ.

Абири жаннат исин айламас писанд улким,
Муаттар айласа майдин машом мен янглиғ.

Емон эмас эди Мажнуида ишқ таври валек
Сумурса, май бўлур эрди тамом, мен янглиғ.

Биравки жон бериб, элдин вафо тамаъ тутти,
Бишурди кўнглида савдои хом мен янглиғ.

Навоий ўзлукидин тинди, улки дайр ичра
Ушатти шишаи номусу ном мен янглиғ.

* * *

Юзунг ҳажрида ким чекти фиғону зор мен янглиғ,
Ким очти юзда гулгун ашкидин гулзор мен янглиғ!

Агар ушшоқини бир тийғ ила ҳусн аҳли қатъ этти,
Киши ҳижронда қолса, ўлмади душвор мен янглиғ.

Фироқ аҳли агарчи ўлмак истар, эй ажал, келким,
Эмас сендин киши бу ишта миннатдор мен янглиғ.

Кўзунг қатл айлаб, эл қопип кўп ичти жавр ила, лекин
Асире топмади ул қотили хунхор мен янглиғ.

Мажонин бўлдилар атфол тошидин кўп озурда,
Вале боштин аёқ бир бўлмади афгор мен янглиғ.

Бираври, эйки, севмак орзу қилдинг ҳавосинда,
Иликтин ихтиёринг бермагил зинҳор мен янглиғ.

Киши бадхўрлар ишқидин этмак эҳтироз авло,
Йўқ эрса кўргуси ҳар лаҳза юз озор мен янглиғ.

Тилар бўлсанг замона қайғуси дафъиға бехудлуғ,
Керак бўлса мақоминг кулбаи хаммор мен янглиғ.

Навоий, гар хирад мулкида савдодин батанг ўлсанг,
Қадам урғил фано даштида мажнунвор мен янглиғ.

* * *

Опчаким, ул ғамза сурди кўргузуб бедод тийғ,
Сурмак элга қатли ом ўлғонда юз жаллод тийғ.

Шуълалиқ кўнглум аро кўр хапжари ишқингпиким,
Бўйла оташкорлиқ қилмайдурур ҳаддод тийғ.

Қатл этиб кунд ўлмади, ваҳ, не итпкдур тийғи ишқ,
Ким опипг қошипда нарм оҳанча йўқ пўлод тийғ.

Менмену кўҳи ғамимким тоғ тийғи басдурур,
Ғам сипоҳи ҳарбиға истар эса Фарҳод тийғ.

Тийғи ишқипг олам аҳлин ўлтуруб кунд ўлмади,
Ҳеч қотил олам ичра бўйла бермас ёд тийғ.

Тийғи гамзангга ажал суви магар бермиш қазо
Ким, ясай олмас итик ул навъ ҳеч устод тийғ.

Шасти ғамзапг бирла баҳри ашк аро тутқоч мени,
Кесма бошимким балиққа сурмади сайёд тийғ.

Йўқ бу гулшап ичра имкони фароғат бўйлаким,
Баргидин ҳар ён чекибтур савсани озод тийғ.

Эй Навоий, бўғзинга ҳайвон сувидин яхшироқ,
Гар сурар қатл эткали ул сарви ҳуризод тийғ.

* * *

Оҳ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ,
Лола янглиғ ўртагай ҳар бир шарар гулларга доғ.

Кўргач ул оразни йиғлармен тушуб мағзимға жўш,
Ўйлаким, гулдин яшарғай кўз қизиғ бўлғач димог.

Юзгаким санчиб бинафша истадинг ҳуснунгға зеб,
Гўё ул гугурд бирла равшан айларсен чароғ.

Доғ қонлиғ чок-чок ўлған кўнгулдадур ғаминг,
Лола тоғ узра бўлур, ким лола узра кўрди тоғ.

Икки гавҳарким баногушунгдадур анжум киби,
Ҳусн аро ойдек юзунг оллида тутмишлар чароғ.

Бодадин бир дам фароғат истама, гар истасанг
Давр аҳли меҳнатидин топқасен бир дам фароғ.

Ёр аёғин суға чун солди, кўзум тўлди сиришк,
Эй Навоий, бўйла балиққа керак мундоқ булоғ.

* * *

Хазон фаслида ул ой жисму рухсоримни кўрган чоғ,
Дегайким бир қуруғ шох узра қолмиш бир сориғ яфроғ.

Учомда ой тутулгон доғдек қолди асар, гўё
Улуғ эрмиш фатила асру чун кўксумга қўйдум доғ.

Гунаҳсиз ўлган эл қони тутубтур шастини, йўқса
Ушул қотил хино бирла қизил қилмайдурур бармоғ.

Гули раънодин этти кисватин сарви равон ёхуд
Сариғ терлик уза ул шўхму киймиш қизил ширдоғ.

Юзига меҳрдин йўқким, юзидин меҳрга ногаҳ,
Ҳарорат етмасун дерким, солур ҳар соридин қолпоғ.

Кўзи ул шўхнинг чун бўлди ҳам бемору ҳам усрук,
Тўла тут давр аёғин, эй кўнгулким, мен ҳам ўлмай соғ.

Кўз оч, ашки надомат соч ўз аҳволингғаким, бордур
Тунунг тийра, кўзунг хира, йўлунг буртоқ, отинг оқсоғ.

Қадам қўйма адабсиз бу хазон кўрган чаман ичра,
Ки бир гул ранг юзининг сафҳасидур ҳар сориғ яфроғ.

Магарким кўйида ёлинг аёғ ул ой хиром этмиш,
Навоий кўзларига сурма бўлмиш ул қаро туфроғ.

* * *

Заиф жисмим аро бир-бирининг устига доғ,
Қуруғ ёғоч узадур яфроғ устига яфроғ.

Эвурса ҳар сори тонг йўқ юзини оҳимдин,
Ки чайқалур ел агар усрук тунд бўлса чароғ.

Чаманға ғамзада кўнглумни чекма, эй булбул,
Ки келди чуғзға вайрона кунжи гўшаи боғ.

Ярам фатиласи захмимни куйдурур ҳар дам,
Магарки қон анга хосият ичра бўлмиш ёғ.

Керакки қўймаса бир дам ниёлани қўлидин,
Замони улки тилар бу замона ичра фароғ.

Етишти бурниға офатки тутти бурнин эл,
Ёруғлуғи била чун шамъ бўлди ганда димоғ.

Хаёлинг этти Навоий бошинда манзилгаҳ,
Нединки бир тепада жорий эрди икки булоғ.

* * *

Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоқким чароғ,
Равшан айла ришта жисмимдур, кўнгул ўт, ашк ёғ.

Сарву сумбул лоладек қад зулфу юзунг ҳажридин,
Ҳам алиф, ҳам наъл кестим куйдуруб юз ерда доғ.

Бир кўзумга сарв ўқдур, бир кўзумга гул тикан,
Сенсизин, эй сарви гулрух, ногаҳ этсам гашти боғ.

Жоним ичра ўтдурур бир лаъли майгун ҳажридин,
Соқиё, навбат манга еткач лаболаб тут аёғ.

Соғ бўл, девона этсанг мени бир май бирлаким,
Ҳажрдин девонамен бўлдум эса бир лаҳза соғ.

Истарам оғзин қилиб лаълу хату холини васф,
Халқ ғойибдин нишоилар айтиб этгандек сўроғ.

Ул фароғу бу тараддуд этти мақсуд ўртада,
Гум бўлуб мақсуд ўтти ҳам тараддуд, ҳам фароғ.

Рўзгори тийра нутқи лол булбулдир магар
Ким, хазон фаслида айларлар тасаввур они зоғ.

Телба деб қилма Навоийнинг иложин, эй ҳаким,
Ким мушаввашдур анга бир ўзга савдодин димоғ.

* * *

Ҳажрдин ҳар дам қилур бу хотири афгор хавф,
Зоҳир этгандек ўлумдин ҳар замон бемор хавф.

Эйки, комингг дўст васлидин эрур топмоқ ҳаёт,
Қатл тийги сурса душман, қилмагил зинҳор хавф.

Васл бўстонида гар эмин эмасмен, эй рафиқ,
Найлайинким, хори ҳижрондин ичимда бор хавф.

Ҳажр шомидур махуфу қотил, эй маҳваш, не тонг,
Ўйла муҳлик тийра туида айласам изҳор хавф.

Нечаким дўзахдин ўлса хавф маҳшар аҳлига,
Менда ҳажринг шуъласидиндур юз ул миқдор хавф.

Солмай ўзлук нақдин ўздин тутмагил дашти фано
Ким, оғир юклукка бу йўлда етар бисёр хавф.

Эй Навоий, ҳушунг ўлса, кўзларидин хавф эрур
Ул сифатким, мастлардин айлагай ҳушёр хавф.

* * *

Оҳким, кўнглум бузулди топмайин жонон вуқуф,
Мулк вайрон бўлди, ҳосил қилмайин султон вуқуф.

Жонни комимдур адам кунжида пинҳон айламак,
Оғзи рамзиғаки ҳосил қилмишам пинҳон вуқуф.

Васл аро ҳижрон ёшурди ишқ кўнглум қатлиға,
Мезбон эаҳр эзди сувға, топмайин меҳмон вуқуф.

Телба кўнглум ғофил ондинким улусқа васл эрур,
Лайли этти айшу Мажнун топмади чандон вуқуф.

Оғзи рамзиға агар йўл топмадим, эрмас ажаб,
Ғайб сирриға не тонг эл топмамоқ осон вуқуф.

Ишқим аҳволиға мутлақ воқиф эрмастур хирад,
Қайда топқай аҳли маъни ҳолиднн нодон вуқуф.

Лаъли ҳушум зойил этти, топмади кўнглум хабар,
Ваҳки, май аҳволидин усрукка не имкон вуқуф.

Васл умиди бирла ҳажрин қилмиш эрдим ихтиёр,
Қатлдин кўнглумга аввал бермади ҳижрон вуқуф.

Эй Навоий, буки даврондин юз офатдур санга,
Эрмас эркин топмайин ул офати давроп вуқуф.

* * *

Жоним ичра заъфдур юзлангали жононға заъф,
Бўлмасун жононима заъф, ўлса ўлсун жонға заъф.

Оразида тобу, йўқ оғзида кулгу гўиё
Меҳри тобидин эрур ул ғунчаи хандонға заъф.

Эврулурда бошида заъф айлади гўё асар,
Қилди анинг заъфидин бу вори саргардонға заъф.

Ҳайратим заъфиға мундоқ айламиш бехуд мени,
Заъфиға ҳайрон қилиб бўлмиш мени ҳайронға заъф.

Бистари гулгун уза ул навъ узалмиш заъфдин,
Ким узори узра бўлса наргиси фаттонға заъф.

Соқиё, бир журъа бирла қувватимға боис ўл,
Ким басе ғолибдурур бу хастаи ҳижронға заъф.

Эй Навоий, ёр заъфи бузди кўнглум ўйлаким,
Мамлакат бўлғай хароб ўлған замон султонға заъф.

* * *

Сипеҳр боғин пужум варди чу қилди ул навъиким Хаварнақ,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг сафову равнақ.

Қамар масаллиқ юзи шабистонимизни андоқ ёрутти, гўё
Ки, чарх боғи қуёштин андоқ мунаввар ўлмайдур эрди мутлақ.

Узори меҳрига турраи шомини ҳар тарафтин қилиб мутарро,
Бу турфаким меҳр чашмасидин зақан ҳубобин осиб муаллақ.

Хиром вақтида суръатидин юзики терлаб бўлуб биайниҳ,
Гул узра шабнам йўқ эрса, хуршид уза сочилгон сиғор зебақ.

Тилида ун лоба бўлса музмар юзида юз ҳусну лутф мудғам,
Кўзида юз ғамза бўлса мамлу, қадиға минг нозу жилва мулсақ.

Ўнг илгида бир сафина, лекин бу хаста ашъоридин муҳалло,
Сўнг илгида шиша ичра май, лекин ўз майи лаълидек мураввақ.

Бу шакл ила кирди кулбам ичра ёнимға келдию тутти маскан,
Ҳасад ўтидин яқин эдиким эриб тўкулгай сипеҳри аарақ.

Не ҳуш қолди манга, не тоқат, не сабр қолди манга, не ором,
Чу кўрди ўлгум, кулиб тўла қилди бода дарёси ичра зәврақ.

Ичиб манга доғи тутти, чун бехуд эрдим оғзимға қуйди они,
Ўлуб эсам ҳам тирилсам ул дам яқин менинг жоним эрур ҳақ.

Мангаки ишқ ичра бўйла ўлса таркин этмоқ эрурму мумкин,
Нечаки таклиф қилсалар шайхи лода бирла фақиҳи аҳмақ.

Навоиё, ишқ таркин этма, қадаҳни ҳам қўймагил иликдин
Ки, даҳр мухтийда мундин ўзга эрур не қилсанг хатойи мутлақ.

* * *

Не ҳаддим орзу қилмоқ ул ой базмида маҳрамлиқ,
Муяссар бўлса хуштур, итлари базмида ҳамдамлиқ.

Мени девона қилғон важҳидин они пари дермен,
Яна бир важҳ буким, таврида кам кўрдум одамлиқ.

Ипон, туз қоматипг ҳаққию оҳимдин ҳазар қилғил,
Ки гулшан ичра нозук нахлиға елдин бўлур хамлиқ.

Қотиқ ҳолимға чарх айлаб тапонча бирла кўп юзпи,
Нужум ашкидип этти нилуфар баргини шабнамлиқ.

Манга бўл ёрким, ишқ аҳли бирла чарх эли ичра,
Муқаррарлиғ манга етти, санга тегди мусалламлиқ.

Не ҳуспу путқ эрур, ё рабки, зоҳир айласанг андип,
Қуёшқа тийралиғ бўлғай аён Исоға абкамлиқ.

Замоп аҳлини қотиқму дейин ё сусткими, йўқтур
Жафо ичра аларға сустлуқ, аҳд ичра маҳкамлиқ.

Фано дайри гадойимен, майим эски сафол ичра,
Тамошо айлаб, эй шаҳлар, кўрунг ул жом ила Жамлиқ.

Навоий, дайр пири нуктасин фаҳм этмасанг, маст ўл,
Нединким асру кўп воқиъдур иш сиррида мубҳамлиқ.

* * *

Бўлмас эрмиш дилраболар аҳди маҳкам, эй рафиқ,
Гар киши дерким, бўлур, тутма мусаллам, эй рафиқ!

Ҳар паризодеки ўз мажнуниға қилмиш вафо,
Билки андиндурки эрмас, насли одам, эй рафиқ!

Моҳвашлар шоми зулфи не учуп ошуфтадур,
Тутмамиш бўлса вафо аҳлиға мотам, эй рафиқ!

Дард муҳлик умрнинг таъжили кўп жонинг учун,
Ким Масиҳимни кетур бошимға бир дам, эй рафиқ!

Қўйди бир ўтлуғ фатила доғ учун ҳар ғунчадин,
Чарх то гулшанни кўрди сабзу хуррам, эй рафиқ!

Гул эмас гулбунда қонлиғ доғ эрурким настаран,
Тевруқ айлабтур момуқ қўймоқға марҳам, эй рафиқ!

Бу мунаққаш сақф тарихи ёзиғлиқ чун эмас,
Кўп машаққат чектим аммо қолди мубҳам, эй рафиқ!

Мен худ эттим азм муғ кўйида расво бўлғали,
Сўз эшит: албатта мендин қолма сеп ҳам, эй рафиқ!

Ич доғи тутқил Навоийиға қадаҳким, арзимас —
Бир нафас ҳушёр бўлмоғлиғқа олам, эй рафиқ!

* * *

Кимки васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ,
Кўз тут ул шамъ ўтидин-ўқ доғи фурқат, эй рафиқ.

Васл софи мумкин эрмас чунки бедарди фироқ,
Зинҳор ул бода сари қилма рағбат, эй рафиқ.

Васл, йўққим, ишқ лафзини тилга мазкур этмагил,
Ҳар нафас кўрмай десанг, юз навъ шиддат, эй рафиқ.

Қуйма ҳар ие меҳр ўтиға, гар десанг ҳар дам сени
Қилмағай кул шўълайи андуҳу ғайрат, эй рафиқ.

Шўх чобуклар ғубори тавсаниға солма кўз,
Юзда истар бўлмасанг гарди мазаллат, эй рафиқ.

Боқма гулдек юз уза хай шабнаминким, бузмасун
Ақл ила сабринг биносин сели офат, эй рафиқ.

Гар солиб юз минг балоға мендек ўзни, бўлмаса
Ишқсиз бир дам сенга ҳам сабру тоқат, эй рафиқ.

Токи мумкиндур кезиб бир меҳрибон ёр истагил,
Бағри тошларни севарга қилма журъат, эй рафиқ.

Гар Навоийдек бошингға тушса бир қотил ғами,
Анда доғи кўргасен не бўлса қисмат, эй рафиқ.

* * *

Мени айлабтурур бир қотили наймоншикан ошиқ
Ки, тийғи зулмидин ўлмиш менингдек юз туман ошиқ.

Сўрарким, ошиқим сенму, муқир бўлсам, ҳалок айлар,
Эрур бу турфаким, ёлғон дей олмонким, эмон ошиқ.

Агар ишқ этти вайрон хонумоним бок эмас, невчун
Ки, чун озим фано кўйигадур, найлар ватан ошиқ.

Гар ўлсам ишқ тоғи тийғи захмидин яланг, ғам йўқ
Ки, бас ҳам лолалардин айласа қонлиғ кафан ошиқ.

Қозиб ғам тоғи тош остида ўлмак не эди megдек,
Гар эрмас эрди бир ширин санамға кўҳкан ошиқ.

Висол имкон эмас то бўлса ўзлуктин сари мўе,
Бас ўлғай фарзким, қилғай фано таврини фан ошиқ.

Навоий шодсенким, ўлтурур ушшоқин, аммо кўр
Ки, сендекларни дерму боре ул сиймин бадан ошиқ.

* * *

Бир қатла бўлса эрди ул гулъувор ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллинда хор ошиқ.

Ишқ ичра куйса эрди бир туп, қилур эди раҳм
Ғам шоми оҳ ўтидин чеккач шарор ошиқ.

Хоро аёғин афгор этмай не фикри бўлғай,
Гар қилса хора бирла кўксин фигор ошиқ.

Жонип фидоси қилсам таън этмангизки, бордур
Ёр оллнда ўларга беихтиёр ошиқ.

Шамъи жамолин очқач ўртанмагим не тонгким,
Куймак аро керактур парвонавор ошиқ.

Ишқ ичра ихтиёринг гар йўқ, бу мўътабардур,
Бўлса керак фанодин беэътибор ошиқ.

Ошиқ эсанг, Навоий, кўп заъфдин ториқма,
Не бўлғусидур ўлмай зоруназор ошиқ.

* * *

Васлинга кечрак етишсам лутф этиб уэрумға боқ,
Ким қадам ўрнин супурмай кўз била қўймон оёқ.

Қатъ қилмоқ ишқ водийсин эрур бас турфа иш,
Хосса мажруҳеки ҳам бемор бўлғай, ҳам яёқ.

Соғинурмен ёр хайлидур кўрунса ҳар қаро,
Гарчи ҳайрат сайли ашки кўзларимни қилди оқ.

Ваҳки, Салмо ноқаси илдамдурур мен хаста ҳол,
Лутф этиб, эй сорбон, фитрокини бўйнумға тоқ.

Эйки дерсен ҳажр даштиға яроқсиз кирмагил,
Боре дегилким, эмас бу дашт аро кирмоқ яроқ.

Ташналаблар ҳоли бу водийда не бўлғайки, сув
Кўз ёшидур доғи ўтлуқ лолалар жоми аёқ.

Эй Навоий, бу биёбон қатъин осон айладинг,
Ашкдин мундоқки ҳар манзилда чектинг юз булоқ.

* * *

Мушкил ишдур уйда бир ғойибни ҳар дам йўқламоқ,
Лек муҳлик йўқлағондин сўнгра истаб топмамоқ.

Кимга ким юзланса бир шиддат не тонг олам юзин,
Оҳу ашки сарсару тўфон бирла қўзғамоқ.

Телба итдек ҳажр сўзидин келурмен ўт сочиб,
Офият аҳлиға авлодур йўлумдин тарқамоқ.

Не жунундур ул қуёштин айру ҳижрон даштида,
Гоҳ қўрқиб соядин қочмоқ, гаҳ ани қовламоқ.

Тоғ этакинда гар ағнармен жунун ифротидин,
Истарам ул пардани урён танимға чирмамоқ.

Турфадур тоғ авжида ҳар лаҳза кулмак барқдин,
Чун бўлур муфрит менинг бирла булутқа йиғламоқ.

Мен чу кечтим ишқ аро боштин маломат қилмангиз
Ким, ажабдур бошсиз элнинг қулоғин тўлғамоқ.

Сўзни англа, соқиё, маст эт мени ул навъким,
Бўлмағай мумкин менга давр аҳли сўзин англамоқ.

Сенда ноз ўлди, Навоийда ниёз эрмас ажаб
Ким, сен они қарғағон сойи, сени ул алқамоқ.

* * *

Ашкдин бўлди қарорған кулбаи вайроним оқ,
Кулбаи вайрон демаким, дийдаи гирёним оқ.

Ишқ ўтининг дудидин ҳинду бўлубмен ёрға,
Ашк юғандин нечук бўлғай тани урёним оқ.

Баски кўз боғиға берди оразинг ҳижрони су,
Ҳар сари гуллар очибдур бу ики бўстоним оқ.

Сабр тифли мактабимен, ўргана олмон сабақ,
Йиғламоқдин чун бўлур лавҳи дабиристоним оқ.

Ваҳ, не кун бўлғайки ногаҳ ул қуёш айлаб тулуъ,
Юзидин бўлғай қарорған ҳужраю айвоним оқ.

Шоми ҳажрим этса, тонг йўқ, ногаҳон гар субҳдек,
Жилвагар бўлса либосин айлабон жононим оқ.

Чун оқизднинг вор жисмимни баҳори сайлидек,
Ёр кўйи жониби, эй ашк, бўлғай қоним оқ.

Рўзгорим дайр аро қилди қаро чун муғбача,
Қолмаған бўлса тонг эрмас чеҳраи имоним оқ.

Эй Навоий, халқни басҳим ўқурда йиғлатур,
Ашк сайлидин бўлур борған сайи девоним оқ.

* * *

Ғамим кўп айта олмасмен не тонг кўнглум ҳалок ўлмоқ,
Ичимда юз қилич, не айб кўксум чок-чок ўлмоқ.

Ўлар деб шод ўлур кўп кўрса дардим муддаи билмас,
Ки ншқ ичра ҳаётим боисидур дарднок ўлмоқ.

Агарчи ҳусн ичинда сенча пок ўлмоқ эмас мумкин.
Ани ҳам кўрки ишқ ичра бўлурму мепча пок ўлмоқ.

Агар заҳр ичсам илгингдин таажжуб қнлма, эй соқий,
Ки бўлмиш масту ошиқ шеваси беваҳму бок ўлмоқ.

Чу мен бир жом учун деҳқон асиримен, ажаб эрмас
Либосим ток барги рншта бел боғларга ток ўлмоқ.

Жаҳондин силкиниб чиққон этак топиб ёпишмоғлиқ,
Муяссар бўлса не ишдур, талаб йўлинда хок ўлмоқ.

Навоий кўкснда ншқ этмас ўлса дафн ғам нақдин,
Ўюлуб тоза доги ҳар тараф недур мағок ўлмоқ.

* * *

Боғ ичра санга сочти гул оқу қизил яфроқ,
Шаҳ бошиға андоққим эл оқу қизил ёрмоқ.

Не ёрлиғ ўлғайким, ҳар кеча тонг отқунча
Сен айш ила уйқуда, мен ранж била уйғоқ.

Кўз мардуми кўюнгнинг гардин тилабон борди,
Қоники оқар, они қон тортти ё туфроқ.

Кўргач они ҳайратдин илгимники тишлабмен,
Бормоққа ботибтур тиш, тилни кесибон тирноқ.

Жон нақдин ажал бирла ҳажринг ики бўлмишлар,
Андоққи, тониб суде ойирғай икки ўртоқ.

Кўюнг керак, учмоқ йўққим, учмоқу кўюнгда
Ул навъ тафовутдурким, томуғ ила учмоқ.

Ҳам даҳр бақосиздур, ҳам умр вафосиздур,
Хуштур нафасе ўзни аҳбоб ила хуш тутмоқ.

Етмаклик эрур мушкил мақсадға, нединким, бор
Кўз хирау тун тийра, от оқсоғу йўл бўртоқ.

Дебсенки, Навоийни келгум доғи ўлтургум,
Ул ўлди бу ҳасратдин, кел тенгри учун ботроқ.

* * *

Ҳар кун ўткан кечадин ошуфта кўнглум зорроқ,
Ҳар тун ўткан кундин ашк афшон кўзум хунборроқ.

Ўлмакимни қилғил осонроқ висолингдинки, бор
Фурқатингдин лаҳза-лаҳза ҳолатим душворроқ.

Шиддати ҳолимдур андоқким, ажалдин жон эрур,
Ҳар неча бошимға ботроқ келса миннатдорроқ.

Ғам туни тулу саводин кўз била кўнглум билур
Ким, алардин йўқ эди музтарроқу бедорроқ.

Ҳажр даштин сайли ашким онча қозди ҳар тараф
Ким, бу саҳро тоғлардин бўлди ноҳамворроқ.

Мен онинг ҳуснини кўрсам юз қуёш миқдорича,
Заррадин мен оллида юз қатла бемиқдорроқ.

Неча лайливашроқ ул ой жилва кўргузди манга,
Кўрди мен шайдони ҳам ишқида мажнунворроқ.

Каъба шайхию риёдур, дайр пирию фано,
Эй Навоий, дема мундин они файзосорроқ.

Дурдкашлар ичра мендин фориғи гар йўқ, не тонг,
Чун харобот ичра йўқ мендин киши хумморроқ.

* * *

Сенга не ғам мен киби мажнуни шайдодин йироқ,
Иш менгадур сен париваш ҳур сиймодин йироқ.

Ҳажр даштида қунюдек ҳар тараф саргаштамен,
То тушубмен ул хиромон сарви раъиодин йироқ.

Ой жамолин истамонким, кўрганмен олам аро,
Бир дам ўлсам ул жамоли оламародин йироқ.

Дегасен шоми ажал умрум қуёшин ёширур,
Гар замоне бўлсам ул зулфи сумансодин йироқ.

Гар мени расво ўлармен сенсиз, эй ороми руҳ,
Ҳам йироқ эрмас агар бўлсанг бу расводин йироқ.

Қилма кўп, эй шайх, айбим хонақаҳға етмасам,
Ким харобат аҳли хушроқ аҳли тақводин йироқ.

То йироқ тушмиш Навоий ёр агар ёд этмади,
Қилма кўнглидин мунунг, ёраб, анинг ёдин йироқ.

* * *

Солса партав том уза чиққанда рухсори очуқ,
Бир қуёштур тушса ҳар уй ичра тунглукдин ёруқ.

Совуғ оҳиким, чекармен гар ўлур оқмоқда ашк,
Чашмаларда су бўлур иссиғ, ҳаво бўлғач совуқ.

Тенгри оллида тонуғ ўткар демаким, кимсани
Менча севмассен бу ишга худ эрур тенгри тонуқ.

Лабларингниким учуқ тутмиш ҳамул ҳайъат била,
Оғзинг андоқ ғунчадурким, тушмамиш андин чобуқ.

Доғи ўртарга чапоним ичу тоши қолмади,
Боғладим марҳам чапондин қолди гар эски момуқ.

Гар ёзуқсиз ўлтурурмен ғам ёмон, лекин ғамим
Мунчадурким бўлмағай ногаҳ сенга андин ёзуқ.

Ёри дилхоҳинг чу топтинг, тенгдурур васлу фироқ,
Ҳақ ризосин чунки қозғондинг, не учмоқ, не томуқ.

Соқиё, май тутғали кўпмоқ басе таклиф эрур,
Қўй такаллуфнию қўн, лекин менга ўлтур ёвуқ.

Заъфи кўплукдин Навоийнинг кам ўлмас ноласи,
Не мунофидур фиғон булбулға бўлмоғлиқ оруқ.

* * *

Оҳким, ғам тийғидив кўксумни қилди чок ишқ,
Дуди оҳимдин кўзумни айлади ғамиок ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қплмади,
Не учун ғам тийғидип кўксумни қилди чок ишқ.

Ул пари кўйипдаким, ҳар лаҳза юз минг бош ёрур,
Судрабон элтур мени девонани бебок ишқ.

Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгнунг кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташпорани,
Оллоҳ-оллоҳ, барқ ила ўйпайдурур хошок ишқ.

Ишқ водийсиға кирган ёнки андин ҳар қуюн,
Ким чиқар саргаштаидурким, қилибдур хок ишқ.

Эй Навоий, ошиқеким сен киби истар фароғ,
Гар эрур мажнунки ул қилмайдурур идрок ишқ.

* * *

Ул париваш муддаийға меҳрибондур, бизга йўқ,
Филмасал оллида анинг итга сондур, бизга йўқ.

Кўйида итларга маскандур вале қовлар мани,
Ваҳки, ҳамдамларга анда хонумондур, бизга йўқ.

Элни ҳар дам ўлтурур, бизни бу ғам ўлтурдиким,
Лутфи анинг ўзгаларга ҳар замондур, бизга йўқ.

Тонг эмас гар оҳ хоки тании барбод айласа,
Гардға чун остонида макондур, бизга йўқ.

Итлари меҳмон бўлурға йўқ ҳадим, не навъ дей,
Ким ул ой махсусларига меҳмондур, бизга йўқ.

Ҳай, дегунча чун ўтар ҳам айшу ҳам ғам, бас не ғам,
Гар фалакдин элга айши бекарондур, бизга йўқ.

Қисмат ар дилхоҳ ила эрмас, Навоий, шукрким,
Элга бу иш мужиби оҳу фиғондур, бизга йўқ.

* * *

Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусор йўқ.

Жон риштасини чирмадим ўқунгға, войким,
Тийғинг бағирни ёрдию тикмакка тор йўқ.

Деманг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрлиқда манга ихтиёр йўқ.

Тутса қарор бир нафас оллимда, ваҳ, не суд
Ким, ул нафас рамида кўнгулга қарор йўқ.

Десамки, тарки ишқинг этай бутма, эй пари
Ким, телбалар ҳадисига кўп эътибор йўқ.

Чиқ рўзгор аҳлидин осойиш истасанг
Ким, мунда ғайри тафриқаи рўзгор йўқ.

Ўзни Навоий айлама усрук бу базм аро
Ким, даҳр айши бодасида жуз хумор йўқ.

* * *

Гулшан ичра йўқтур оромим, дилоромим керак,
Сарву гулни найлайин, сарви гуландомим керак.

Гар парилар куш киби рам қилсалар мен телбадип,
Ғам йўқ ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак.

Офият кўйида маҳвашларға йўқтур нисбатим,
Ул муқомиршева шўхи бодаошомим керак.

Каъбада ноком ила дип аҳлида йўқ жуз пифоқ,
Дайр ичинда кофири бебоки худкомим керак.

Гул била сумбул геракмастур менга, эй боғбоп,
Зулфи сумбул атрлиғ рухсори гулфомим керак.

Эй харобот аҳли, расво кўнглум итмиш бир тараф,
Келмишам топиб сўроғ ул ринди бадномим керак.

Эй Навоий, хопақаҳда топмадим жуз тафриқа,
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.

* * *

Қочинг ул кўздин, анга ким, ул лаби хандон керак,
Эҳтироз этгай балодин гар кишига жон керак.

Захмлиқ кўнглумни айлар чок-чок ул қоши ё,
Ахтарур гўёки ғойиб айлаган пайкон керак.

Чархи кажрав узра сурма барқрафторингниким,
Ростлар кўнгли фазосидин анга майдон керак.

Ул пари ишқида эрмасдур малойик маҳрамим,
Кимки ишқи пок эрур, сирри анинг пинҳон керак.

Заъфдин чиқмас дамим, нетиб оғирлай итларин
Ким, қоварға узри мардумлуғ бағирдин қон керак.

Дайр пири хонақаҳ кунжига, эй шайх, истама
Ким, анинг базмиға гардун тоқидек айвон керак.

Эй Навоий, ул пари ўлтурса ҳам оздур сени,
Кимки инсондур, анинг маҳбуби ҳам инсон керак.

* * *

Хониваслингдин агар бўлмас муяссар бир емак,
Ҳам ғаниматдур талашмоқ итлариңг бирла сўнгак.

Не либоси офият киймак мени Мажнунғаким,
Англамон гар бўйнума тушса яқо янглиғ этак.

Ишқ пақди қиссасининг ҳифзиға бодома мўҳр,
Гар тилар бўлсанг муносибдур бу чок ўлған юрак.

Зулфдур ёхуд узори ўтиға чирмашти дуд,
Ё баиогўшиға тўш, бўркига санчибтур этак.

Суртгандек кўзини сарпанжаси пақшиға ел,
Кўз ёрутсам илгидин панжамда бўлса ул билак.

Ишқ агар бўлса ҳавойи нафсдин пок, эй кўнгул,
Йўқ тафовут дилбаринг гар бека бўлсун, гар мирак.

Қоши меҳробида васлин истаб айлармен дуо,
Эй Навоий, тонг йўқ андоқ, қиблада мундоқ тилак.

* * *

Эй тани хоки хаданггинга нишон бўлғон кесак,
Ҳам бу маъниға қуруқ бошим кесак уара сўнгак.

Бир ёқани қўймадинг қилмай этакка тегру чок,
Рахш то сурдунг ёқангни синдируб, санчиб этак.

Зоҳир айларсен яди байзо қилурда элни қатл,
Тиғ урарда енг шимолиб ким аёи этсанг билак.

Гул била номардум эл апдоқки, увгай ғупчапи
Йиғиб эттинг юз пора бағримни, жамъ қилдинг юрак.

Риштаи жоп янглиғ асрай тушса илгимга дами
Ким, ҳилол ўрниға ширин лаълингга етгай ипак.

Ҳажр шоми дарду ғамни бошима ёғдурғали
Бўлди анжум бирла чархи чанбари гўё элак.

Ул пари ишқида чун ўлди Навоий, англангиз
Ким, мажониндур иши қабриға бутса ҳар чечак.

* * *

Қолибмен заъфдин басқим, ул ой отти менга новак,
Тери бирла сўнгак, лекин сўнгак ўқлар, тери кўнглак.

Чидармен ҳар неча захм урса ул қотил вале бўлмас,
Чидамоқ гар бирин ўз узвида қилса биров ўлчак.

Малойик доми зулфидин қутулмас, ваҳ, қутулғайму
Ҳазин кўнглум қушиға айласа ул ҳалқадин илмак?!

Ҳабибим ҳусни васфин ўйла муҳлик англаким, бўлғай
Қошида қиссаи Юсуф бир уйқу келтурур чўрчак.

Мен ўлдумноладин, ноз уйқусидин ёр очмас кўз,
Не, суд андинки, ҳижрон шоми бўлғай кўзларим сергак.

Қаро қайғу мени элтиб қаро зулфинг учун ҳар тун,
Қаро боши тутуб овуч, қаро ерга кириб тирсак.

Ема ғам телба кўнглум ранжидин муҳлик жафонг ичра
Ки, мен ўлгай эдим, ўлса киши чекмак била эмгак.

Агар ҳусн ўлса қотил, зор не дарвешу не султон,
Вагар ишқ ўлса комил, ёр, не ҳиндую не ўзбак.

Эрур аҳбоб ишқининг қусури ҳусни нуқсидин,
Жамолу ноз то кўпрак, ниёзу шавқи ҳам кўпрак.

Десанг огаҳ бўлай, майдин ўзунгни ҳеч билмас қил,
Ки ғафлатдур фано тавридa ўзни бир нима билмак.

Навоий ул юзу лаб шавқидин ногаҳ наво чекса,
Дам урмас булбулу тўтики, будур кажжа, ул билтак.

* * *

Суд қилмас этагингни илигимдин чекмак,
Ким қиёматқа дегинча бу иликдур, ул этак.

Қонима қўл шимолу тиғни чекмаки, қилур —
Қатл, пўлод қиличдин бурун ул сийм билак.

Қайд қилмангки, жунун силсиласи қайдида мен,
Ким кеса олмас аии қилсалар олмос эгак.

Тиргузурда нафасинг юзни қочурмоқ не эди,
Майл қилмас худ ўлук кимсадин олмоққа мучак.

Ишқдин махласима айлабон аҳбоб дуо
Мустажоб ўлмаси онинг мени маҳвунға тилак.

Жаида бирла киши дарвиш эмас, бўлса фано
Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак.

Кўйида ўлди Навоий бу сифатким, бор эди
Такя хорову ҳасири ёни остида тўшак.

* * *

Лабинг хаёлидаким, чок эрур менга кўнглак,
Тикар эдим ани жон риштасидин ўлса ипак.

Итиигга озроқ эса тўъма пора-пора бағир,
Узуб солай яиа бир луқма ўрни тўлатса юрак.

Хатинг ғамидин ушалған қалам киби баданим,
Ичинда пол киби ҳар тараф заиф сўнгак.

Бинафша яфроғидин чу либос этибдур гул,
Йўқ эрса гул киби жисмингдадур бинафш елак.

Юзунгга обила захмидин ўзга ҳолатдур,
Нечукки боғ топар зеб чуп очилди чечак.

Либос зийнатию ишқ лофи келди бироқ,
Ки куймас ар неча парвонадек учар кўпалак.

Навоий айлайолурму пиҳон бағир туганин
Ки, лола янглиғ очар пора-пора қонлиғ этак.

* * *

Не осиғ, оҳим ўти равшан зулолинг кунидек,
Тийра дуди чун мени ўлтурди ҳажринг тунидек.

Гарчи бўлса ҳар шарар дўзах ўтидин мисли барқ,
Мумкин эрмас кўнглум оташгоҳининг учқунидек.

Эйки, зарҳал қилмоқ истарсен самапди наълини,
Топмағунгдур анга суртарга юзум олтунидек.

Хублар лутф айлаб ул қатлимға гарчи ҳукм этар,
Ҳеч ун келмас қулоғимға ул ойнинг унидек.

Ваҳ, не бўлғай етса юзу хаттинга гирён кўзум,
Ашким ўлса ул гулу бу сабзанинг шудрунидек.

Бил вафо расмин ғанимат, эй гул, андин бурнаким,
Дай сиёоҳи етгай оҳу кўз ёшим чопқунидек.

Васли кўйидин Навоий кўнгли озди, эй рафиқ,
Кўрмадук ҳаргиз ул аҳли ишқининг озғунидек.

* * *

Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек,
Душман доғи қайда бор сендек.

Эй хаста кўнгул, санга керак васл,
Йўқ ҳажрида чунки зор сендек.

Не ишқ аро хоксор мендек,
Не ҳусн аро шаҳсувор сендек.

Гулгун тўн уза қаро чу раг нақш,
Очилмади лолазор сендек.

Гар дайри фанода жом чексанг,
Йўқ шоҳи Жам иқтидор сендек.

Эй гул, тўкасен хумордин қон,
Ул наргиси нурхумор сендек.

Йўқ зулфиға тушкали, Навоий,
Ошуфтаи рўзгор сендек.

* * *

Жунун саҳросида бое йўқ эркандур бу маҳзундек,
Ки бўлғай ваҳши хайлин кутгали чўпони Мажнундек.

Не тонг гар олами кубро эсам ҳар қатра ашким чун
Тенгиздекдур, ичимда юз тугун ҳар қайси гардундек.

Шафақ кўк зарфин эткай лаъли, аммо лаъли ҳажринда
Қизорта олмагай оламни бу ашки шафақгундек.

Манга атфол отқон тошу сабрим кишварин кўрдим,
Мени девонага ул тоғдек бўлмиш бу ҳомундек.

Сочинг савдосидин айтур паришон сўзларим бордур,
Фусунгар санъат айларда йилонға қилгон афсундек.

Фироқинг поймоли қоматимким, ҳалқадек бўлмиш,
Назар қилким биайниҳ бўлди ҳижрон остида нундек.

Қўюб Фарҳоду Мажнун қиссасин кўр дафтари ишқим,
Ки бир-икки хатинда топилур ул икки мазмундек.

Чу кўмдунг ерга Қорун ганжи ҳукми тутти, эй мунъим,
Тутайким нақд ила бўлди хазонанг ганжи Қорундек.

Вафо айлаб, вафо кўз тутма олам дунларидинким,
Вафосиз келди олам дунлари ҳам олами дундек.

Манга дайри фано синғон сафоли жоми Жамдекдур,
Камин сойиллари эски палоси хаззу иксундек.

Навоий назмиға солса қулоқ шаҳ, не ажабким бор
Анинг ҳар лафзида шоҳона лаълу дурри макнундек.

* * *

Оғзиким сўзда Масиҳодек қилур элни тирик,
Бас улуғ сўзлукдурур, гарчи эрур асру кичик.

Қадди қўпқоч, сарв агар тушса аёғин ўпкали,
Йўқ ажабким, паст ўлур соя, қуёш бўлғоч бийик.

Ҳам ушул туфроғдин сочиб қурутунг номани,
Ёзсангиз ул ойга жисмим туфроғ ўлғондин битик.

Тийғи захмин боғласа аҳбоб, ғам йўқ, эй кўнгул,
Бир эшик боғланса ишқ ичра, очилғай юз эшик.

Ҳажр тошин бошима меҳнат палосин жисмима,
Қайда билгай ишқ анга кўргузмаган қотиг-ирик.

Учқил, эй булбул, бу гулшандин, нединким ҳар неча
Гул вафода куид эрур, жавр ичрадур хори итик.

Гар Навоий қатлиға келмайдур ул усрук, нега
Бас этак сончиб, қилич тортиб шимолибдур илик.

* * *

Ул сориғ тўнлуғ эрур турғонда таъзимға тик,
Шуълаким, хошокни куйдургали бўлғай бийик.

Кўнглума сончарға, эй гул, қилма мужгонингни тез,
Ким тиконнинг игнасин ҳожат эмас қилмоқ итик.

Қилмади ҳолимға ғамзанг бирла лаълинг илтифот,
Бор анингдек ҳолатимким, не ўлук мен, не тирик.

Кўз саводидин қаро жон сафҳасин қилдим варақ,
Бу икининг рашкидиндур гар санга ёзмоқ битик.

Хол экииму ул кўз остида, йўқ эрса нофадин
Мушк тар бўлғоч, гул узра қатра томизди кийик.

Ҳажр тоши бирла меҳнат шолини қилдим қабул,
Эй кўнгул, ишқ ичра бўлмас кўрмайин қоттиғ-ирик.

Хонақаҳни боғладинг, эй шайху, қилдинг азми дайр,
Юз эшик очилди, гар богланди эрса бир эшик.

Ўйла фони бўлки, домангиринг имкон бўлмағай,
Ким этак мажуд агар йўқтур, нени тутқай илик?

Эй Навоий, чун паривашларға мумкин йўқ вафо,
Қилма мундин норн гар бор эса ақлинг, телбалик.

* * *

Танға тошу қўлға тиш захмики солди телбалиғ,
Фош қилди элга кўнглаксиз бадан, енгсиз илик.

Гаҳ жунундин банду гоҳи банд ила сўҳон анга,
Бор эмиш савдою ишқ ичра басе қаттиқ-ирик.

Ҳар эшикдин азм қилсам кўйига боғлиғдурур
Бошиму ул остондур, то очилғай бир эшик.

Рокиб ўлғач қилди шабрангини ҳар ён жилвагар,
Соя гарчи кўп зуҳур этмас қуёш бўлғач бийик.

Дарди ҳажримни не билгай чун юр ашким сафҳани,
Ул мусофир сори гоҳиким рақам қилсам битик.

Лолагун майдин қизармиш кўзларинг ул навъким,
Лолазор устида ҳар ён ағнамиш бўлғай кийик.

Соқиё, маҳзунмен асру қилмағил гардунни зарф
Ким, бўлур кечрак нишот ўлған замон соғар кичик.

Олам аҳлиға ўлумдин чора чун имкони йўқ,
Ўлма олам фикридин бир лаҳзаким борсен тирик.

Эй Навоий, ул Масиҳодам қуёш чун урди захм
Они Исо игнасию меҳри тори бирла тик.

* * *

Бошиға чунки алиф кескай ул бути бебок,
Эмас маҳалли таажжуб, гар ўлса бўркида чок.

Гаҳики маст эгарур бодпо хирад хайли,
Борур ҳавоға, қуюн еткач, ўйлаким хошок.

Неким бошимда эди, қўйдум истабон қатлин,
Ки осса шоҳсуворим узилмагай фитрок.

Қоши фироқида баҳри сиришким андоғдур,
Ки янги ой кемасин чайқатур, уруб кўлок.

Тутуб пиёла фараҳнок қилғил, эй соқий,
Меники ҳажр хумори қилибтурур ғамнок.

Магар замон ғамидин қочмасун деб аҳли фано,
Иҳота айлади бир-бирнинг устида афлок.

Тажалли айласа ул пок юз, деманг аввал,
Замиринг оинасин ғайр нақшидин тут пок.

Навоий андуҳу фурқатда ўткариб умри,
Агар даме топибон васли доғи ўлса, не бок.

* * *

Тиғи ишқингдин кўнгул ҳар ён оғиздек бўлди чок,
Бу оғизлардин не тонг чексам фиғони дарднок.

Шарбати, ҳижрон била қатл айладинг аҳбобни,
Кимса ҳаргиз дўстларни заҳр ила қилмас ҳалок.

Жон қуши ўртанмасун деб ёнма ўтлуғ чеҳраким,
Шамъ ўти кўргач, куярдин айламас парвона бок.

Меҳрдек ёр эврулур бошиға ҳар саргаштаким,
Заррадек қилса ҳавои ишқи ичра ўзни пок.

Оразингдин йўқ ажаб тушса кўнгул захмиға ўт,
Меҳридин кўпрак бўлур маҳрур ҳар ерким магок.

Истасанг етгач фано ели сенга бўлғай уруж,
Фақр кўйида бурун қилмоқ керак сен ўзни хок.

Эй Навоий, ёр агар кўнглумга кирмак истади,
Захмима марҳамча бордур қилгани кўксумни чок.

* * *

Дарду меҳнат тошин, эй маҳзун кўнгул, жонимға ўк,
Ҳар не афзун келса андин, жисми вайронимга ўк.

Чун басе кўпдур чиқиб жон, жисм уйи емрулгали
Етса, хирман-хирман ул тошларни ҳар ёнимға ўк.

Ишқ ўти ахгарлари таскин берур чун дардима,
Еққали марҳамдек они доғи пинҳонимға ўк.

Ҳузну меҳнат юклари кўнглум уйин қилмиш тўла,
Эй фалак, эмди аларни байтул аҳзонимға ўк.

Юзу зулфи ёдидин мажлис тузарман, эй рафиқ,
Боғдин гуллар териб, ҳар ён шабистонимға ўк.

Хонақаҳда тийрамен, дайри фано туфроғини
Ҳам супур кирпик била, ҳам чашми гирёнимға ўк.

Ғам била аидуҳ ғизосидин бўлубмен мумтали,
Эй Навоий, гўшаларда они зиндонимга ўк.

* * *

Меники муғбача дайр ичра айлагай усрук,
Не тонг, кўзумга қуёш бўлса заррадин ўксук.

Сўзумни ёр эшитмай юзумни чуркади оҳ,
Бу важҳдиндур ул ой оллида юзум чуркук.

Фироқи ўқидин ўлмиш тешук-тешук бағрим,
Бу турфароқки, бир ўқдиндурур ҳар икки тешук.

Ғамида турлук-турлук балоға учрабмен
Ки, ҳар бириси мени куйдурур неча турлук.

Танимда раглар узулди фироқ шиддатидин,
Начукки, ришта чубулғай, ипак тўн ўлса чурук.

Тутай жаҳонда Сулаймон сени ваё Жамшид,
Не мунга жом вафо айлади, не анга узук.

Навоий, ўртади ширин ҳадисинг эл кўнглин,
Начукки куйдурур ични, чу шарбат ўлди чучук.

* * *

Не навъ борди экин уйга кеча ул чобук,
Ки тун қоронғу эди, рахши тунд, ўзи усрук.

Нечукки елдин ўлур ҳар тараф ниҳолға майл,
Саманд уза эгилур эрди ул қади нозук.

Агарчи кайфият ичра кўрунубон бир навъ
Ва лек кайфият андин кўнгулга юз турлук.

Гаҳики кўз очибон кирпиги отиб новак,
Тушуб қаёпки этиб жону кўнглум ичра тўшук.

Агарчи ўлтурубон юз тирикни ғамзасидин,
Ва лек жон топибон нуктаси била юз ўлук.

Нетиб ўз илгида қолғай инони ҳушу хирад,
Ки бода кучлуку рахши инони ҳам кучлук.

Навоиё, бу балолар сангаки юзланди,
Хаёли офият этсанг, ўзунгга бор ўтрук.

* * *

Айтмонким, лаъли жонбахшинг эрур жондин чучук
Ким, эрур ҳар неки йўқ андин чучук, ондин чучук.

Нечаким бўлсун чучук ширин такаллумлар сўзи,
Лекин эрмас ул каломи шаккар афшондин чучук.

Нўши лаълингдин манга чун заҳри ҳажр ўлди насиб,
Не осиғ, гар бўлса ул ортуғроқ имкондин чучук.

Най ўқунг беҳад чучуктур жонға, гўё чиқмамиш
Бир қамиш мундоқ шакар буткан найистондин чучук.

Новакинг узра бошоқ гўё эрур ҳабби набот
Ким, кўнгул коми бўлур ул шакли пайкондин чучук.

Соқиё, жомимда эзгил заҳрким, ҳар неча ул
Бўлса оччиғ, бўлғусидур заҳри ҳижрондин чучук.

Эй Навоий, жонфизо назминг лаби васфида бор
Шираи жондин эзилган оби ҳайвондин чучук.

* * *

Ёр келса, дўстлар, оҳанги рафтор айламанг,
Инфиолимдин нафас урмоқни душвор айламанг.

Ёлғуз уйда қайда ёро боқмоғим рухсорига,
Ҳолатин тағйиридин сирримни изҳор айламанг.

Токи кўнглум изтиробию таним титратмаси,
Сокин эрмас, нукта айтурға мени ёр айламанг.

Соате чунким ўтуб бу навъ келсам ҳолима,
Сўз аро ошиқлиқ алфозини такрор айламанг.

Чунки бўлса мултафиткм, ер ўпуб ўлгумдурур,
Ҳар жафо қилсам ўзумга, манъ винҳор айламанг.

Эмдиким ўлдум, таним ёр итларига ташлангиз,
Лек ағёрин бу маънидин хабардор айламанг.

Қайси ошиқким Навоийдекдурур, эй аҳли эуҳд,
Ишқ манъин айлабон кўнглига озор айламанг.

* * *

Пили гавҳаркашдурур ҳар ён саҳоби пилранг,
Бошида чангак ҳилолу ёнида хуршиди занг.

Асру изҳори тажаммул қилди султони баҳор
Ким, бу янглиғ пил юз минг жилва айлар бедаранг.

Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагуи,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг.

Дафъа-дафъа бир-бири узра булут офоқ уза
Гўиёким, тожире терди рухутин танг-танг.

Чанг уни бирла май ич, кўргузди чун қавси қузаҳ,
Давр ила андоми чангу лавн аро автори чанг.

Бўйла мавсумда керактур айш базмин тузгали
Ҳам зумуррадранг ер, ҳам бодаи ёқутранг.

Бу бори бир ёну, ул бир ёнки, ичмак боиси
Соқие бўлғай бу давр ичра бағоят шўхў шанг.

Ҳам йигитлик, ҳам баҳор айёмини тут муғтанам,
Бодаю соқий учун қилмоққа тарки ному нанг.

Эй Навоий, дам бу дамдур, тут ғанимат, бода ич,
Ўзга бир дамға етар, етмасга чун воқиф эманг.

* * *

Айласа муғбача дайр ичра мени масти маланг,
Ушатай соғари номус била шишаи напг.

Эй хуш улким, қилибон зуҳд тупидин урён,
Дайр аро тифллар ўйнатса они масти яланг.

Ишқ базмиға петиб бормағамен, чунки мени
Тортадур ул сори юз тор била нағмаи чанг.

Манга, зоҳид, яна май таркини қил деб таклиф
Қилмағайсен, кўзунга учраса ул соқии шанг.

Соф май ламъасию, соқийи маҳваш ҳусни,
Тийра зоҳидқа асар қилмадиким, бор эди дапг.

Ишқи бебок уза ким зуҳд хаёлин қилса,
Эрур, андоқки, дегай бодаи ноб устида банг.

Майкада аҳлиға юз тоқу тараб, эй соқий,
Хопақаҳда бўла олғайму Навоийға даранг.

* * *

Эйки, ҳусн аҳлиға нозу шева таълим айладинг,
Ишваву ноз айлабон бир-бирга тафҳим айладинг.

Ҳар киши илгига сендин бир дирамдек доғи бор,
Ҳусни мулки сочиқин гўёки тақсим айладинг.

Бизни таъхир эттинг, айларда вафо ушшоқинга
Лек жавр оғоз қилғон чоғда тақдим айладинг.

Чун етиштим оллиға, қўптунг вале ўлтурғали,
Эй фидо жоним сангаким, яхши таъзим айладинг.

Ҳажр заҳриға мени тахсис этиб аҳбоб аро,
Васл нўшин ул жамоат ичра таъмим айладинг.

Хонақаҳ шайхию юз минг қайд, тиндинг, эй кўнгул,
Ўзни чун дайри фано пирига таслим айладинг.

Эй Навоий, йўқ ҳарам эҳромида эмди қусур,
Ким кўнгулга ғайрнинг ёдини таҳрим айладинг.

* * *

Оҳимни сарсар айлабон ашкимни тўфон айладинг,
Бу сарсару тўфон била оламни вайрон айладинг.

Бир дам юзин кўрган замон маҳрум этарга васлидин,
Эй йиғламоқ, зўр айлабон, эй ашк, туғён айладинг.

Эй ҳажр, ашким қонидин ер гўйин эттинг лаългун,
Бу гўй шаклин ўйлаким бир қатраи қон айладинг.

Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб доғ-доғ,
Жисмимда ҳар ердин нишон бир доғи ҳижрон айладинг.

Гардун балият ўқларин отқонда, эй гул, гўиё
Бир хори ҳажринг даштидин ҳар бирга пайкон айладинг.

Чун жону кўнглум хирманин кул айладинг, эй барқи ишқ,
Асрарға ҳажр ўтин магар ул кулда пинҳон айладинг.

Эй муғ, зулоли ҳажр эди жоми Жам ичра дайр аро,
Синғон сафол ичра солиб, дардига эҳсон айладинг.

Давр аҳлидин, эйким, вафо мумкин эмас дединг манга,
Туттуқ мусаллам, ҳар нечаким маъни имкон айладинг.

Эй кўнглум, иршодим билаким тутқунг ойини фано,
Кавнайн ранжидин халос ўлдунг, не нуқсон айладинг.

* * *

Ичмадинг май, то бурунроқ бизни расво қилмадинг,
Чунки расво қилдинг, андин сўнгра парво қилмадинг.

Майни заҳри ҳажр соғиндинг магарким, тотқали
Бир фидойи мен киби давронда пайдо қилмадинг.

Май ичардин қасдинг эрмиш бизни расво айламак,
Айш фикрин мундин ўзга ишга гўё қилмадинг.

Шаҳр бадноми мени айлаб, ўзунг ишрат аро,
Ваҳки, бу бадномни бир ёди қатъо қилмадинг.

Шоҳ базми ичра чун лойиқ эмас эрмиш гадо,
Эй хирад, невчун бурунроқ бизга имо қилмадинг.

Эй кўнгул, раҳмат сенгаким ҳар неча кўрдунг жафо,
Олам аҳлидин вафо ҳаргиз таманно қилмадинг.

Эй Навоий, шукрким, гарчи мени шаҳр ичра ёр
Шуҳра қилди, сен анинг сиррини ифшо қилмадинг.

* * *

Ишва айлаб элга, оҳимдин тавахҳум қилмадинг,
Тишлабон лаълингни жонимға тараҳҳум қилмадинг.

Лаълинг ичра дурларинг шавқида сорғорди юзум,
Оҳким, бу заъфарон бирла табассум қилмадинг.

Орзу қилдим ҳадисинг — айладинг қатлимға ҳукм,
Ул доги эрди ишораткимц, такаллум қилмадинг.

Элга жон бермас санга душвор келса, тонг эмас,
Менки то жон олмадинг элдин, танаъум қилмадинг.

Эй кўнгул, ондинки аввал дуд эрур, андин сўнг ўт,
Ишқ аро Фарҳоду Мажнунға тақаддум қилмадинг.

Эй қазо ҳукмиға ожиз, бу сифат маҳкум ўлуб,
Фақр атворида ҳеч иш жуз таҳаккум қилмадинг.

Тушкали ул гулдин, эй булбул, Навоийдек йироқ,
Ғайри дилкаш лаҳну жонпарвар тараннум қилмадинг.

* * *

Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг?
Дуди бирла хонумонимни қарому қилмадинг?

Куймагимга барқи офат қилмадингму оҳни,
Ўлмагимга ашкни сели балому қилмадинг?

Зулм тиғидин танимни қилмадингму банд-банд,
Фурқатимдин банди-бандимни жудому қилмадинг?

Дема, эй кўзким, не қилдим гар сени кўр истасам,
Бир боқиб юз минг балога мубталому қилмадинг?

Эй кўнгул, ҳолимни қилдинг арзу, афзун қилди зулм,
Қилмадингму ё билиб, яхши адому қилмадинг?

Шиква қилсак сендин, эй гардун, раво эрмас дема,
Бизни беком айлаб эл комин равому қилмадинг?

Ҳажри ишқ ичра, Навоий, ошнолиғ топмадинг,
То бу бир кўзни Арас, ул бирни Ому қилмадинг?

* * *

Ваҳки, ўтлуқ чеҳра очиб, хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдин отиб нукта, жоним ўртадинг.

Дема: «Не қилдим, не қилдим нотавон кўнглунг олиб?»
Ўртадинг, эй қотили номеҳрибоним, ўртадинг!

Ўт аро қил тўлғониб куйгандек ул юз шавқидин,
Неча ким тоб урди, жисми нотавоним ўртадинг.

Кўкта зоҳирдур шафақдин шўъла, анжумдин шарар
Ким, ани, эй шўълалиқ оҳу фиғоним ўртадинг.

Бисмил этгач сайдни андоқки айларлар кабоб,
Захм этиб кўнглумни чунким оқти қоним, ўртадинг.

Урғали, эй ишқи золим, барқи офат жонима
Ҳар не ўзлуктинки бор эрди гумоним, ўртадинг.

Эй Навоий, то белу огзи хаёли айладинг,
Бору йўқ, яъники найдову ниҳоним ўртадинг.

* * *

Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркин тутмадинг,
Ваъдаи шамъи висол эттинг, вале ёрутмадинг.

Ваъдаи враслинг илик бергай деб ашким бўлди баҳр,
Чунким ул дарё аро ғарқ ўлдум — илгим тутмадинг.

Васл нўшидин кўнгулни қилмадинг бир лаҳза хуш,
Ҳажр заҳри биймидин юз қатла то қўрқутмадинг.

Оташин гул ғунчасидек ўртадинг кўнглумни, лек
Очибон они насими васлидин, совутмадинг.

Донаи ашкимгаким ром ўлди ҳижрон қушлари,
Эй кўнгул, бир куп фиғонингдин ани уркутмадинг.

Хаста кўнглумким ғаму хуноба қилдинг қисмати,
Бу ғизоу шарбат ул бемордин ўксутмадинг.

Бодаи васлин ғанимат тут, Навоий, зинҳор,
Ким не қонларким, бу гулгун сувни истаб, ютмадинг.

* * *

Эй, кўзу кўнглум сиришку оҳдин тўфон қилинг,
Жону жисмимнинг йиқилғур кулбасин вайрон қилинг.

Қилса бу иш кўзу кўнглум, сиз доғи, эй дарду ишқ,
Кўзни кўр айлаб, кўнгулга дард ўқин паррон қилинг.

Ҳар баҳона бирлаким бўлса ҳаётим қасрининг
Тоқу айвонин бузуб, туфроғ ила яксон қилинг.

Яъни айлаб мунча бедоду жафолар, шаммае,
Ҳажр дарди шиддатин мен хастаға осон қилинг.

Зинҳор аҳбоб ошиқ бўлмангиз, гар саҳв этиб —
Бўлмоқ истарсиз, бурун андишаи ҳижрон қилинг.

Дермен, эй аҳбоб, тортай ҳажрдин бир тийра оҳ,
Ер тубига ой ила кун кўзгусин пинҳон қилинг.

Ҳажрдин кўнгли тўла келмиш Навоий раҳм этиб,
Эй харобот аҳли, бир мамлу қадаҳ эҳсон қилинг.

* * *

Гулрухеким, жонародур хор уза хори анинг,
Хорхоридиндур озор узра озори анинг.

Ўйла зулфунгдин муқайяддур кўнгулким дегамен,
Юз тугуи солмиш бу қушболиға ҳар тори анинг.

Кўрса вайроним қаёндин эл, йиқилгай соғинур,
Ичкари емрулгудектур гарчи девори анинг,

Тарҳ қилғонда узоринг давриии наққоши сунъ,
Тенг эмиш хуршид даври бирла паргори анинг.

Дема оғзи васфида сўз, деки, махсус ўлмамиш,
Не ўзини ваҳм аро ҳаргиз намудори анинг.

Васлидин улким асар истар талаб водийсида,
Топқай ар топилмағай ҳижрондин осори анинг.

Не ҳумоюн ердур, эй солик, хароботи фано,
Ким бақо важҳин кўрар жон ичра хаммори анинг.

Ким вафолиғ ёр кўрди, хуррам ўлсун ошиқи,
Ким вафо қилғай жафогарликда бир ёри анинг.

Сиҳҳат ўлғайму Навоийғаки, юз дилхастани
Кечалар уйқуға қўймас нолаи зори анинг.

* * *

Бўлди қотил кўз била зулфи сияҳкори анинг,
Кофири мастеки, ҳар ён тушти зуннори анинг.

Истасанг Лайлию Мажнун ҳусну ишқидин мисол,
Мен назиримен мунунг, ёрим намудори анинг.

Кўрди ул гул ҳажридин кўнглум шигофин андалиб,
Билмон афғон қилди ё чок ўлди минқори анинг.

Қўйма марҳам тийғи захмиға кўнгулда, эй рафиқ,
Чиқса жон ҳам, чиқмасун кўнглумдин озори анинг.

Кўксум узра доғлар бўйнумда зулфи торидур,
Токи мушкин риштаға тортилди тумори анинг.

Қўйма қасринг соясиндаким, бир оҳу ашкдин
Ҳам қаро бўлдию ҳам нам чекти девори анинг.

Дайр кўйининг гадойименики, олам шоҳидур
Мастлиғ вақтида бир ошуфта хуммори анинг.

Жом тутким, тарҳини қилғон замон наққоши сунъ,
Қилди ғам нақшини хориж даври парготи анинг.

Эй Навоий, лаъли жонбахши манга бўлса насиб,
Тонг эмас, ҳар лаҳза юз жон қилсам исори анинг.

* * *

Бировки, кўнди кеча ўзга ерга ёри анинг,
Кўзидин уйқу учарға не ихтиёри анинг.

Кишики, дилбари ағёр бирла тутти қарор,
Ажаб эмастур, агар бўлмаса қарори анинг.

Замона хўбларидин вафо тамаъ тутқон,
Ўт истагайки, су қилғай аён шарори анинг.

Вафоға чунки жафодур эваз, хуш ул фориғ,
Ки ишқ кишвариға тушмамиш гузори анинг.

Кўнгул ҳавоси мени бузди, шукрдур ангаким,
Тузулди офият авжида рўзгори анинг.

Ҳаёт гулшанидин қайда бар егай кўнглум
Ки, ғам ҳазониға бўлмиш бадал баҳори анинг.

Замона боғида нахли вафо эмас сарсабз
Ки, жаври жоласидин тушти баргу бори анинг.

Қувонма давлати ҳуснунгға, эй наривашким,
Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг.

Навоий этса фиғон, хўблар, торикмангким,
Не қолғусидур ўзи, не фиғони зори анинг.

* * *

Қилса кўксум чок тийғи заҳрпарварди анинг,
Қўймангиз марҳамки, ўлтурсун мени дарди анинг.

Кўйи туфроғи аро ўлдум, дам урма, эй Масиҳ
Ким, ҳаёт истаб юзумдин учмасин гарди анинг.

Гул юзунгдин айру боғедур кўнгулким, очилур
Ҳажр ўти учқунларидин оташинварди анинг.

Оҳим андоқдурки, лаълинг шавқидин бир қатра қоп
Тўкса кўз, ёқутдек боғлондурур барди анинг.

Бўйлаким солди самандин пўяға, ваҳ, не ажаб,
Олам ичра солса ўт барқи жаҳонгарди анинг.

Сотма, эй гул, ноз кўп, боққил хазон боғиғаким,
Бор эмиш гулранг бир кун чеҳраи зарди анинг.

Бер Навоий комини ё жонин ол, эй умрким,
Зулмни элга фиғони ҳаддин ўткарди анинг.

* * *

Не бийми ҳажрдурурким, ниҳояти йўқ анинг,
Висол умиди киби ҳадду ғояти йўқ анинг.

Не суд хорани гар қилса дуди оҳим мум
Ки, кўнгли ичра шарарча сирояти йўқ анинг.

Агарчи шаҳдур у, ушшоқ анинг раиятидур,
Вале раияти сори риояти йўқ анинг.

Не зулмдур буки, ҳажр этса хастажон ногаҳ,
Анга мададдуру, бизга ҳимояти йўқ анинг.

Жафоу жаври дамо-дамдур, эй кўнгул, демаким,
Асиру шефталарға инояти йўқ анинг.

Бу дайр аро бирав осудадурки, муғбачадин
Не келса, шукр этар, аммо шикояти йўқ анинг.

Навоий илгида не сабру не умиди висол,
Кишики бўлмаса нақди, кифояти йўқ анинг.

* * *

Элга ишқидин ғараз меҳру вафосидур анинг,
Гар мени ўлтурса, мақсудум ризосидур анинг.

Бўлмас ул бегонаваш чун ошно, бўл, эй кўнгул,
Бир кишига ошноким ошносидур анинг.

Новаки захмин кўзумдин чиқмасун деб, захмини
Қийр ила тутқум, соғинмаганким, қаросидур анинг.

Ўқи суфори кўнгулда гар қизарди, не ажаб
Ким, бағир нарголаси ҳар дам ғизосидур анинг.

Сабр хайлин кўнглум ўз гирдинда қўймас, гўиё
Кирнику қошинг хаёли ўқу ёсидур анинг.

Даҳр бўстонида буким чок эрур гул кўнглаки,
Булбул аҳволиға гўёким азосидур анинг.

Шод ўлубтур фақр кўйида Навоий, ўйлаким,
Салтанат фарши гадолиғ бўрёсидур анинг.

* * *

Эй, жафо пешангу бедод ишинг, жавр фанинг,
Ҳар бири марҳами роҳат киби кўнглумга менинг.

Кўпдурур кўнглум аро неш магар қилди нишон,
Варзиш айларда они ғамзаи новакфиканинг.

Хўблар хатларидин тийрадурур чеҳралари,
Сенсен ул гулки, юзунг гулшанида йўқ тиканинг.

Лутф кўрким, суда гул акси масаллик кўрунур,
Ҳулла нозуклигидин ҳар сори нозук баданинг.

Эй кўнгул, ғам юзининг кўзгусидурсен гўё,
Кўзгунинг икки юзи ёнгғию эски туганинг.

Мендек, эй лола, сени қилмади гар ишқ шаҳид,
Нега ғам доғи аён айлади қонлиғ кафанинг.

Давр андуҳи мени қилди ҳалок, эй соқий,
Шиша софий йўқ эса, йўқму экан дурди ананг.

Йўқтурур аҳли замон қасрида жуз пақши жафо,
Чиқма, гар худ йиқилур бошинга байтулҳазанинг.

Эй, Навоий, чу фалак тоқидин офат ёғадур,
Чиқмаким, бўлса керак майкада боғу чаманинг.

* * *

Айрил, эй заъф, эмди моҳи нотавонимдин менинг.
Кам қил андуҳ ўтин озурда жонимдин менинг.

Чок кўксумдек тикинг оғзимни ҳам ким, кечалар
Ҳар замон сесканмагай беҳуд фиғонимдин менинг.

Садқа вожиб бўлса, эй кўзу кўнгул, айланг нисор,
Дур била лаъл оллиға бу баҳру конимдин менинг.

Эй фалак, жилванг учун айлай равонимни фидо,
Жилвагарлиқ олмағил сарви равонимдин менинг.

Жисм аро ҳар дам ҳарорат фаҳм қилсанг, эй қуёш,
Ғофил ўлма жондоғи сўзи ниҳонимдин менинг.

Соқиё, гар лаългун май тутса бўлмас ёрға,
Итларин сероб қилғил бори қонимдин менинг.

Хурдаи жоним нисоринг, эй Навоий, гар десанг
Сиҳҳатойин нукта шоҳи хурдадонимдин менинг.

Тийра қилмиш тун киби офоқни оҳим менинг,
То эшиттимким, қилур шабгардлик моҳим менинг.

Тун либосидек қаро пашминадурму сайрида,
Ё тутубтур ул жафогар шўхни оҳим менинг.

Учрамас ҳар кўй бошинда туруб йўл асрасам,
Равшан эрмас, ваҳки, шамъи бахти гумроҳим менинг.

Ё қочар мендин халойиқ танигай деб ногаҳон,
Ёритур чун тунни ҳар дам оҳи ногоҳим менинг.

Хидматида нега йўл топмон экин мен тийрарўз,
Шоми мулкин чун мусаххар айлади шоҳим менинг.

Мен доғи аҳбобдек мақбул эрдим, оҳким,
Чоҳи идбор ўлди ул иқбол ила жоҳим менинг.

Элга ҳар лутфи Навоий жонига бир доғ эрур,
Неча қўйғай бағрима доғ ул юзи моҳим менинг.

* * *

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тўкилмиш суға, бормиш сарв ўзидин гўиё,
Чеҳра очмиш боғ аро сарви хиромоним менинг.

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир туган,
Лолалар остидадур ҳар доғи пинҳоним менинг.

Тилга олмиш телба кўнглумни яна хайли рақиб,
Қолмиш итлар оғзида мажнуни урёним менинг.

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса бехабар,
Бехабар захм урғучилар доғи ҳайроним менинг.

Халқдин пинҳон мени маст айла, шояд, эй рафиқ,
Сокин ўлғай шаммае бу дарди пинҳоним менинг.

Эй Навоий, бўлмаса бир пири комил ҳиммати,
Ул йигит бедодидин махлас йўқ имконим менинг.

* * *

Қилмади васл ичра бедод узра бедодинг сенинг,
Улча қилди фурқатингда дам-бадам ёдинг сениг.

Қайси соҳирким дедиким, Сомири шогирдимен,
Деди ғамзангким, эрур шогирдим устодинг сенинг.

Англа Ширинким, не сен маъшуқлуқ ҳам онча сен,
Не бор эрди менча ошиқликда Фарҳодинг сенинг.

Соя эрмас, боғбонким, гулрухум қаддин кўруб,
Озибон ҳуши, йиқилмиш сарви озодинг сенинг.

Уйқуға итлар уни гар мониеъ эрди, эй кўнгул,
Эмди қўймас уйқуға итларни фарёдинг сенинг.

Чун фано матлуб эрур соликка бил, эй шайхким,
Куфр эрур зуҳду риёси ичра иршодинг сенинг.

Эй Навоий, маҳнату ғамдин қочар бўлсанг, керак
Бўлса майлиғ тўсингу қурси газак зодинг сенинг.

МУНДАРИЖА

На узбекском языке

САД УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

АЛИШЕР НАВОИ

ДРУГА Я НЕ НАШЁЛ

Газели

Такризчи Наим Норқулов

Редактор *А. Шаропов*
Рассом *А. Амирх...ов*
Расмлар редактори *В. Немировский*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *У. Сайдуллаев*

ИБ № 3748

Босмахонага берилди 18.09.87. Босишга рухсат этилди 23.03.88. Формати 84×108$^{1}/_{32}$. Босмахона когози № 2. Оддий-янги гарнитура. Юқори ... ма Шартли босма л. 41,16. Шартли кр.-оттиск. 41,16. Нашр л. 18,... Тиражи 60000. Заказ № 12. Баҳоси 1 с. 80 т. Шартнома № 43—87.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.